



*Йұлдош Мұқим үғли  
Оташ*

63.5

М-85

ЙЎЛДОШ МУҚИМ ўғли ОТАШ

# НАВРЎЗ НАКЛИ

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН"  
1992

68652

63.5  
M 85

Муҳаррир Н. УМАРОВ

M 0505000000-31 92  
M351 (04) 92

ISBN 5-640-01257-9

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашириёти, 1992 й.

## МУҚАДДИМА

Наврұз — қутлуғ сүз, күнглимиң майли ва сайли, бизға руҳий риңқы рұз.

Бироқ қабоқат ва жақолат, бүрон ва түфон, зулмат ва ғурбат ийләрида бу муборак айём билан бир қаторда бошқа жуда күплаб әзгу урф-одатларимиз, миллий фазилат ва хислатларимиз унүтилди.

Кейинги ярим аср мобайніда туғилған авлодимиз бу мұтабар удумлар, маросим ва маъракалардан бехабар ва бебақрадир, ушбу ақидаларнинг файзбахш ва мүъжизакор нафасидан маҳрум бўлди, бузғунчилик, хиёнат ва жиноятга йўллайдиган, қалбимизга бегона ва ёт одатлар, хатти-ҳаракатларнинг машъум таъсири остида яшашга маҳкум бўлди.

Олло таолога минг қатра шукрким, кейинги икки уч йил орасида севимли сайлимиз наврұз ва бошқа миллий анъаналаримиз тикланди. Бизнинг кўчамизда яна ўша қутлуғ байрамларимиз кезиб юрибди. Аммо қўпчилик жойларда наврұзни қай тарзда байрам қилишни билишмайди, бу улуғ сайлимиз кўп ҳолларда сумалак пишириш, қўчкор ва хўroz уриштириш ва даврага чиқиб, бир неча бор айланиб, ўйинга тушишдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Наврұз қачон ва қандай пайдо бўлган?

Илк бор қаерда байрам қилинган?

Қадим замонларда ота-боболаримиз, узоқ аждодларимиз бу сайилни қай тарзда ўтказганлар?

Бу қутлуғ маросим бизнинг кунларимизга қадар қай ҳолда етиб келган?

Сайил вақтида қанақа қўшиқлар, лапарлар, ўланлар, ёр-ёрлар айтилган, қанақа ўйинлар бўлган?

Ўша биз севган муқаддас таом — сумалакни ким ихтиро қилган?

Ва ниҳоят, "Сумалак" не деган сүз, қандай маънени англатади?

Ва яна, энг мұхими, бундан бүён наврұзни қандай байрам қилишимиз керак?

Бу саволларга ушбу рисолада жавоб топасиз, наврұз тұғрисида донишманд, олим ва шоир ҳалқимиз тұқыган ривоят ва нақллар, ҳикматлар, қўшиқлар, мадҳия ҳамда марсиялар ила танишасиз...

## НАВРҮЗ ВА ЛЯМАЖУЗ

Қиши аёзлари ўтиб, ҳаво исий бошлагач, қишлоқ аҳли жонланиб қоларди. Сандали бурчаклари — қодакларини тарк этиб, ҳовли ичини тартибга солишга, супуриб-сидиришга, ёмғиру қордан қолган лой, хас-хашак ва бошқа чиқиндилардан тозалашга киришарди. Болалар ҳам бу юмушларни бажаришда катталарга ёрдам берардилар.

Лекин биз учун бу кезларда исмалоқ ва қиччи\*, қаймоқ-қоқи, ҳилбүй\*\* теришдан севимлироқ иш йүқ эди. Кечқурунлари бутун қишлоқ узра хүшбүй күкат сомса ҳиди тарапиб кетарди. Хай-хай, бай-бай! Бундан ҳам мазалироқ, бундан ҳам лаззатлироқ он, фасл бўлмаса керак. Кўклам — гуллайди олам, яшнайди одам!

Уйда ҳам кўм-кўк майса ўстирадик. Илма-тешик тахта устига буғдой ёки арпа уруғи тўклилиб, устига сув сепиб туриларди. Тез орада уруғдан оқиш-сарғиш бўлиб, қилтириқдай нозиккина ниҳоллар ниш уриб чиқарди ва тез кунда барра-барра бўлиб диркиллаб, кўм-кўк тус оларди. Ана шундай майсаларнинг бириқиб-чатишиб кетган илдизлари бир-биридан ажратилиб, туплари алоҳида-алоҳида қилиниб, қозон тўлди, яъни наврӯз кечаси баргларига тоза сув сачратиб, дастурхон устига қўйиларди. Сув томчилари шуълаланиб, диркиллаб турган бу ям-яшил кўкатлар кўзингни қувонтирас, ейишга кўзинг қиймасди.

Дастурхонни улкан қилиб ёпилган патир нон ва турли хил рангларга бўялган тухумлар ҳам безарди. Каттакон ва чуқур сопол товоқдаги тиниқ сув юзида ҳам кўкатлар ва ёки эндинга сабз қилган тол, тут ва бошқа дараҳт барглари зумраддай товланиб турарди.

Булар ҳаммаси кўклам элчиси, кириб келаётган баҳор даракчиси деб шундай қилинарди ва имконияти бўлса етти хил дон — буғдой, арпа, нўхат, жугори, биринж, мош, лубло, иложи

\* — кўкат (шева)

\*\* — ҳилбүй — ялпиз

топилмаса, фақат жугорининг ўзи янчилиб, қозон тўлдириб кучадишириларди. (Мен гўжани Бухоро ўзбеклари шевасида атадим.)

Қишлоғимизга қачонлардир Эрондан келиб, шу ерда ўтроқ булиб қолиб кетган аҳоли оиласарида "Ҳафтисин" деган таом ҳам тайёрланарди Масаллиқлар "Син" товуши ила бошланарди: сабз, яъни кўк ўт — майса, сир — саримсоқпиёз, седона — сўмоқ (нонга сепиладиган гул уруфи), сеп—олма, сирко, санжида—жийда. Сипанд (ҳазорсипанд, йириқ)...

Эроний ҳамсояларимиз ўз тилларини эсдан чиқариб, фақат ўзбек тилида сўзлашадиган булиб кетғанликларига қарамай, қадим ота-боболар урф-одатини унутмаган, унга риоя қилар эдилар.

Ҳафтисин тайёр бўлгач, уйларига қўшниларни чақиришар, қўшиқ айтиб, ўйнашарди. Бироқ у қўшиқлардан бирортасини эслай олмайман. Аммо ҳафтисинга атаб бувим — Нурмомо тўқиб, айтган байтларнинг баъзи бирлари ҳеч хотиримдан чиқмайди:

Тайёр бўлди Ҳафтисин,  
Хоҳлаганлар тез кесин\*.  
Сумалакми, самбўса  
Чопинг, бариси текин...

Ноз-неъматлар тайёр бўлгач, дастурхон атрофида ҳамма тўпланарди. Оила аъзоларидан биронтаси ҳам дастурхондан четда қолмасди. Башарти кимдир келмаса, ўша одам удуму иримга кўра, бахтсизликка, бирор-бир фалокатга учраши мумкин деб саналар ва фалокатдан қочишга ҳаракат қилинарди.

Хотиримда яхши сақланиб қолган: шундай кечалардан бирида отамни жуда интизор бўлиб кутгандик. Шоғиркон туманидаги Денов қишлоғига, қариндошлариникуга кетган эдилар. Оталари—Қўлдош бобом ўша томонда, Қўлижаббор ёнида жойлашган Суғуд (қадимда Суғдиён) қишлоғида туғилиб, ўспиринлик пайтларда етим қолганлар. Акалари билан биргаликда Шоғиркон рӯди бўйлаб юриб, буғдой ўроги вақти иш қидириб ана шу рӯд-дарё бошидаги қишлоқлардан бирига келган эканлар.

Улар икки тилда, тожик ва ўзбек тилларида гаплашадиган киши бўлганлар. Бу қишлоқда, Тошработчада ва унинг атрофларида эса аҳоли фақат ўзбек тилида сўзлашганлиги учун уларнинг отига "тожик" сўзини қўшиб айтганлар.

Ва яна ҳикоя қилишларига кўра, бобомнинг исми шарифига "Оташ" сўзини қўшиб, Қўлдош Оташ деб ҳам атар эканлар.

\* Келсин (шева)

Кейинчалик бунинг сабабини сұраб суриштириб, билишимга күра, ұшал Суғуд қишлоғида оташпаратлик динининг урф-одатлари күпроқ сақланғанлигіда, унда истиқомат құлувчилар бу одат ва үдүмларға ҳамон риоя қилиб келағанлардың әкесі. Айрим қариялар эса: "Бобонг үз сұзли, айтганидан қайтмас ва тез феъл әди, гоҳи-гоҳида оташдай ёнар әди" деб ҳам тушунтираң әдилар.

Бобомнинг акалари Зоҳир амакининг ҳам "Оташ" лақаби бор әди. У киши биздан сал юқоририоқдаги Шафтолихұрак деган қишлоқда яшаб үтгандар. Мен унинг үғлини, отамнинг амаки-ваччаси бұлмиш Зокирни бир неча бор күрганман. У ахёң-ахёңда бізнигі келиб турарди. Анчагина ёшга бориб қолганига қарамай, болалик өнімдегі кокилини олдирмай, аёллар сочи сингары үриб, елкасида осилтириб юради. Бизга жуда-жуда ғалати туюларди бу ҳол. Унинг кетидан юриб томоша қиласынан. Қадимий урф-одатта күра бир ният ила үғил болаларда кокил қолдирилар, ұша ният амалга ошса, олдириб ташланар әкесі. Эсімда: ёзда каллапұш (дүппи), қиша телпак кийиб юрган Зокир амаки чимидиққа кокилини олдириб, салла үраб кирганини үз күзим билан күрган әдім. Бу ҳол Суғуд қишлоғида яшаганлар жуда қадимий урф-одаттарға содиқ булып қолғанлардыңдалолат беради.

Бобом Тошработча қишлоғига келиб, Мангит ойим деб аталмиш, яққазан-тұл, аммо үзига түқ аёлга қарағалы ерларда деңқончилик қылған ва унинг қизи Нозик ойимга үйланиб, шу ерда муқым яшаганлар. Оилада, ҳикоя қилишларига күра, бобомиз иккінчи үғилларига, яғни бизнинг отамизга шу сабабли Муқым деб ном берган әканлар.

Она тарафдан бувим Мунаввар Сайдұжа қизи (Нурмомо) Зарафшон дарёсінинг нариги қарғофидаги Хұжабұстон қишлоғида тоғыклар оиласыда туғилғандар. Бобом Холмуҳаммад авлод-аждоди Мангит уруғига мансуб үзбеклардан әдилар.

Оиласында икки халқ урф-одатлари құшилиб, оміхта булып кетганди. Ана шу урф-одаттарға күра, турли-тұман ноз-неъматтарға тұла, атрофида оиласыннан барча аязлары үтирадиган катта дастанхон, шунингдек, Янги йил — Наврұз арафасыда тошиб, қопқогидан ҳам ошиб қайнаган қозон келгуси мұл-құлчилик, фаровонлик тимсоли, баҳтли ҳаёт андозаси — мисоли әди.

Эсімда бор: бошқа масаллиқтар құшмасдан фақат жүгорининг үзиданғина гүжа пиширилаёттан әди. Дастанхон бошида Нурмомомиз ҳар сафаргидек ҳикоя қиласы әдилар:

— "Күча-күчгүнча, күчани ичгүнча". Бу гапни әшитғанмисизлар, чироқларим. Бундан бошқачароги ҳам бор:

Қоғоздан қылсанг күйлак,  
Киярсан то бичгунча.  
Күчадан қылсанг хұрап\*,  
Тұярсан то ичгунча.

Бу ҳазиломуз құшиқни бувим үзлари тұқиган бұлсалар ажаб әмас.

Күкат ейиш даврига сумалак сайли уланиб кетарди. Эх, әсдан чиқмайди сира үша баҳтиёр, бегубор онлар, үша ёруғ, құвноқ замонлар!

Хөвли үртасида чарсиллаб, аланталанып, гулхан ёнади. Қошига үсма қүйіб, ясанған-тусаңған қызылар ва ~~ок~~ бұз яктак кийган яланғтүш йигитлар гулхан атрофида ҳалқа шаклида давра қуриб үйнашади, лапар айтишади:

**Йигитлар** — Қызылар зулфи камалак,  
Белларидан жамалак.  
Күриб күзинг қамашар—  
Фарыштами ё малак.

**Қизлар** — Фалакдан түшгән малак,  
Биз билан тутиш билак!  
Пиширайлық сумалак,  
Дилимизда минг тилак.

**Бирға** — Учиб келади лайлак,  
Күчиб келади лайлак.  
Әріптими ерда ях,  
Тугаптими яхмалак...

**Қизлар** — Аргимчогу, аргимчоқ,  
Тортыб келдим әвурчоқ.  
Наврұз куни мәхмөн күп,  
Нон ёпайлық қирқ үчоқ.

**Йигитлар** — Аргимчогу, аргимчоқ,  
Қызларимиз күзмұнчоқ.  
Олов бұлиб ёнишур,  
Хаддинг сиғса, олиб бөк!

**Қизлар** — Аргимчогу аргимчоқ,  
Аргимчогим ўйинчоқ.  
Аргимчоқни тебратмас,  
Йигитлар әлқөв, чарчоқ...

\* Хұрап — овқат

**Бирга** — Аргимчогу, аргимчоқ,  
Халқа узылса чатоқ.  
Сафимиз бузилмасин,  
Күлингни бергил, ўртоқ!

Бир зум тұхтаб, нафас ростлаб, янги лапар бошлардилар:

**Қизлар** — Ҳайнчак, ҳо, ҳайнчак,  
Ҳайнчагим тұрт бурчак.  
Хузур-жаловат экан,  
Үнда тебраниб, учмак.

**Йигитлар** — Ҳайнчак ҳо ҳайнчак,  
Ҳайнчакда келинчак.  
Еш боладай үйнаса,  
Кулиб узилар ичак.

**Қизлар** — Ҳайнчак ҳо ҳайнчак,  
Телба бұлмагин бунча  
Бошим гир-гир айланур,  
Очишмаган мен гунча.

**Йигитлар** — Ҳайнчак ҳо ҳайнчак,  
Тезроқ очилсин гунча.  
Асло сұлишни билмай,  
Турсин дүнә турғунча.

**Бирга** — Учаверсин ҳайнчак,  
Күчаверсин ҳайнчак.  
Ҳайнчакда учолмай  
Қолган бұлур күйинчак...

Биз, үғил болалар эса даладан үтін йиғиб келиб ёки кунда-түнка ёриб сумалак пиширилаётган қозон тағига, каттакон үчоққа үтін қалаймиз. Олов үчиб қолмасин, сумалак тезроқ пишсін, деймиз.

Онам қишлоғимизнинг эң мөхір пазандаларидан әдилар. Сумалак пишириш учун ҳатто бошқа хонадонларга ҳам таклиф қилишарди.

Бу ерда яна шуни таъкидламоқ керакки, сумалак пиширадиган аёл пазандагина бұлиб қолмай, қадим урф-одатларни, құшиқ ва лапарларни яхши билған, ҳар томонлама ҳалол, құли ва дили пок бұлмоғи керак. Құтлуғ ош құтлуғ киши құлида пишмоғи лозим.

Фақат ошпазгина эмас, балки унга ёрдам берувчилар ҳам покиза бұлмоғлари даркор.

Қишлоғимизда үзини покиза тутмайдиган, чиркин кийиниб юрадиган, бунинг устига хулқ-ахлоқи ҳам құсурли бир тул хотин бұлур эди.

Эсимда: Үша аёл сумалак пишаёттанды қозон сари яқинлашиб келаёттанды онам у кишини тұхтаттады әдилар, үчоқ бошига үйлатмасликни буюрган әдилар.

Шундай пайтлар ҳам бұлардикі, ұшандай номақбул одам ошпазнинг буйруғига қулоқ солмаса, қозон бошига итоатсиз бостириб келаверса, онам үша кишига қараб құлларидаги узун косов ила үқталардилар. Үйлаб қаранг-а! Сумалак шу қадар бегубор ва нозик, құтлуғ таом эканки, у пишаёттанды қозонга нопок юзлар ва күзларнинг назари тушмаслиги жоиз...

Қайси қовлида сумалак пишса, кечқурунлари үша ерда үйин-томоша авжига чиқарди. Сумалакни дам-бадам құзғаб туриб, онам құшиқ айттардилар:

Сумалак бо\* пишади,  
Қозоуларга ёпишади.  
Сумалак ей деганлар  
Құмұрсқадай чопишади.

Уй әгаси ухлаб қолур,  
Қозон қайнаб то пишади,  
Иди наураз құтлуғ айем,  
Уришганлар топишади.

Ёқинг, гулхан әвжга минсин,  
Жин-ажина қочишиади.  
Одам Ато, Момо Ҳаво,  
Күт-барака сочишиади.

Бир зумгина тұхтагач, құшиқ бошқача оқанғда давом этади:

Узок осмону фалак,  
Қаерда үттүз малак?  
Солмасанғ тез тұз-намак,  
Қаңон нишур сумалак?  
Чақмоқ чақур камалак,  
Қозон тұла сумалак.  
Сайылдан олиб дарак,  
Күкден туши минг малак.

Құзғасам тош чагирлар,  
Құниар дилу багирлар.  
Есии түйіб ва түйіб,  
Етим-есир, сағирлар...  
Ош таги чақур-чуқур,  
Тошу капкир урушур.  
Олов ёқ гулдур-гулдур,  
Айниди ҳаво ұлгур...

— Бидасизларми, "Сумалак" не деган сүз? — деб сұраудилар

Боз — яна тожикча оддий халқ тилида бу сүз "боз" деб эмас, "бо" шаклида ишлатилади.

Нурмомо ҳамма сумалак пишириш ташвиши ила банд бўлиб юрганда болаларни ёнларига чақириб,— "Сумалак" аслида "Си малак" — ўттиз пари, ўттиз фаришта, дегани\*. Сумалак пишаётганда, қозон бошида ўттиз малак ўтиради. Ошпаз эмас, ўшалар, парию фаришталар пиширади сумалакни. Тонг маҳали, ҳамма чарчаб-чарчаб, ухлаб қолғанда, фаришталар сумалакка туз соладилар. Фаришталар қўлидан туз еган сумалак ширин бўлади. Ҳа, чироқларим, сумалак Қутлуғ ош. Уни еганлар савоб топади.

Сунгра, Нурмомо ўз ҳикоялари охирига қўшиқ тўқиб, қўшиб қуярдилар:

Лола гул алвон-алвон,  
Сумалак берар дармон.  
Сумалак етмай қолган,  
Бир умр қиласар армон...

Аёллар сомсаю сумалак пишириш билан овора бўлсалар, эркаклар кетмону ўроқ чархлаб, омочу бўйинтуруқ, қўш қўшиш учун зарур асбоб-ускуналарни ҳозирлар эдилар. Худди ана шу кезларда моллар, қўй-эчкилар оғилхоналардан офтобору айвонларга, қуёш нури тушиб турадиган бошқа очиқ майдонларга олиб чиқазиларди. Уларнинг қиш бўйи кирланиб, ифлосланган жунлари қошовланиб, юваб-тараларди. Айниқса, ҳукизларга алоҳида дикқат-эътибор бериларди. Яхшигина боқилиб, шохлари сомса, бўғирсоқ ва нон қовурилган ёғ билан мойланарди. Ҳали-ҳали эсимда, қозон бошида туриб қовурилган нон парчаларини қисирлатиб ер эдик. Нурмомо беҳад қувониб, бот-бот қўшиқ тўқириб эдилар:

Эриб ерда қор ва муз,  
Келар оламга наврӯз,  
Ярақлар офтоб, юлдуз,  
Энди оғенинг тинмас.  
Қўлинг қўлинита тегмас,  
Югуршиб кечакундуз.  
Тайёрмикан қўш-ҳўқиз,  
Қилай ҳаммага қўз-қўз.  
Қани даврага чиқсан,  
Оқин борми, чечан сўз.  
Ўлан, қўшиқ айтишсан,  
Чалиб дўмбира, қубуз...  
Шамол ҳур-ҳур эссино,

— Афсона шундай талқин қиласиди. Тарихиниғ гувоҳ беришича эса, "Сумалак" форсча "Самони"— бугдой майсаси сўзидан келиб чиқкан, деб фараз қилинади.

Боглар аро кезсин-о,  
Далаларда елсин-о,  
Баҳор фасли келсин-о,  
Наврӯз сайли келсин-о!

Ҳамал—дар амал, дерлар,  
Тенги йўқ маҳал дерлар,  
Ҳаммаёқ зарҳал, дерлар,  
Яйлову пайқал, дерлар.  
Оқинга ғазал, дерлар.  
Бахшига масал, дерлар,  
Тилингта асал, дерлар.  
Азалдан-азал, дерлар,  
Ҳамалой гўзал, дерлар... ✓

Ҳуқизлар қозон тўлди куни кўчага олиб чиқиларди. Қишлоқдан унча узоқ бўлмаган далада барча ҳовлилардан чиқсан ҳўқизлар тўпланарди, кўз-кўз қилинарди. Катта-катта қозонларда шўрва, ҳалим-ҳалиса қайнар, бошқа хилма-хил овқатлар пишириларди.

Бир неча қария бошчилигига биз, болалар, ҳаворангидаги эски-туски кийим-кечак ва латта-лутта йигиб, Бободеҳқон ясардик. Уни сайил ўтадиган майдонга қўярдик. Бошидаги салласи ва соқоли оппоқ пахтадан қилинарди. Арпа ва буғдой поялари ва бошоқларидан мўйлов ёпиштирадик.

Бободеҳқон турган майдонда гулхан ёқилиб, унинг атрофида турли-туман ўйин-томошалар бўларди. Юзига ниқоб кийиб олган кишилар гулхан устидан у ёқдан бу ёққа сакраб, ўз эпчилликларини намойиш қилишарди. Уларни "кўзбоғчи" деб аташарди. Болалар хўроз, катталар эса қучқор уриштирадилар.

### ИДИ НАВРЎЗ — ОЛАМГА КЎЗ-КЎЗ...

Қишлоғимизда Султонбобо деган шоиртабиат, асқиябоз одам бўларди. Теварак-атрофдагилар у кишини Султонбахши дердилар. Қувноқ ва ҳазилкаш эди. Шул боисдан бўлса керак, "Султон шўтқари" деган лақаби ҳам бўлгучи эди. Ўзи қўшиқ тўқиб, даврага чиқиб, тўйганича ўйнар, дўумбира чертиб, турли-туман қўшиқлар айтарди.

Ўшалардан баъзилари айнан бўлмаса ҳам тахминан эсимда қолган:

Султонбобо гулхандан гир айланиб, ўйнаб-ўйнаб, яна изига қайтгандан сўнг, Бободеҳқон ёнида тўхтар, унга эгилиб туриб салом берар ва мурожаат қиласарди:

...Ҳикматларга тимсол бўлган бошинг бор,  
Қирқ златга шоҳ бўлгудай ёшинг бор.  
Арпа, буғдой бошогидан қошинг бор.  
Кучга тўлиқ, минг-минглаб йўлдошинг бор.

...Оёқ бердим узоқларга етгин деб,  
Қўл ясадим мақсадинга етгин, деб.  
Соқол қўйдим ҳар бир туки сеҳгар,  
Бармоқларинг беш барака, экар зар.  
Тишларинг қараб турсам, тилладан,  
Юз ва кўзинг аrimасин жилодан!..

Султонбобонинг ўзи ҳам худди Бободеҳқонга ўхшаб кетарди:  
қошлари ўскин, бароқ-бароқ, соқол-мўйлови оппоқ, кўкрагига  
кўркамлик, ўзига салобат, юзига ҳаловат бағишилаб турарди.  
Султонбобо Бободеҳқонга аталган қўшигини тутатиб, яна беда-  
надек чаққон йўргалаб гулхан сари кетарди. Унинг икки томонида  
тўпланган одамларга салом бериб, қушдек қанот кериб, қошла-  
рини сеҳрли қоқиб, одамлар дилини ёқиб, қўлидаги қайроқларни  
чақмоқдай чақиб, ўйинчилар даврасига қўшиларди. Уларга жўр  
бўлиб, дам бир оёқлаб, дам икки оёқлаб, тагин ўйинга тушар  
ва қандайдир тасвир қилиб бўлмас ҳузур ила кўзларини юмиб,  
бошини чайқаб, лапар айтарди:

...Баҳор денгиз, куз қиргоқ,  
Қор ёғмаса, ёз қургоқ.  
Оқмай қолади булоқ,  
Дарё боши кўп узоқ.  
Тезроқ эри қорли тօғ,  
Азим дарё бўлиб оқ!  
Сувингта ҳамма муштоқ,  
Гулласин боги-чорвоқ.  
Ўйна қўлимда қайроқ!  
Сайра қўлимда қайроқ!  
Яккалакка ўйнасамми,  
Яккалакка ўйнасамми?  
Отам рози бўлсалар  
Дуккалакка ўйнасамман.

Ариқ суви лойлансин,  
Оқиб кетмай, бойлансин,  
Далалардан айлансин.  
Ҳансираиди ер чанқоқ.  
Ўйна қўлимда қайроқ,  
Сайра қўлимда қайроқ!

Яккалакка ўйнасамми,  
Яккалакка ўйнасамми?  
Онам рози бўлсалар  
Дуккалакка ўйнасамман.

Сувга кетувди мироб,  
Юрагим бўлди хуноб.  
Уруғ унаркан қандоқ  
Гармоб ичмай, емай тоб.  
Ўйна қўлимда қайроқ  
Сайра қўлимда қайроқ!  
Яккалакка ўйнасамми,  
Яккалакка ўйнасамми?  
Акам рози бўлсалар  
Дуккалакка ўйнасамман.

Ўлдурса, ёр, ўлдурса,  
Куйдирса, ёр қуйдирса,  
Кел, олайин, бир бўса...

Султонбобо ўйнаёттган "қиз"лардан бирини юзини очарди,  
бироқ рұмол тағида әркак кишини күриб, уни жеркиб қочарди:

Юзинг қурсин, кет күса...  
Яқкалакка ўйнасамми,  
Яқкалакка ўйнасамми,  
"Ёрим" рози бұлсалар,  
Дүккалакка ўйнасамман...

Сұнгра, майдоннинг бир ёғидан йигитлар, иккінчи ёғидан қызылар чиқиб тизилдилар. Йигитлар сафига құй терисидан тикилған қора қалпоқ кийған оқсоқол чол, қызылар сафига оқ чорси рұмол ұраган, худди шундай оппоқ лачак таққан кайвони-кампир бошчылық қиласынан. (Аслида эса булар аәл кийимидағи әркаклар.)

Йигитлар ва қызылар сафи бир-бирига юзма-юз туриб, айтишувга киришиб кетишарди.

— Е оқ терак, ё күк терак,  
Биздан сизге кимлар керак.  
Бұлса агар бирор керак,  
Бора қолсин, очинг йұлак!

Йигитлар олдинга ўқталиб, яланғ түшларига — очиқ күккәрларига мушт уриб, сұнгра бир-бирларини бармоқ ила күрсатиб, ташналик билан, орзиқиб сұрадилар.

Бугинани-я, шугинани-я,  
Үгинани-я, биргинани-я?

Қызылар күзларини сузив, қошларини учирив, кимгадир сеҳрли боқиб, имо-ишора қилишар, гүё кимнидир сұрашаёттандай бұлардилар. Йигитлар эса бир-бирларидан қызыларни қызығонишиб, юрак-қалблари тутоказишиб, илинж-умид билан яна илтижо қила боштардилар.

Бугинани-я, шугинани-я,  
Үгинаны-я, биргинани-я?

Қызылар жавоб қайтариш үрнігінде йигитларға мурожаат қилишарди:

Олга чиқинг, бұлса юрак,  
Қалтираманг, тутыб безгак!  
Қолғанмисиз ё етимтак,  
Бұлғанмисиз ё югурдақ?  
Е оқ терак, ё күк терак,  
Биздан сизге кимлар керак?

Йигитлар сакраб-сакраб, бир-бирларидан үзишга ҳаракат қалиб, олдинга отилишарди. Қызлар құсни-латофатидан күzlари қамашып, қайсисини сұрашни билмай, маst-аласт ҳолда фақат ноаниқ имо-ишора қилишарди. Үз сафларидан ким кераклигини қызлар билолмай бир-бирларини күрсатишарди:

Бугинани-я, шугинани-я,  
Ёки анави қызғинани-я?  
Ёнар қозлари қирмизғинани-я?  
Ширин-шакар сұзғынани-я?

Йигитлар — Йигит-қызлар бұлиб бирдак,

Гул терайлик, этак-этак.  
Күшик айттың әки әртак,  
Пиширайлик ош, сумалак.

Ё оқ терак, ё күк терак,  
Биздан сизге кимлар керак?  
Бугинани-я, шугинани-я,  
Угинани-я, бугинани-я?  
Ёки талтайған семизғинани-я?  
Увол қылманғыз эсизғинани-я!

Қизлар

— Тизилипти күп тирмизак,  
Баринг гұдак, бәэмизак,  
Айтинг борми сизде тиляк?  
Ё оқ терак, ё күк терак,  
Биздан сизге кимлар керак?

Йигитлар яна ялинниб-ёлвориб сұрашади:

Бугинани-я, шугинани-я,  
Угинани-я, бирғинани-я.  
Қылманғыз қызлар күп гинани-я,  
Құлизга қүйіб, хүп хинани-я?

Йигит-қызлар сафи бир-бирига яқинлашади, сүнгра құлни-құлға бериб, бирғалиқда күйлашади:

Эй, ёронлар бүлинг рұбарый,  
Кутар бизни элда катта түй.  
Юз ұқызыча, мінглаб-минглаб қүй,  
Семизини қүй, оригини сүй!

Шоштган қызлар эрга ёлчимас,  
Йигит шошса қарчыгай эмас.  
Чанг-тупроқдан тилло-ганж бўлмас,  
Номард элга ўен таянч бўлмас.  
Бугинани-я, шугинани-я,  
Кучиб олайлик, эл, дунёни-я.  
Илдизин қирқиб, шумриёни-я,  
Нурга пуркайлик зимиёни-я.  
Бугинани-я<sup>9</sup> шугинани-я,  
Угинани-я, бугинани-я?

Йигит ва қызлар майдонни тарк қилганларидан сунгра яна томошибинлар орасидан Султонбобо отилиб чиқарди. У давра уртасида секин-аста айланиб юрар экан, гоҳо тўхтаб-тўхтаб, элу юртга эзгу ниятлар тиласади. Ҳар бир тўртликни қироат ила айтиб бўлгач, майдон атрофида тўпланган одамлар юз ва кўзларига қўлларини тортиб, оҳангдор чўзиб, "Омин" дея нидо соладилар:

**Султонбобо:**

Ёмон юрмасин,  
Тузон турмасин!  
Гуллар сўлмасин,  
Инсон ўлмасин!

**Халойик:**

Омин!

**Султонбобо:**

Ер ёрилмасин,  
Қон қорилмасин!  
Эр йиқилмасин,  
Қиз қирилмасин!

**Халойик:**

Омин!

**Султонбобо:**

Зот йўқолмасин,  
Фарёд қолмасин!  
От қоқилмасин,  
Ёд ёқилмасин!

**Халойик:**

Омин!

**Султонбобо:**

Ҳаммасин, ҳаммасин,  
Осмон арасасин!  
Душман ҳамласин,  
Балолар сасин,  
Совуқ нафасин,  
Олов ямласин!

**Халойик:**

Омин!

Үша он Султонбобо майдон ўртасида ёниб турган гулханга  
үтиң қалай бошларди.

Шунда қишлоқнинг бошқа мұльтабар кишилари ҳам бирин-  
кетин ўтга үтиң ташлаб, майдоннинг иккинчи томонига ўта  
бошлардилар. Гулхан ловуллаб, авж олиб, құкка ўрларди.  
Султонбобо яна құшиқ түқиб, тиляклар билдира, қолғанлар  
олдингидек фотиҳа үқиша давом этишарди:

**Султонбобо:**

Эл ўтказар маърака,  
Тангри берсин барака!  
Хеч ким қолмасин якка,  
Хамма етсин тилякка!

**Халойик:**

Омин!

**Султонбобо:**

Эл ўтказур маърака,  
Тиляб бахту-барака.  
Тикилмагин фалакка,  
Қувват йигитин билакка!

**Халойик:**

Омин!

**Султонбобо:**

Эл ўтказур маърака,  
Ёғилаверсин барака!  
Қут бер бешик-йұргакка,  
Мадад бергіл юракка!

**Халойик:**

Омин!

Шундан сүнг ҳамма түпланғанлар үйин-томошани тұхтатиб,  
дала томон йул олишарди. Ҳайдалмай қолған ерларға үша шохи  
мойланған ұқызлар құшга құшиб киритиларди. Қишлоқнинг энг  
кекса, энг мұльтабар кишиси Бободеңқон сиймосида говрон ва  
омоч тутқичини құлға олиб, биринчи бұлиб ер ҳайдашга тушарди.  
Деңқон бобо құлидан омоч билан говронни навбатма-навбат  
бошқалар олишарди. Кейин гал ёш йигитларға келарди. Ҳатто  
мұйлаби әндигина сабз қилаётган ўспириңлар құлиға ҳам илк  
бор говрон бериларди, улар құш құшишга ўргатиларди.

Эсимдан ҳеч чиқмайды: Наврұз сайли куни, тонг гира-ши-  
расида отам мени далага олиб чиқиб, биринчи марта құш  
құшдырган эдилар. Бүйі-бастым омоч тутқасидан ҳам пас эди  
үшанды. Тұртнеб-туртнеб, титраб-титраб, қалтираб-довдираб  
қадам босған эдим омоч кетидан. Отам ёнимда құз-қулоқ бұлиб  
бирға одимлаб борардилар. "Омочни құлидан чиқарыб юбормасин!"  
деб құрқардилар шекилли.

Иккаламиз ҳам оёқяланг эдик. Тупроқ қатламлари парчала-ниб, оёқларимиз остига түшалар, билинар-билинмас буғ күтарилиб, ундан қандайдир бир ёқимли хушбүй ҳидлар тара-ларди.

Мени мафтун қылган үша хушбүй тупроқ ҳиди ҳамон димогимга уфуриб ургандай туюлади.

Қандай ажойиб, қутлуқ удумлар бор эди ота-боболаримизда. Бундай удум, урф-одат, бундай муборак маросим тагида чуқур маңыно-мазмун ётарди, албатта. Улуг ёшли деңқонлар үз инсоний бурчларини үтаб, касб-корларини бұлажак бүгинга ўргатардилар, яна тұғрироғи ҳаётни давом эттиришни янги авлод құлига топширап әдилар...

### ЯЛЛИ МОМО, ЯЛЛИЕ...

Кейинчалик билиб, тушуниб олдим. Қишиң үтиб, күклам кира бошлагач, ариқларга гармоб-иссиқ сув келар экан. Келавермаса, мираблар қор әриёттани ёки әримаёттанини билиб келиш учун тоғларга, дарё бошига борар эканлар. Хушхабар келтирғанларга сарпо берилар экан. Баъзи мираблар эса дом-дараксиз бўлиб кетар эканлар.

Яна бир нарсаны улғайгач тушундим: Наврӯз шунчалик бир намойиш, сайил — байрамгина эмас, хонадонларнинг ва улар қўлидаги иш ҳайвонлари ва асбоб-ускуналарнинг баҳорги ишларга тайёрлиги ёки яроқли, яроқсизлигини текшириш, қурикдан утказиш ҳам экан.

Хотиримда: шундай сайлу байрам кунларидан бирида қаттиқ түполон турди, телба шамол даражатларни бир-бирига урди, қўзлар қум ила түлди.

— Айём кампир келди,— дедилар кўнгиллари ғашланиб Нур-момо,— молларни тезда оғилхонага, ҳовлида очик-сочиқ ётган нарсаларни уйга киритинглар!

Аямажуз ҳамиша аксига, тескарисига юради, күкламга совуқ нафас уради, даражатлар мүжга отар, барг ёяр пайтини пойлайди. Фор ичидаги уйидан чиқиб, одамларга ҳамла қиласди. Қаерга урар экан Аямажуз бу гал ўзини? Тандиргами ёки сувгами? Тандирга урса, тус-түполон қилиб, тезда үтиб кетади-я. Ишқилиб, дарёга урмасин-да ўзини! Унда елдиrim елар, изғирин изғир, бурону тұфон құзғолур...

Билиб қўйинглар, чироғларим! Аямажуз құзғолиб қолгудай булса, эл аро бир ҳафта мобайнида атрофда кезиб юради. Ҳұрмуз куни құзғолиб, Хурдод куни тинади. Шул сабаб "Айём ожиз — кампир кунлари" деб атайдилар үша хатарли қафгани.

Нурмомо буларни айттар эканлар, юрак-багирлари қайнааб, түлкінланиб, борган сайин авжга миниб, құшиқ түқирдилар, сұзлар күзмунчоқ сингари маржон-маржон бўлиб, тизилиб боради:

Айём ожиз олти кун,  
Қаҳри келса қаттиқ кун.  
Тандирга урса ўзин,  
Ёнмас мисли ҳўл ўтун,  
Бурқсар ё ўт, ё тутун.  
Дарёга тикса кўзин,  
Аёз изгир туну-кун,  
Ер-сув музлар бус-бутун.

Айём ожиз олти кун,  
Яхши келса, йил тўкун.  
Ёмон келса, эл юпун  
"Мен йиглайнин, сен ўкун!"

Нафасларини бирпас ростлаб олгач, Нурмомо Ҳурмуз ва Хурдод ҳақида тўқиган қўшиқларини куйлардилар:

...Баҳор қизи Ҳурмузой,  
Лаби қизил қирмизой.  
Тенгдур кечча-кундуз-ой,  
Тезроқ жамол кўргуз-ой!

Ҳамал қизи Ҳурмузой  
Қоши қаро қундуз-ой  
Қароқлари юдзуз-ой,  
Келтил, кўрсаттил чирой!

Хут ўғлони Хурдод, эй,  
Аёзингдан минг дод, эй.  
Бунча бўлма шаддод, эй,  
Дилни қилма барбод, эй!

Хут-ют ўғли Хурдод, эй,  
Эзгуликни қил ёд, эй!  
Ёмғир бўлиб, қил шод, эй,  
Эл-юрт бўлсин обод, эй!..

Бу гал Аямажуз ўзини сувга урди. Момогулдурак гулдираб, қаттиқ шамол турди. Сел қўйди. Бир кун қўйди, икки кун қўйди, дўлга айланди. Тухумдай-тухумдай муз тошлар том ўди. Бир оз тўхтагандай бўлгач, кетидан тили қиличдай кескир, оромбузару дилгир, нафаси муз, нияти ёвуз аёз бошланди.

Аёз бурун-қулоғингни, юзу-ёноғингни тилиб, ачитар, қутурғон итдай тирног ураг, тирнарди. Тупурсанг тилинг узра туғигинг, қимирилаб, гапириб турган лабинг, уҳ урсанг, нафас олсанг томоғинг-у танглайинг, шамолга қарши юрсанг пешона-ю манглайинг тўнғиб қоларди, яхларди. Оёқда турсанг ҳам, йўлда юрсанг ҳам шамдек қотардинг, тандаги ҳароратингни йўқотардинг.

Тарнову наволардан нағмаю наво ила ўйноқлаб оққан ёмғир суви ўймоқ-ўймоқ, қуймоқ-қуймоқ бўлиб, турган жойида қуолиб-қотиб, яхчага айланар, қўнғироқ-қўнғироқ бўлиб, занжирсимон тизилиб, осилиб қоларди.

Аямажуз эндигина амалга ўтган ўрик ва шафтоли, бодом ва гилос навдаларига муз нафаси урди. Гул ва муғжаларни пүфлаб учирди, чангаль солиб, баргларини юлди, улар қоп-қорайиб түкилди, сұлди. Гулу муғжа ва ям-яшил барглар ўрнига қирриқ қиоров ила совуқ муз құнди. Яйловларда яшнаган майса, дириллаб турған, дуркун-дуркун бүгдой ва арпа қалин муз тагида қолди, поймол бұлди, топталди.

"Бундай қаҳрли аёзни, телба шамолу бүронни, тұс-тұполонни тұхтатмоқ учун қадимгилар одатига күра, Айём ожузни ушлаб, банди қылмоқ ва тобутта солиб, очиқ гүрга күммоқ керак,— дедилар Нурмомо,— үшанда у тинади. Қаҳратон аёз, телба шамол шашти синиб, тинчийди, бүрон, тұс-тұполон тұхтайди. Минг-минг йиллар ўтиб борурки, одамлар бу касофат-у фалокатдан шу зайл құтулурлар..."

Нурмомо бизга эски-туски кийим-кечак топиб келишни бүрдилар.

Кейин онамиз ёрдамида латта-лутталардан "құғирчоқ кампир" ясадилар. Сұнгра, эски оқ матодан тобут тайёрладилар. Шу орада биз болалар уйма-уй юриб, қора ош учун масаллиғ йиғдик. Ҳар ким баҳоли қудрат бирор бир нарса — кулча-нон, зогора, тухум, ё парча гүшт, ёғ, майиз ва ўрик улашди.

Йиғилган бу масаллигларни Нурмомо маслағатига күра Айёми ожуз тобути чиқадиган уй әгасига, қишлоқ чеккасида яшайдиган, "яқказан" деб аталувчи, әлғиз ўзи яшовчи тул кампирга элтиб бердик. Айём кампир тобутини ҳам ўша ерга олиб бордик. Мотам маросими ўша қовлида ўтди. Чопон ва дұппи кийиб, белимизга белбоғ боғлаб, құлимизга асо олдик. Чинакамига йиғлаб, мотам тутдик.

Фотиҳа үқилиб, ҳамма расм-русумот бажо келтирилгач, Айём ожуз "жасади" солинган тобутни күтариб, қишлоқдан чиқиб кетдик.

Қишлоғимиздаги чоллардан бири Аямажузни дағы құлувчилар сафининг энг охирида кетаётган боланинг белига арқон-ип боғлаб құйди. Арқон-ипнинг учида каттакон жүроб (супурғи) осилиб турар, у бутун йұл бүйлаб, тупроқ чангитиб борарди. Аямажузнинг ҳеч қаерда шум изи қолмасин, деб шундай ирим қилинар экан...

Аямажузни узоққа, мозорга олиб бормадик, қадимийлар одатига күра, қишлоқ яқинидаги бузилган, эски молхонанинг бир охурига "күміб" қайтдик. "Шумларнинг шуми, ашаддийларнинг ашаддийиси, бузғунчиларнинг бузғунчиси Құтлуқтар ва Азаптар ёнида ётмаслығи керак, ҳаром хок покиаз хок илә араласта ғуноқ бұлади", деб тушунтирган әдилар үшанда Нурмомо.

Қора ош пишаётган ҳовлида йигілиб, мотам маросими ўтказдик. Нурмомо марсия ўқишига киришдилар, у кишига уй эгаси — бояги бева хотин ва бошқа бир қанча кампирлар жүр бўлишиди:

...Ялли момо, яллиё,  
Айём ожуз ўлдиё.  
Булоқ суви тополмай,  
Сирка билан юидиго.  
Сўз хотуну, дуз<sup>8</sup> хотун,  
Кафани оқ бўз хотун.  
Аста-аста юринглар,  
Тобути кўз-кўз хотун.  
Ялли момо, яллиё,  
Айём ожуз ўлдиё,  
Пайманаси тўлдиё.

Дўл хотуну, чўнг хотун,  
Пешонаси дўнг хотун.  
Олдин тобутга солиб,  
Кўмиб келай сўнг, хотун.  
Ялли момо, яллиё,  
Айём ожуз ўлдиё  
Хазон бўлди, сўлдиё...  
Бўздан кафан тополмай,  
Бўйро билан кўмдиго,  
Ялли момо, яллиё.

Шаштиңг синсин, яллиё,  
Шамол тинсин, яллиё!  
Ялли момо, яллиё,  
Айём ожуз ўлдиё.  
Кетмон, курак тополмай,  
Теша билан кўмдиго.  
Гўру қабр тополмай,  
Охурчага қўидиго.  
Ялли момо, яллиё,  
Кўмганларга баллиё.  
Тинчиб қолурми дунё?

Қайтиб чиқармikan ё?  
Шумнинг изи синсин, деб,  
Жўроб билан супурдик.  
Издан гуллар унсин, деб  
Гармоб билан сув қўйдик.  
Ялли момо, яллиё,  
Кўмганларга баллиё,  
Тинчиб қолурми дунё,  
Мангудорлаб, нур-зиё.

Ҳар йили ана шу кезларда, қиши охирлаб, баҳор кириб келган маҳалда, наврӯз сайли бошлангандаги Нурмомо бизга Айём ожуз ривоятини такрор-такрор айтардилар.

## БАШАР ДАРАХТИ

"Ернинг ёши нечада, биласизларми, чироқларим? Одам ва ҳайвонлар, ўсимлик ва гуллар, қўйинг-чи, барча жонзотлар қачон пайдо бўлган?

Олдинги, аждодлардан, қадимги Суғдий ва туркий қавмлардан шундай бир нақл қолган: Тантри таоло Ерни яратганида у ҳозиргидек бўлмаган. Ер туғилгану, яхлаб қолган. Теп-текис бўлиб, метиндек қотиб қолган. Тоғлар қаёқда, боғлар қаёқда у вактда. Ернинг бу четидан у четига тухум қўйиб қарасангиз, ҳар икки тарафдан кўриниб турган".

Дуз хотун — ўгри хотин

Нурмомо бир зумгина сўзлашдан тўхтадилар-у, ўзларини койиб кетдилар:

"Ман нималар деб валдираяпман ўзи? Тухум дедимми? Тухум қаёқда у вақтда. Тухум кейин пайдо бўлган. Яккаю-ягона тухум, танҳолардан — Танҳо тухум. Ким туққан у тухумни?

Қуш зоти бўлмаса, бопиқа бирор жонзот бўлмаса?

Ернинг ўзи туққан. Ҳа, Ернинг ўзи. Ернинг усти музлаб ётган бўлсаям, юраги ёниб турари. Билиб қўйинглар буни. Ер ҳозир ҳам шунаقا, оташюрак. Қаърида олов ёнади, ҳамиша олов ловуллаб турари. Кечаю-кундуз ёниқ тандирдай ловуллаб турари. Агар у ловуллаб турмаганида ва иссиқ нафаси бизга етиб келмаганида ҳамма нарса музлаб, сўнгра чил-чил ёрилиб синиб, кунпаякун бўлиб, тилка-пора, йўғу-дарун бўлиб кетарди.

Кунлардан бир кун ана шу олов авжига миниб, Ернинг қаъридан отилиб чиқкан. Ер устида тоғ-тоғ ўюлиб ётган музлар эриб, Баҳри уммон бўлиб оққан. Йиллар, асрлар ўтиб, бора-бора бу олов маъдан учиб, кейин совуб қолган. Кўкка кўтарилган аланглари тоғ, қолган жойлари Ер бўлиб қотган.

Ер чайқалиб, тўлғониб ётган поёни йўқ Баҳри уммон ўртасида от қашқасидай гап. Сув устида писта пўчогидай у ёқдан бу ёққа тебрабаниб турари...

Боя айтганим Танҳо тухум Она Ер бағридаги тоғ устида пайдо бўлган. Қаёғидан пайдо бўлган, қандай қилиб пайдо бўлган? Она бўлмаса, ота бўлмаса, бирор бир нарса, бирор кимса ва ёки бирор-бир жонлиқ тугиладими?

Ер билан Сув бир-бирларини севиб қолиб, бирга бирикканлар, қовушганлар. Ўша Танҳо тухум Ер билан Сув фарзанди. Орадан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соату, тўққиз дақиқа ўтиб, ўша Танҳо тухумдан одам тугилган. Ҳа, чироғларим, ҳамма нарсанинг ўз тухуми — уруғи бор. Одамнинг ҳам уруғи бор. Аввал бошда ушандақа бўлган.

Кўп ўтмай Ер билан Сув яна тухум түғди. Уям яккаю-ягона, танҳолардан-танҳо... Тўнғуч тоғ дейми, Тангри тоғ дейми, Момотоғ, ё Боботоғ дейми, ўша тоғ ёнбағрида бу тухумдан бир жўжа очиб чиқди. Жўжа вояга етиб, қуш бўлди, парвоз қилди. Унинг қанотларида нур ярқираб, теварак-атрофга тарқаларди, сочиларди. Ҳозир ўша қушни қалдирғоч деймиз.

Қадим-қадимда Семурғ деганлар. Семурғ — ўттуз қуш дегани. Нега бундай атаганлар? Сўнгра айтиб берурмен, бошқа мунчоқ терурмен. Ҳозир ул қуш мавҳумдур, балким, йўқдур, марҳумдур. Балким бўлмиш ўттуз қалдирғоч. Қалдирғочга эшик оч! Қуш эмас ул, бизу сизга қариндош...

Яна ривоят қилурларким, ўшал тўнғич тоғ бағрида, булоқ

бошида, күклам чоги, кун исиб, қорлар эрий бошлаган маҳалда икки туп гиёх ўсиб чиқди. Бу булоқни ким "Бош булоқ", ким кейинроқ "Сарчашма" атайдиган булди.

Ана шу сарчашмадан қайнаб чиқаётган тұлқин томчилари яңглиғ мусаффо ва тоза, поку покиза, худди шу томчилар сингари бир-бирига ўшаш эрди ўшал икки туп гиёх, яхшилаб ташласаңг нигоҳ...

Барг ёйдилар улар, бир қулоқ бұлдилар, икки қулоқ бұлдилар, уч қулоқ, тұрт қулоқ бұлдилар. Бироқ ҳамон бир-бирларидан ажралиб турардилар. Дақиқалар кетидан дақиқалар, соатлар кетидан соатлар, кунлар ва тунлар ұтдилар. Гиёхлардан бири куртак отиб, гунчалади, қип-қызил гул бұлиб очилди. Оловдай ловуллаб ёнарди у гул. Қарасанг, күзинг қамашар, қарамасанг, дилинг қайнаб тошарди. Ҳаммаёқ алвон либос кийиб, теварак-атроф равшан бұлиб кетди. Ўшал гулни биз ҳөзир Лола деб атармиз, ҳар баҳорда "Қачон чиқар?" деб күз тутармиз ва кутармиз.

Иккинчи гиёх ҳамон ям-яшил бұлиб ўсади. На мүжжа, на гүнча, на гул күрсатарди. Ҳамон ва ҳамон, яна ва яна зумраддай бағлар ёйиб, бүй چұзарди.

Лекин тез орада Гиёхдан икки тарафға икки навда тарапади, икки тана бұлиб қад күтара бошлади. Бу икки тананинг қиёфаси худди одамзод тархига ўхшарди, юзлари, күзлари, құллари, бармоқлари ажралиб турар эди. Вақти-соати етиб, таналар вояга етиб, гулладилар, гүё құлларини күксиларига құйиб, бир-бирларига таъзим қилдилар. Шу зайлда, әгилган ҳолда бир-бирларига яқынлашиб, бөш құшдилар. Сұнгра ором-үйқуга кеңдилар. Келгуси баҳорда ўша илдиздан қадди расо бұлиб, қад күтәрдилар. Энди уларнинг қоматлари олдингидек әгри-бугри эмасди. Икки томонға тарқалиб кетмасди. Тұппа-тұғри, рүбару туришарди. Бора-бора бу қадди равон новдалар одамсимон қиёфага кирдилар. Бири аёлсімон тус олди, соч чиқарди, барваста бұлди, гардан-бүйни ва бели қирқ кокил ила безанди, пайваста абр-қош, тикандай-тикандау үткір, қатор-қатор мужгон-мижжалар пайдо булди. Чимидиқта кирған келинчак яңглиғ эгилиб, ерга термулиб, күзларини сузиб, латофатини күргизиб турар эрди бу навниҳол, нозик новда.

Иккинчи новда бақувват, яғриндор бұлиб ўсади. Шамол туриб қолса, ундан нозик новданы түсарди. Секин-аста мүйлов сабз қилиб, соқол күрсатарди. Алқисса, бу новда эркак тусига киради.

Осоишта, тинч кунларда икки навниҳол шабадада оқиста силкинишар, бир-бирларига меҳр билан қараашар, тоҳо-тоҳо

бир-бирлари томон этилишар. Таналари тегишар, гүё бир-бирини сочиню кокилини, соқол-мўйловини силаб-сийпалашар, нозик бармоқларини тароқ қилиб, тарашар эрди.

Ез ўтиб, куз келди, тог шабадалари ела бошлиди. Кўк юзи булутлар ила бекилди. Сўнгра бўрон турди. Тўполон кўтариб, ўён-буён, чанг қўзгатиб югурди. Югурди-югурди-ю, газабга миниб, ўкирди. Ўзини қояларга урди. Дам пастга, дам баландга бурди, панада, дарада безовта силкиниб, қимтиниб турган икки нахниҳолни кўрди. Улар сари йўл олиб, ҳўқиз каби бўкирди. Шунда новдалар бир-бирларига ёвуклашилар, қучоқлашиб қовушдилар...

Шу зайл ногоҳоний оғатдан, хавфу хатардан омон қолмоқ бирликда, жипсликда эканлигини билдилар, ором олиб, қиши келгач, тинч ва ширин уйқу қўйнига чўмдилар.

Келгуси кўкламда, ҳамал кирганда, улар тагин амал қилдилар, жонланиб уйқудан уйғондилар, яна ям-яшил либосга ўрандилар.

Аёлсимон танадан бир нозиккина новда ўсиб чиқдиким, бул одамзоднинг тўнгич аждоди эрди. Ҳа, чироқларим ўшанда мұъжиза рўй берди. Мен ўзимдан тўқимасмен, ёлғон китобларни ўқимасмен, эшитганим сўйлармен, сўйлаб-сўйлаб, қайта-қайта ўйлармен: Тўнгич тогда илк униб чиққан ўшал гиёҳни, балки ундан инсон зоти тўрагани ва тарақкий топгани бонс, ҳозир ривож ёким ревож\* дермиз. Ҳар йил кўклам фасли қутлуғ сийнасидан шарбат-сутин сўриб ичурмиз, ермиз. Заифларга қувват берур, дардимизга дармон бўлур, мўътабар модаримиз ва падари бузрукворимиз.

Қутлуғ гиёҳ ривожнинг тўнгуч фарзанди бўлмиш яшил ва яхлит Башар дарахтини Шамшод-Қўёшдан севинчи, деб атабдурлар. Билагонлар, донишмандлар, фикру зикр қилиб, одамзоднинг илк уругини унинг муқадас ва ўлмас, чиримас ва қуrimas мангубузрукворимиз.

Шу боиски, то ҳозирга қадар одамлар Шамшод новдасидан шона — тароқ ясаб, соч тараплар, гүё ўшал Она, ўшал Модар қўли бирла ўз бошларини силаб-сийпарлар, ундан қувват олиб, ёшарарлар...

Ҳа, чироқларим, ҳамма аёллар ҳам, эркаклар ҳам авваллар темир тароқ билан эмас, шамшод тароқ ила сочу соқол тарашар эди. Аёллар белига тушган узун соч, қизлар елкасида тўлғонган қирқ кокил, эркаклар кўкрагига туташган соқол уларга қандоғ ярашарди, қандоғ ярашарди. Улар фаришталарга ўхшардилар...

Тўнгич тогда тўраб, даралар аро ўралиб, кўпайган одамлар

\* Ривоч, ровоч демоқчи (шева)

Йиллар ўтган сайин чүкүларга чиқиб, яқин-йирокларга қараб-дурлар, бу Еру Заминнинг тўрт тарафига жўнабурлар. Сабаб шулки, ўшал мўтабар Модар, ўшал Бузруквор Падар, яшил ва яктан қадди расо Башар дарахт — Шамшод дунёнинг тўрт ёғига тўртта таг-томир-илдиз отмиш, ўз фарзандларин бургут янглиг узоқ-узоқларга учирмиш ва узатмиш...

Нега қулоқларингиз жаранглайди, биласизларми? Ҳозир Сизга ҳикоя қилганим Башар дарахтининг сон-саноқсиз, лак-лак барглари бор. Бу қутлуг дарахт шу қадар улканки, томирлари ер қаърида-ю, тега шохлари осмони фалак тубида. Тангри таолонинг уйи — Арши аълонинг остонасига шундоққина тегиб, силкиниб туради.

Ана ўша Башар дарахтининг ҳар битта барги Ер юзидағи битта одам. Ҳар бир кимсанинг ўз барги бор. Ул барг кўм-кўк бўлиб, зумраддай яйраб-яшнаб туради. Борди-ю, ўшал одам дунёдан ўтса, баргиям сарғайиб, тўкилади. Худди ўша маҳалда, барғ ерга тўкилаётib, пастки шохларда, ён-верисида силкиниб турган бошқа баргларга тегиб ўтади. Агар ўз тенгқурларига, урилиб кетса, унинг қулоғи жаранглайди. Тенгқурлари лак-лак-дур. Бир йилда эмас, бир ойда эмас, бир кундаям эмас, дақиқаларинг дақиқасида дунёга бирга кўз очган тенгқури ҳаётдан кўз юмганида шундог шумхабар етиб келади...

Шундог, бўталоқларим, одамлар илдизи азал-азал чатишган. Эвоҳ, улар нечун бу илдизни сўнгра йўқотишган, бир-бирларидан йироқ-йирокларга қочишиган. Қочиш қайда дейсиз, бир-бирларин қонин тўкиб чопишигану, отишган...

Бироқ ўшал билагонлар, ўшал донолар, зикру фикр қилиб, буни авлодларга васият бўлиб айтиб кетмишларким, шундог бир шум замон келурким, қаттиқ бўронлар, тўфонлар қўзғалар, чақинилар чақнار, момогулдурак гулдуар, инсон хатарли жар ёқасига, ўлим ҳалқумига бориб тақалар, ўшанда Мўтабар Модар бирла Бузруквор Падар каби бир-бирлариға қўл беришмасалар, яктан, яқдил бўлиб қовушмасалар қиёмат-қойим, охир замон келиб етар...

Шундог, бутакўзларим, оламда нимаки бор, қанақа тирик жон бор, бариси Ер билан Сув фарзанди. Инсон ҳам, ҳайвон ҳам, яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам. Ботиллар ҳам, қотиллар ҳам. Бева-бечора гуноҳсизлар ҳам, жаллодлар ва қонхурлар, ювошлар ва йиртқичлар ҳам. Барисин Ер ила Сув түккан. Барисини бошини силайди Еру Сув. Яхши-ёмон демайди. Шул сабабли чучук ёнида аччиқ бор, иссиқ ёнида совуқ бор: Бу Ер юзи бирла Баҳри уммон қаърида кимлар, нималар макон қурмаган...

Бир палакдан неча хил қовун тўрайди, дейди оқиллар. Шу

зайл Ер ва Сув түкән баъзи тухумлар ила уруглардан зиёну заҳмат келтирувчи маҳлуқлар, аждаҳолар, девлар, жин-ажиналар, жами зааркунандалар тўради.

Ўшал Танҳо тухумдан одам туғилган, қалдирғоч жўжаси очиб чиқан ва Лола кўкарған маҳалдаёқ Баҳри уммон қаъридан шовқин-сурон ила бўрон қўзголди. Қоп-қора қуюн булиб, бир бало чиқди. Одам десанг одам эмас, ҳайвон десанг ҳайвон эмас:

Девмудур, ҳўкузмудур,  
Уч кўзму, тўрт кўзмудур.  
Буруни ё белкурак,  
Пишқиргандар — гулдирак.  
Оғзи каттакон тувак,  
Фордай тубсиз кўринур,  
Ухлаб, отганда хуррак.

Итюздур, шалланг қулоқ,  
Каллада сочми қалпоқ?  
Тўрт оёқми, қирқ оёқ?  
Кўллармукин ё таёқ,  
Тирномумукин ё түёқ?  
Юрадур уёқ-буёқ,  
Хўмрайиб, дайди, саёқ.

Ҳар бир урганда нафас,  
Уйлар қулайди қарс-қарс.  
Бу оламу, осмонда,  
Ҳеч ким келмас унга бас.  
Наъраси зўр зиламила,  
Тогу-тошми, силсила  
Нураб кетар, йиқилар,  
Пўписаси ер йиртар.  
Сўйи-фалакни тутар:

"Оламни яраттан мен,  
Куёшни қараттан мен.  
Жумла-жаҳон измимда,  
Кулф-калити ўзимда.

Билсангиз Аҳримонмен,  
Ёки охир замонмен.  
Аҳримани, Аҳримон,  
Кимларгадур мен ёмон.  
Кимки измимга кирмас,  
Қолмас оламда омон.  
Гоҳ тўфонмен, гоҳ бўрон,  
Касбим тўполон, сурон.

Аслида мен Аҳриман,  
Ер юзининг қаҳриман,  
Қанча газанда бўлса,  
Барчасининг заҳриман.  
На имон бор, на инсоф,  
Виждони йўқ даҳрийман.

Гоҳо олам наҳриман,  
Гоҳо уммон—баҳриман.  
Гоҳо дев, ёлмогузман,  
Минг бир ямлар огуzman.  
Гоҳо йиртқич бургутмен,  
Гоҳо қаро булутмен.  
Олов пуркар аждаҳо,  
Ловуллаб турган ўтмен.

Аямажуз қизимдур,  
Қораёвуз изимдур,  
Мудом менга ҳамдамдур.  
Еру осмон, офтоб, ой,  
Қўлимда бир тутамдур."

— "Аҳриман қўшиғи" дейдилар буни. Аҳриманинг қўшиғими бу, дўғими бу, билмайман — Нурмомо аниқлик киритардилар ўз ҳикояларига,— ҳар қалай қадим-қадимда ана шунаقا ҳангомалар ўтган ва бизга у ҳақда шу ривоятлар келиб етган...

Ким билур, ким билмас ул ўтмишдан қолган ривояту нақлларни, ким қулогига илур, ким илмас-илғамас, шунинг учун балким сукут сақлар, индамас. Балким, бу қўшиғу дўғни, бу бўлар бўлмас афсонаю йўғни Аҳриман оғзидан қоҳинлару оқинлар

тұқигандур. Шундайдур, шундай бұлмаса, ундаидур. Хулласи калом, "Ахриман хусусида бир ривоят айтты!" деб күнгүл қистаб ундаидур. Эшитинг, чироқтарим, ушал ривоят бундайдур:

## НАВРҰЗ ҚАЧОН ТУФИЛГАН?

...Үн саккыз минг оламни яратған Танқо Тангрі одамзод дүнёсига Ҳұрмұз ва Ахриман деган әлчилар юборди. Бири Ёруғлик — ОФТОБ, ИККИНЧИСИ ҚОРОНҒУЛИК — ЗУЛМАТ ОЛИБ КЕЛДИ.

Уч минг йил давомида Ҳұрмұз бирла Ахриман аҳил, тинчтотув яшадилар. Үшанда кеча ва күндүз, Офтоб ва зулмат, Зиё — нур ва Сиё — қоронғу бир-бири ила алмашиниб турдилар...

Нұрмомомизнинг ривоятлари шеърга монанд, қофияланиб, сұзлар бир-бирига тақовул бұлиб келаверарди. Ҳозир ҳам ҳикоя үшандай тус олді:

...Бироқ, бирдан, тұсатдан фалокату офат рүй берди. Қоронғулик хуруж қилиб, Ёруғликни енгди. Шу маҳалгача улар тинч эрди. Зулмат Ёруғликни қувлаб, "энди мен голиб" деди. Оламдан үчди зиё, Еру осмон зим-зиё, на үрмөн қолди, на гиёх, қуриди денгиз-дарё, чұлу биёбон бұлды дунё, чеки йүқ, теп-текис музлиқмидур ё?

Ҳұрмұз Ахриманга йұлғықди. Яраш йулинин тутди. Билмай қолди, ким ютди? Бироқ кунини күтди. Үн йил үтди, юз йил үтди, тағин юз-юзи үтди. Учар эди минг йиллар, қоронғу эрди диллар... Шу тариқа, шу зайл, на меңнат бор, на сайил, үтиб кетди уч минг йил... Ҳұрмұз сабрингта қойил. Сабр қылғанга баҳт мойил.

Оlam агар бұлсаям қоронғу ва муз, донишманд ва құтлук Ҳұрмұз, топиб йулу йуригин, аспар эрди құйнида тирикчилик уругин...

Ёруғлик тангриси Ҳұрмұз муз төгларин эритди. Еру-заминга ҳаёт уруғларини экди. Башарни қайта тирилтириди. Башарга йүлдош ва дастёр бұлсин, деб Бақарни яратди. Бақар бирла Башарга ҳамроҳу шерик бұлсин деб Оқ арслону құнғир шерни яратди.

Башар ила Бақар ва паҳлавон Шер-арслон Ҳұрмұзға сарбозу навкар бұлди. Ахриманнинг куни тұлди. Буткул олам, Еру осмон жанғту жадал оқанги ила түлди. Ҳұрмұз билан Ахриманнинг бир-бирига қарши юриши, Ёруғлик дүнёсі ила Қоронғулик дүнёсінинг уруши уч минг йил давом этди. Охир-оқибат Ахриман енгилиб, қочиб Ер қаърига кириб кетди.

Бу осойиша-ю ораста доруломон замон, дөвөнма-дөвөн, асрма-аср, жуда-жуда узоқ давом этди, яна уч мингта стди.

Оlam офтоб шуъласидан ярақлаб кетди, музиклар эриб, денгизу булоқларга айланди, бепоён чүллар яйлов-үтлоқقا айланди. Осмон нурафшон, хоку тупроқ зар сочару зарафшон бўлди.

Тангри таоло Гавмард деб аталмиш одамни яратди. Нега Гавмард аталди у? Ўшал мен Сизга ҳикоя қилган биринчи Башар ва Бақарнинг иккинчи номи Гавмард. Гов — ҳуқиз, мард — одамдур. Гавмардни ота-боболар Каюмарс ҳам демишлар. Ва яна бирорлар "Жўмард" дерлар. Гавмардан бирин-кетин кўпдан-кўп болалар туғилади, одам уруги кўпайиб кетади, минглардан ўтиб мингларга етади. Улар Падари бузрукворлари булмиш Гавмардни ўзларига бош-қош, мангу йўлдош, ҳамдарду ҳамроҳ, подшо-ю паноҳ қилиб танладилар, унинг зийрак зеҳни, кенг фаҳму заковатини англадилар.

Кунлардан бир куни Гавмард тонг маҳалда уйгониб, офтоб ерга яқылашиб келганини кўрди, ақл-идрок кучи бирла ушбу ҳодиса мағзини сўрди. Еру осмон шуъла нур сочиб ярақлар, қор ва муз эриб, теварак-атрофга тарқар эди. Ўшанда дарёлар пурвиқор бўлди. Бепоён чўлу саҳролар кўм-кўк майсалар ила тўлди.

Бундан қувонган Гавмард одамларни горлардан улкан майдонларга бошлаб чиқди. Ёввойи ҳайвонларни тутиб, қўлга ўргатди. Одамлар молларни қўлга ўргатиб боқишини, ер ҳайдаб экин экишини ўргандилар.

Бироқ Гавмард ҳамон ўшал тонгда кўрган ҳодиса устида бош қотирар, бетиним ўйлар, билағонлардан сурар эди. Мубадлар дердилар билағонларни. Улар ила Гавмард Машварат — кенгаш утказди.

"Сиз кўргон ҳодиса Янги кун туғилғони нишонасицур" дедилар мубадлар. Куз ва қиши мавсуми ўтиб кетиб, кўклам мавсуми бошланур, Янги йил бошланур, кўнгил ёшарур...

Ўша даврдан Янги йил, Янги кун ҳисоби юргизилди, иди Наврӯз туғилди...

Гавмард ошини ошаб, ёшини яшаб ўтди. Узоқ умр кўрди, давру давронини сурди, 200 йилдан зиёд подшолик қилди. Бироқ бориб-бориб қариб, қуриб-қовжираб, галдираб-қалтираб ийқилди. Боши айланиб, йўлдан озди. Ўз оёғи остидан ўзи чуқур қазди.

Нега бундоғ бўлди?

Аямажуз айбдор. Ўшал шум қилди бу машъум ишни: Гавмард изидан шайтонни қўйди, алданган подшони пичоқсиз сўйди.

Шайтон Гавмард елкасига чиқиб олди, доно каллада ақл йўқолди. Кимики, шайтон измига тушди, билингки, ундан эсу ҳуш учди.

Гавмард бирин-кетин гуноқга ботди; ёру-биродарларини ҳар ёнга отди. Ўз қориндоши, ҳамроҳи Бақарни сўйиб йўқотди. Гиёҳ ер эрди одамлар, мева-чева ерди, Гавмард эса дастурхонга Бақар гўштини тортди.

Фуқаро Гавмардан бўлди норози, бу янглиғ гуноҳни ўлчашга йўқдур тошу тарози. Эътиroz айтмоққа етмас бирор бир кимса овози...

"Жўмард қассоб" дея атадилар, "Жўмард жаллод" дея қарғадилар уни. Халойиқ қарғаганинг чиқар тутуни, жаҳаннамга кетгусидур чиқмасдан уни!

Гавмард яна ва яна гуноҳ қилди. Фуқаро кўнгли ранжиб, оҳ-воҳ қилди. "Ер ютғай сени!" деб қарғади, ёмон дуо қилди. Дуоибад ёмон бўлур, уни олган оғримай ўлур. Гавмард эл кезиб, хазина тўплади, юртда бор бойликни сувдай хўплади. Шунча йиққанини қайга ошириди ва қайси гор, қайси тоққа элтиб ёшириди?

Дерларким, Гавмардни сўнгра ер ютди. Халойиқ қарғиши ёқадан тутди. Жаннат унга қайди, дўзахга тушди. Ялонғоч бўйнига бўйинтуруқ тушди. Тангри таоло уни қўшга қўшди. Гавмард ҳамон ва ҳамон кундуз кунлари бетиним омоч тортармиш, кечалар яланғоч қиздирилган тиљо узра ётармиш...

Гавмард-каюмарс дунёдан утгач, ўрнига ўғли Ҳушанг подшо бўлди. Кўп ақли расо, донишманд эрди. Шул боис халқ унга "Ҳушанг", деб ном берди. "Ҳуши, онги бор" деган сўз-да бул, ётибор қилсангиз, маънисини чақсангиз!

Ҳушанг одамларни девлар, аждаҳолар хуружидан ҳимоя қилди, уларни банди қилиб боғлаб ташлади. Форлар остидан маъдан-темир ва пўлат йиғди. Одамларни қилич ва пичоқ ясашга ўргатди.

— Эсим қурсин,— Нурмомо ўзларини койиб кетдилар,— сал бўлмаса хотирамдан кутарилиб, унуга ёзибман,— Олов бўлмаса, темирдан ва пўлатдан қандоғ қилиб қиличу пичоқ ясаб бўлади. Нима эритади метин-маъданларни?

Эси-ҳуши зўр, зукко, доно Ҳушанг Оловни топди, ов қилиб юриб, ўқи тошга текканда, учқун чиққанини кўрди-да, уни ушлаб олди. Қўлга ўргатди.

Ҳа, чироқларим, Ҳушанг олову оташни ушлаб, одамлар қўлига берди. Овқат пишириб емоқ, сув қайнатиб ичмоқ, алқисса оловдан фойдаланмоқ ўша замондан одат, инсон боласига баҳоси, йўқ бахту саодат. Бунинг ҳангомаси узундан-узоқ. Эшиитмоққа керак чидам ва тоқат. Вақти келур, пайти келур, мавритию ҳайити келур, яна қанча-қанча шамоллар елур, бу гурунгни сўнгра қилурмиз, бу нақлга яна қайтиб келурмиз...

Хұшанғдан кейин үғли Тахмурас таҳтга ўтири. Ўттис үйл  
халойиқ унинг ақлу заковати, раҳму шафқатидан баҳраманд  
бұлди. Юлдузларга, ой, офтоб, осмонга сигинар эрди. Уларни  
бирма-бир ўрганды, санади, терди. Инсон аҳлига мунажжимлик  
илмини берди.

Сұнгра таҳт Тахмурасдан иниси Жамшидга мерос қолди.  
Жамшид нима каромат күрсатди? Ў, чироқларим, Жамшид  
қылған ишларнинг на сони, на саноғи бор. Ҳаммоллар қуриб,  
одамларни ювинишга ўргатди, үз танасига қараб, уни тозалашга,  
соч-соқолни қирдириб тарашга ўргатди.

Конлардан қазиб олинган тиллаю кумуш, мис ва құрғошиндан  
асбоб-ускуналар, идиш-товоқ, пиёла-чойнак, аёлларга безак-  
тақинчоқлар, билакларига узуклар, қулоқларига исирғаю ҳалқалар  
ясашни ўргатди. Гиёхларни териб, құритиб, әзиб, ё ҳұл ҳолида  
сиқиб, дори-дармон, давою шифо, мушки анбар, хұшбұю мұаттар  
атру уполар қилишни ўргатди. Одамларга бирма-бир сабот ва  
тоқат ила ҳұнар, касбу кор ўргатди. Бирөвлар деңқон, бирөвлар  
чүпон, бирөвлар боғбон бұлди. Тағин қанча-қанча кимсалар  
тупроқдан лой қориб, созлаб, пардозлаб, идиш-товоқ ясайдыган  
кулол ва яна бошқалар хилма-хил ҳұнару касбу кор эгаси  
бұлдилар. Ҳұнар, ҳұнардан унар, дейдилар донолар. Ыша қадим  
маҳалларда жорий бұлған ҳұнар ҳамон-ҳамон элу юртимизни  
безар, құлдан құлга ўтиб, одамлар аро кезар...

Йил ҳисоби, кун ҳисоби ҳам үша даврұ даврондан бошланур,  
бири-бирига уланиб-құшилиб борур, чошданур...

Нурмомо ҳикоя қилар эканлар, тилларига ҳамишагидек бе-  
ихтиёр шेъру қүшиқ ёғилиб келаверарди:

Ииллар гүё туш каби  
Ёки турна құш каби.  
Қаёнларга учадур.  
Күринадур, қочадур,  
Фойиб бўлиб, учадур,  
Қаёнларга кўчадур.  
Қаёнларни қучадур.  
Нечаче-нече, нечадур,  
Ўн иккиси мучалдур.  
Мучал битса, тугалдур,

Тагин сағ-сағ келалдур,  
Шамол каби еладур.  
Бир-бирини чорлайдур,  
Бир-бирини пойлайдур.  
Кетма-кет, галма-галдур,  
Ёниб ўтар машъалдур.  
Яхши келса асалдур,  
Ширин эртак, масалдур.  
Ёмон келса ўсалдур,  
Эл мажруху, қасалдур...

Мубадлар, билағонлар, осмону-сўи-фалакни синчиклаб  
ўрганиб, Офтобнинг Ер узра юришини ҳисоблаб чиқдилар, уч  
юз олтмиш беш кун ичида ул Ер юзини айланиб чиқишини  
аниқладилар. Ўттис кундан қилиб, уни ўн иккى ойга бўлдилар.  
Шундан чорагини сұнгра "құтлуқ ойлар" деб атадилар. Биринчи

чорак ўтгач, олам мувозанат тарозисига киради, янгиланади, кекаю кундуз баробарлашади, деб ҳисоблаб, шу күнларни байрам қиласынан бўлдилар.

Шундай қилиб, Жамшид ўз замонасида бобокалони Гавмард бошлиган ишни ниҳоясига етказди, мукаммал босқичга ўтказди...

Ўшанда янги кун, янги йил шарафига катта сайил бўлди. Иди наврўз деб атадилар уни. Ўша маҳалда улкан бир дастурхон ёзилиб, тўй-томуша, зиёфат, етим-есирларга, фақирлар ва юпунлар, дарвешу дарбадарларга садақалар берилди. Тангри ҳақига, кўклам шарафига ош тортилди. Бу хил маросимларни агар улар зиёфат бўлса, базми жамшид, фақат ош тортилса худойи, дермиз.

Ид-сайил күнлари Еру замин ҳақи, обу оташ ҳақи, ўтган аждодлар ҳақи қурбон қилиш, ҳар ким баҳоли қудрат бирор-бир жонлиқ — қўй ва ёким ҳеч бўлмаса ҳўроз сўйиб, қон чиқариш ўша замондан урфу удумга айланди.

Наврўз кезлари фақат кечаларигина эмас, ҳатто кундуз күнлари қоронгу гушалар-бурчаклар, омбор, молкона-огилхоналарга шам ёқиб қўйиш ҳам ўша замондан бизга мерос-ихлос бўлиб қолди.

Ривоятлар қатор-қатор, келаверади такрор. Ўшанда Нурмомо саришта-ю саранжомлик, сарҳисобу саркитоб, турмуш тарзию тартиби хусусида бир шеър тўқиган эдилар. Ўша шеърни айrim қўшимчалар ва бирмунча таҳrir, ўзимдан ҳисса ила ўқувчига ҳавола қилишини лозим топдим. Зоро, тарихни тасвиру тавсиф, таърифу талқин қилиб қолмай, унга тақлид қилмоқ ҳам зарур. Бироқ бу ҳам етмайди. Фақат тақлид эмас, таъмирламоқ жоиз. Узилган ерларини ямаб ва улаб, бузилган ерларини тикиб-тиклаб, кўчган нақшларини учтан узук кўзларицек қайтадан қадаб, учган бўёғларига ҳар бир жонкуяр, она юртини севган ҳар бир ватанпарвар унга ўз дили қони рангини сингдирмоги ва сайқал бермоги лозим. Шул сабабки, Нурмомо айтиб берган нақл ва ривоятларга юрагим жўшиб, унча-мунча улуш қўшган бўлсан, китобхонлар мени кечиргайлар.

Алқисса, ўшанда Нурмомо чуқур ўйга ботиб, заиф кўзларинигоҳ юмиб,гоҳ очиб, киприкларини сузиб, қандайдир бир ички дард ила сўзларни узиб-узиб, ҳижоларга бўлиб-бўлиб, бундоқ куйлаган эдилар:

Ҳаёт уфқ узра мавж урган сароб,  
Гүё қутбдан қутбга туташган гирдоб.  
На ибтидо билур у, на интиҳоб,  
На ором билур у, на ўйқу-хоб.  
Олам яралмишки, мисли бир жумбоқ,  
Одамлар сўрарлар: "Борми, сон-саноқ?"  
Дунё ўтаверар бетиним, саёқ,  
Худди келиб кетди сенга бир қўноқ...

Еру-замину, баҳр ила нахру об,  
Сайёра ситора, моҳтоб-офтоб.

Парранда дарранда, буткул жонзот,  
Молу-ҳолу, ҳайвондару, одамзод...  
Қанча ўлди, қанча түгилди кимса,  
Қаерларда бордур қанча нимарса.  
Руй бериб туродур қанча ҳодиса,  
Барча воқеалар, бари алқисса.  
Бари қулфу калит, барыда ҳисоб,  
Ҳисоблик нарсалар бўлмас тамом-соб.  
Офтоб ва ой туродур ҳамиша балқиб,  
Дарёю денгизлар қайнаб ва оқиб,  
Ҳамма-ҳамма нарсалар ошиб-ортуб,  
Юлдузлар ва тогу-тошлардан тортиб,  
Бари-барисида бор ҳисоб-тартиб,  
Боғлаб турадур бир занжиру, бир ип.  
Илдан барнасими қатор ўтқазиб,  
Бирини-бирига кетма-кет тизиб,  
Ҳар қайси бирин, сўнг, бетма-бет ёзиб,  
Танҳо тангри тузиб қўймиш Сархисоб.  
Ҳамма-ҳаммасида бор ҳисоб-китоб.  
Мавжудотлар саранжому-саришта,  
Барининг бўйнида ип ила ришта.  
Чирогим, тартиб керақдур ҳар ишда  
Недурки кетгуси ҳисобдан тойиб,  
Бўлмоги муқаррар оламдан тойиб.  
Билиб қўй, ҳаёт ипин ким йўқотган,  
Туби йўқ ботқугу балчиққа ботган.  
Бушлиққа нишонсиз бекор ўқ отган,  
Сўнгра тирноғ тишлаб, тим-тимтик қотган...

Ўша маҳалда Жамшид базми бирлан Наврӯз сайли бехатар ўтмаган эрди. Аямажуз ва Аҳриман амри ила элу-юрга девлар ҳужум қилди, ҳаммаёққа ёпирилиб, қий-чув солди. Одамларни топтамоқчи, оёқ ости, поймол қилмоқчи бўлди.

Бироқ Жамшид бисёр ҳушёр, тадбиркор шоҳ эрди. Девларни тузоққа туширди, банди қилиб, аравага қўшиди.

Наврӯз энди бошланган Ҳурмуз кунларида Жамшид араваси осмону фалакка учди. Даставвал Мехримоҳ\* биринчи бор Нур сочиб, ёритган жой Мисрга қунди. Халойиқ бирла Наврӯз

\* — Ривоятларга кўра, Мехр-офтоб ва Моҳ-Маҳтоб ўз нурларини дастлаб Нил дарёси бўйидаги ерларга сочган ва бу жойлар Мехр-қуёш мамлакати деб аталадиган бўлган. Сўнгра узгариб, Мисрга айланган. Қуёш Шарқу Жанубдан Фарбу Шимолга йўл олган. Ўшал вақтдаги одамлар наздида ҳозирги Хоразм ерларига бориб қўнган. Шул сабаб бу ўлкани "Хавар азм" ёки "Хавр азм" — Қуёш замини, қуёш сри деб атаганлар.

сайли ўтказиб, Хурдод кунларида Жамшид бизнинг элга, Туронга, қуёш қўнган, уйқуга ётган Хавр азмга етиб келди. Бу ерда ҳам сайилда қатнашиди-ю, яна ўз юртига, Ажам-Эронга қайтди.

Бироқ минг афсуским, ўшанда Жамшид аравасини тортган девларни ёмон зотли, ёвуз ниятли кимдир халос қилиб, қўйиб юборди. Ўша-уша замонлардан буён бандиликдан халос булиб, қочиб кетган девларнинг авлодлари одамлардан уч олурлар, навруз сайли ўтар маҳалда элга қамлаю хуруж қилурлар, гулгулаю гавғо солурлар...

Ҳа, буталоқларим, шундай саодатманд, такти баланду, баҳти баланд эрди Жамшид. Тўртюз йил ҳукм сурди. Фақат ҳукм сурди эмас, кеча-кундуз айш-ишрат, базм қурди. Каракту-масту-аласт вақтида шайтон унинг ҳам елкасига миниб олишга улгурди. Шундай доно, ақли расо шаҳаншоҳ шайтон не деса қилди, ўтирилди, тур деса турди. Охир-оқибат йиқилди, паймонаси тўлди. Бу ишлар бариси Аямажуз амри ила бўлди.

Ҳайҳот, ҳайҳот, минг марта ҳайҳот,  
Аямажуз хуружидан дод.  
Одамзодга қасд қилур бот-бот,  
Эл-юрт вайрон, умидлар барбод.  
Шум кампирнинг эгри қўлидан,  
На мулк қолур, на молу бисот.  
Қачон яшнар ҳаёту мамот,  
Қачон диллар бўлур экан шод?!  
Аямажуз бир алвастидур,  
Газандалар разил, пастидур.  
Ёвузларнинг ёмон дастидур,  
Чаён бўлиб ўрмалайдур у,  
Илон бўлиб ўрмалайдур у,  
Шайтон бўлиб ўралайдур у,  
Елканг узра йўргалайдур у,  
Ялар, алдар ва аврайдур у:  
"Виждонни сот, имонинни сот!  
Шарафингни ва шонингни сот!"  
Қачон бўлурмиз ундан озод,  
Ҳайҳот, ҳайҳот, минг марта ҳайҳот,  
Аямажуз найрангидан дод!

## ЗАРДЎШТ — ХАЛОЙИҚҖА ДЎСТ

Тоғларнинг вулқони бор,  
Дарёнинг ӯзани бор.  
Тўрва тўла дони бор,  
Шўрванинг қозони бор.  
Чанг турса, тўзони бор,

Барг чиқса, ҳазони бор.  
Ғалвирнинг самони бор;  
Замоннинг замони бор.  
Юлдузнинг осмони бор.  
Ҳар юртнинг посбони бор.  
Яхшининг ёмони бор,  
Бир хунук томони бор...

Ушбу мисраларни қатор қилиб айтарканлар, Нурмомо, охирги икки йўлни тугатиб, бирдан тўхтаб олардилар-да, дердилар:

— Шунақа ғалати дунё бу. Баъзан дунё, баъзан туш ёким рўё, баъзан зиё, баъзан сиё...

Яна шеърга ўтардилар; бошқа оҳангта солиб куйлардилар:

Сўйлайверсам, бўлмайди адо,  
Кўп гапирмай, қўлтурмен хато.  
Адашадур пайгамбар ҳатто,  
Издан чиқмас Тангримиз танҳо...

Алқисса, одам уруги кўпайишга кўпайди-ю, минглардан ўтиб мингларга ва яна мингларга етди-ю, бироқ, э воҳ, аксарияти ёмон йўлга кирди, Тангри таоло измидан, кўрсатган изидан чиқди. Ҳатто яхшилар ҳам хунук одат чиқарди. Бир-бирларига ишонмайдиган, бир-бирларини ҳурмат қилмайдиган бўлиб қолишиди. Бора-бора ундан ҳам баттар бўлишди. Бир-бирларининг мол-мулкини ўғирлайдиган, бир-бирлари ила талашадиган-тортишадиган, қирғин-қирон қилишадиган бўлиб қолишиди. Ҳаром-ҳаришга тез-тез қўл урадиган, фақат эгри йўлдан юрадиган бўлишди. Фарқ-фаросат ўрнини аросат, имон-виждон ўрнини фисқи фасод, беминнат хизмат ўрнини жинояту хиёнат, адолат ўрнини зулмат эгаллади. Эркаклар энг яқинларини, ҳаттоки опа-сингилларини уялмай-нетмай, жирканмай-ирғанмай ўзларига хотинликка раво кўрдилар. Бадавлатлар ва зўравонлар заиф кишилар аёлларини қўлларидан тортиб олиб, ўзлариники қилдилар, аёллар қайси эркакни кўнгуллари истаса, уша билан бирга бўлдилар, гуноҳга ботиб-тўлдилар. Элу-юртни сассиқ нафас, ҳаром-нас босди.

Бу ҳаром-ҳаросатдан, бу қабоҳат-аросатдан қандоғ қутулмоқ мумкин? Не қилмоқ керакким, инсоннинг тани-жони пок, кунгли оқ бўлғай, кимсаларнинг диллари бир-бирига раҳм-шафқат, иззат-ҳурмат туйгулари ила тўлғай, қалбларининг таг-тагида эзгулик, имону виждон уя қурғай...

Тинглангиз, чироқларим,  
Яқин ва йироқларим!  
Буният ҳам нақли бордур.

Гапимга дахли бордур.  
Кимки тушуниб олса,  
Үшанинг фаҳми бордур.  
Фаросат, ақли бордур,  
Бахт унга мудом ёрдур...

...Ўша йилларда қутлуг бир хонадонда некқадам бола туғилдиким, шундоқ кўз очиши билан онаси ва отасини дарҳол таниди. Падари бузрукворини бировлар Сафед туман дер эдилар. Волидай муҳтарамини эрса — Дуғово дер эдилар. Чақалоқнинг юзлари гулшан, кўзлари офтоб нуридек равшан эрди. Бу қутлуг тан ақл-заковатга макону ватан бўлди. Узоқ-узоқ замонлар одамлар ҳикоя қилиб келурларким, ота-она туғилган пайтида ўз боласига берган номни ҳеч ким эслай олмас. Зардўшт деган исмни бола улғайгач, ҳалқ берган. Бироқ ҳеч ким ҳозирга қадар бу отнинг асл маъносини чақиб ололмас. Одамлар хилма-хил, афсоналар ҳам хилма-хил. Бировлар дейдиларким, боланинг соchlари, киприклари тиллосимон рангда бўлганлиги учун улус уни Зарпўш — Заркийган, Зарлибос деб атаган. Зардўз-зартикар, заржўш-зарқайнар, деб айтурлар яна бошқа бировлар\*...

— Кейинги ном мени дилимга мос, тилимга дуруст-рост келур,— Нурмомо қўшиб қўярдилар.— Сабабким, Зардўшт кўп билагон, донишманд бўлган. Ақл-идрок, фаҳм-фаросат қалбида қайнаб турган. Ақл-идрок эса, зарга тенгдур.

Қаердан олди бу қадар қайнаб турган ақл-идрокни Зардўшт. Унинг юрагида, қалбининг таг-тубида аслида, туғилган маҳалида ақл-фаросат уруғлари бор эрди. Бу уруғларни танҳо тангри эккан эрди. Бироқ, билиб қўйингки, чироқларим, уруг яхши, соз тупроқча тушмаса, сув ичib турмаса, парвариш топмаса, тушган жойида қақшаб, қуриб қолгусидур. Кўнгул кўнгулдан сув ичгусидур, дер донолар.

Зардўшт болалик, ўсмирлик пайтларидан бошлаб, ҳамиша ҳалойиқ орасида бўлди, не яхши, не ёмон эрса, барисини кўрди, аччиқнинг ҳам, чучукнинг ҳам таъми-мазасини тотиб сўрди. Сарсону саргардон эрди у эл ичра, бироқ балогардон эрди, ҳамиша! Етим-есирлар бошин силар, бемор-занфларга сиҳат-саломатлик, эл-юрга осойишталик тилар эрди. Қабилаю уруғлар

\* Тарихда, умумхалқ орасида, жамият ҳаётида чуқур из қолдирган буюк шахслар, қутлуг сиймолар тўғрисида одатда кўпдан-кўп, хилма-хил афсоналар, ривоятлар тўкилади. Зардўшт ҳақидаги ушбу ривоят ҳам шулар жумласидандир. Тарихий манбалар гувоҳлик беришига қараганда эса зардўшт "Туя минганд" деган маънони англатади.

ёқама-ёқа булганда уларни ажратар, низони йигиштириб, ризоликда яшашга ундар эрди.

Зўравонлар заифларга мушт кўтарса, қўлини ушлар, кимки тинч-тотув яшар, ўшани хушлар эрди. "Бу гумбаз остида ҳаммага жой бор, муштлашмоқ, урушмоқ не даркор", дерди. Дерди-ю, урушганларни яраштиromoқ ғамини ерди. "Бу ер-замин узра ҳамма баробар, туғилгандан то ўлганга қадар, яна хоку тупроқ бўлиб улар ёнма-ён ётар. "Ҳақсизлик ва ҳақоратни тұхтатинг!" деб нидо қилур эрди. "Хиёнату-жиноятни қўйиб, биродар бўлинглар", деб илтижо қилур эрди.

Шу зайл, яхши-ёмонни кўриб, аччиқ-чучукни сўриб, Зардўшт заковатли зот бўлиб етишди. Фақат оқил-дениш бўлиб қолмай, оташу, оловдан, тошқину тўфондан қўрқмайдиган довюрак паҳлавон, эларо уруш-тортишув бўлиб қолгудай эрса, сув сепгандай тиндирувчи марди-майдон эрди Зардўшт. Чунким, бул муқаддас зот икки покиза, муқаддас мавжудотнинг фарзанди эрди: Оташнинг ёлқин учқуни, сувнинг тоза томчисидан бунёд бўлган эрди. Обу оташга кирса, улар ила бирикиб, қушилиб кетарди. Ва яна ажралиб, безарар чиқарди.

Ривоят қилурларким, Зардўшт кунлардан бир кун, кўклам фаслида, эрта тонг маҳалида азим дарё бўйига борди. Тоза сув келтириб, хушбўй кўкатлардан тансиқ таом пишироқчи бўлди.

Дарёга тушди, шўнғиб-шўнғиб, тўлқинлар ила қучоқлашиб, ўлиши. Танию жони янада покланди, дилию кўнгли, кўзлари янада равшанлашди, ўзини фаришталар янглиғ енгил ҳис қилди, наҳр ичиди баҳри очилди. Наъра тортиб, шовқин-сурон солаётган тўлқинлардан кўзачасини тўлдириб, қирғоқча чиқди.

Қирғоқда майсалар, турли-туман ям-яшил ўтлар зумраддай товланаарди. Ана шу кўм-кўк гилам узра оёги ерга тегар-тегмай, мусаффо, беғубор, ойнадек тиниқ ҳавода муаллақ турган нуроний бир сиймога кўзи тушди. Бу нурафшон сиймодан чор-атрофга заррин нурлар сочиларди. Теварак шу қадар мунаvvар эдики, Зардўшт ҳатто ўз соясини ҳам тополмади. Шу маҳалгача Зардўштга чуқур диққат ила термулиб, меҳр ила назар ташилаб турган мўътабар зот, аста-секин узоқлаша-узоқлаша, билинрабилинмас, енгил, оппоқ бир бугга айланди, нурдай товланиб, мавж ургандай бўлди-ю, осмонга кутарилиб кетди.

Бир неча лаҳза ўтар-ўтмас, осмондан нидо келди:

...Тириклик манбаи қуёш бердим инсонга,

Заминни у бирла тутош бердим инсонга.

"Оламни тушун", деб ақл-бош бердим инсонга,

Юрган йўлинг бил, деб қароқ-қош бердим инсонга,

Парранда-даррандалардан йўлдош бердим инсонга,  
Яйраб-яшнагил, деб, чўл, тог-тош бердим инсонга.  
Нозик табиатдай сирдош бердим инсонга,  
Ҳарнаки ато қилдим чош-чош бердим инсонга,  
Оғир кунода сабру-бардош бердим инсонга.  
Лек шукру-меҳнат эмас, миннатдур қилмиши,  
Ато қилмоқ ўрнига горатдур қилмиши.  
Диёнат қайда қолди, хиёнатдур иши,  
Имону виждан қани, жиноятдур иши.  
Зардўшт, улар бошида энди сен тургайсен,  
Адашганиларни тўтри йўлга бургайсен!  
Не юмуш қилмоқни аларга буюргайсен,  
Кимки бебош эрса, ундан қаттиқ сўргайсен!  
Тингла Зардўшт, сўзлаётган, тангринг Ҳурмузмен,  
Йўлдан озганиларни кўрсам, нур эмас, музмен,  
Ёрулил дунёсида бир ўзим ёлғизмен.  
Элга бош бўлмоқда менга ҳамроҳ бўлгайсен,  
Инсон қалбига етмоқда даргоҳ бўлгайсен!

Ўшанда мўъжиза рўй берди. Ўттиз ёшарлик Зардўшт оппоқ соқолли нуроний чолга айланниб қолди. Юзидан, кўзларидан, сочларидан, киприкларидан нур ёгар, қоронгу кечаси юрсаям тонготар маҳалини эслатар, зулмат чекиниб, уни нур қучоқлаб борарди. Қаёққа борса, ҳамиша боши узра порлоқ юлдуз ёфду сочиб, йўлини ёритарди.

Үйига қайтиб борганида, жуфти ҳалоли таниёлмай ҳайрону лол булди. Кўзачадаги сувни аёлининг қўлига тутқазганида, у билан сўзлашаштаги овозидан рафиқаси Зардўштни таний бошлиди, негадир йиглаб, кўзини ёшлиди.

Зардўштнинг аёли буғдой уруғидан униб чиқсан кўм-кўк, хушбўй ўт-майсани янчиб, тайёрлаб қўйган эди. Ҳар галгидек майсадан бўтқа-хаом пиширишга киришдилар.

Ўшанда Қозон бошида ҳам мўъжиза рўй берди.

Зардўшт ва унинг аёли алла-палла маҳалгача овқат тайёрлаш ила овора булиб, чарчаб, ҳордиқ чиқаришга ётган эдилар. Ғира-шира тонг пайти осмону фалакдан бирин-кетин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада гўзал, маҳлиқо фаришталар, малаклар учиб келиб, қозон ёнига қўндилар. Чўп чўмиш, қошиқ ва капкирни қўлга олдилар. Бири қўйиб, бири пишаётган ошни қўзғашга, дам-бадам шопиришга киришдилар. Туз солиб, яна қайта-қайта қўзғадилар. Қўшиқлар айтиб, уйнадилар.

"Тушмикан, ўнгмикан?" — деб Зардўшт ва унинг аёли бу ажойиб-гаройиб манзарани узоқ томоша қилиб ётдилар, фаришталарга халақит бермадилар. Санаб қарасалар, фариштаю ма-

лаклар ўттизта чиқди. "Сирұх" ва "Сималак"—"Ўттиз рұх" ва "Ўттиз малак" деб ном бердилар уларга...

Фаришталар үзаро хушчақчақ суҳбат-мулоқот қурғанларида қайта-қайта, тақрор-тақрор Ҳұрмұзни тилга олардилар. Бундан Зардұшт фаришталарни Ҳұрмұз юборғанлигини англади.

Әрталаб ўша бұтқа-хаомни еғанларида у ҳеч олдингилариға үхшамас, бениҳоя totli, бамаза эрди. Шу-шу бұлды-ю, мұтабар хаомни Зардұшт ән аёли "Сималак"—"Ўттиз малак" деб атадилар, ўша-ўша замондан одамлар бу қутлуғ таомни ҳозирға қадар сумалак дерлар. Ҳозирға қадар унга туз солмаслар. Бу — малаклар, фаришталар иши, деб ҳи-собланур...

Бироқ ўша замонда одамлар ҳали турмуш тариқатини яхши билмас, тұғри тушунмас, ҳамон ҳаром-харишга құл уришар, ҳамон қабилалар, уруғлар бир-бирларининг мол-мұлкини ўғирлашиб ҳайдаб кетишар, әл-юртни босқын ва хуруж хона-вайрон құлур эрди.

Одамларни тұғри йүлға солмоқ учун Зардұшт ҳарчанд уриниб күрди. Айримларини тарбия қылса-да, күпчилиги ўшал ҳаром. Йүлдан қайтмади. Гуноҳга ботған бандалардан Ер-заминни то-залаңмоқ, халос қылмақ учун Танқо Тангри тағин ўшал шум Ақриманни юборди. Ақриман Замин қаъридан қайтиб чиқди, осмону фалакда туриб, Ерга қайнаган құрғошин қуиди, оташу олов пуркади. Ер ёниб турған маъданга айланди, сұнг бөра-бора совуб, қоп-қора күмирға қайтди.

Аммо-лекин ҳамма одамлар ҳам куйиб ва ёниб кетмаган әрдилар. Кимики гуноҳ қылмаган бұлса, кимики тоза ва соғдил, имонли, виждонли бұлса, бундай кимсалар омон қолдилар. Улар Ер узра ловуллаб турған оловдан қочиб, ўзларини Баҳри уммонаға урдилар. Тұлқиңлар бу одамларни узоқ бир Оролга олиб бориб ташлади. Тоза дил, поккүңгүл кишилар бошпанға топғани учун бул Оролни одамлар сұнгра "Құтлуғлар ороли" деб атайдиган бұлдилар.

Бироқ Ер юзи зим-зиё эрди. Омон қолғанлар баҳтисиे эрди. Бечоралар осмонға қараб қар күн, қар соатда фикру хаёлларида қайта-қайта намоён бұлғучи нарса офтобу зиё эрди. Билған ва қылған ишлари Танқо Тангриға ва офтобға илтижо эрди. Үл маҳалда қүёшни Мәхр демишлиар эрди. Ҳа, чироғларим, Мәхрнінг одамлардан меҳри қайтиб, осмоннинг бир буржида муаллақ тұхтаб қолған эрди. Юрмас, олам бүйлаб айланмас эрди. Шул боис Ер юзида ёргуғ күн бұлмас, тун кестидан тун келаверарди. Ой ҳам қаёқларгадур қочиб, яширинган эрди. Оролдаги одамлар осмонға қараб ёлвордилар:

Қаердасиз, Мәхримоқ,<sup>\*</sup>  
 Еру осмон чекар оқ.  
 Дұзах әрүр бу даргоҳ,  
 Сизсиз мангы қиблағоҳ.  
 Бұлғайсиз бизга паноҳ,  
 Еру осмонға ҳамроҳ.  
 Қани кундузинг, Мәхрим,  
 Тунда қолдузинг, Мәхрим.  
 Еңиқ іоз-күзинг, Мәхрим,  
 Тангримиз ўзинг, Мәхрим.  
 Олам қоронғу, эвоҳ,  
 Ҳаво, сув, оғу, эвоҳ.  
 Тогу, үйл, үрмөн, гиёх,  
 Инсону, ҳайвон, аро,  
 Бормикан соги, эвоҳ.  
 Барининг баҳты қаро,  
 Барининг дили сиёҳ.  
 Бари мажруху, гүрмөх  
 Барини еди гүноҳ.  
 О, Мәхримоқ, Мәхримоқ,  
 Бұлғайсиз тезроқ оғоҳ!  
 Оташ тұла минг ўчоқ

Мәхримоға ёлвориб бұлғандан сұнг одамлар тиз چүкиб, иккі  
 құлларини юзларига тутиб, танҳо тангрига илтижо қилишга  
 үтдилар:

Ризқ бирла рұзимни ол, рұшнолик бер,  
 Тангрим,  
 Илтимосу сұзимни ол, рұшнолик бер,  
 Тангрим.  
 Керак бұлса үзимни ол, рұшнолик бер,  
 Тангрим!  
 Торикистон бўлди олам, нуристон,  
 қилгайсен,  
 Зимистон бўлди олам, баҳористон,  
 қилгайсен!  
 Ҳаром-харишларнинг дастидан минг дод,  
 Улар қилмишидан ҳаммага ўёт.  
 Тиз үйлайсан  
 Ҳайвоний ҳирслардан бўлурмиз озод.  
 Йўлдан чиққанларнинг дастидан фарёд,  
 Эзгу ниятларни қилдилар барбод.  
 Ота-ўйилларга, она қизға ёт,  
 Минг марта тақрорлаб, айтurmiz  
 "ҳайхот!"

Мәхримоқ — Шарқ халқарыда әнг қадимги тангрилардан биридир. Бу афсона  
 Фарб мамлакатларыда ҳам тарқалған. Аммо улар Мәхримоқни Митра деб штаганлар.

Қараб турған минг қароқ.  
 Бұрон, елдирим, чақмоқ,  
 Яшин, мамоқалдироқ,  
 Қайнаб чиққан минг булоқ,  
 Сакраб юрган минг ирмоқ.  
 Бепөн яйлов, үтлоқ,  
 Учиб юрган рұх, арвоҳ,  
 Пок-покиза бегуноҳ,  
 Ҳаммасида сиз мутлоқ,  
 Сиз барчага қиблағоҳ.  
 Раҳнамосиз ва паноҳ.  
 Нажотимиз ўзингиз,  
 Ҳаётимиз ўзингиз!  
 Тезроқ іоз күрсатингиз!  
 Порласин қолдузингиз,  
 Қараб турсин күзингиз,  
 Олмашиб тун-кунингиз.  
 Гир айланыб юрингиз,  
 Навбат қилиб турингиз,  
 Ерга тушиб йўлингиз,  
 Бу буржга ҳам бурингиз!

Қанча қаттол ўтди, қанчалаб шаддод,  
Бироқ ҳаммасидан қолди ёмон от.  
Тагин қайта-қайта қилиб, қасамёд,  
Айтurmиз: Омон қолган бари асилзот.  
Биз ўзга кимсалармиз,  
                        ўзга авлод,  
Инсонлик шаънига келтирмай  
                        иснод,  
Меҳнат, садоқатда бўлиб  
                        умрбод,  
Минг бор номинг мангу дилимизда  
                        ёд,  
Сабр-тоқат ила кўрсатиб сабот,  
Бузилган оламни қилурмиз  
                        обод,  
Гоки биздан кейин тугилган  
                        зурёд,  
Тоза, азиз ерда яшасин  
                        дилшод...

Танҳо Тангри одамлар нидосига қулоқ солди, қоп-қора  
булутларни, зулмат пардаларини ёриб, кундуз меҳру-офтоб,  
кечаларни моҳ-ой яна намоён бўлди. Қаро қўмир бўлиб, қотиб  
ётган қалин муз қатламлари эриб, яна булоқлар қайнади, яна  
дарёлар ва ариқлар тўлиб оқди, осмондаги оппоқ булутлардан  
оби-раҳмат ёғди, яна даражатлар "яшил баргга ўранди. Тоғлар,  
яйловлар кўм-кўк майсалар ила қопланди.

...Зардушт эсон-омон қолган одамларни йиға бошлади. Инграб  
ётган нимжонлар бошини силаб, қалбига куч-қувват, мадор  
бағишлади. Ерни қаро-қурум, қўмиру кулдан, турли-туман чиқин-  
дилардан\* тозалашга, бундан бўёнга тирикчилик тарафдудини  
куришга уларни чорлади, орол оралаб юриб бонг урди.

Ким үлиқдур, ким омон,  
Балки бор бемор, нимжон,  
Бош кўтар, кимда бор жон!  
Етар! Тугади ҳижрон,  
Тангридан келди фармон:  
Замона доруломон  
Аниқ, туну-кун, оқшом,  
Оламни қил саранжом!  
Сендан бўлсин Ҳаракат,  
Мендан бўлур Баракат.

Туриб, атрофингта боқ,  
Моллар юрадур саёқ.  
Қўлга ол говрон-таёқ,  
Тўплаб яйловларда боқ!  
Сендан бўлсин Ҳаракат,  
Мендан бўлур Баракат!  
  
Үрнингдан тур, ҳей, инсон,  
Ясаб берайин кетмон.  
Ер ҳайдаб, сен эксанг дон,

Бұларднинг бободекқон.  
Сендан бұлсин Ҳаракат,  
Мендан бұлур Баракат.

Мудраб ётар муздек Ер,  
Сұрап сендан "Мадад бер!"  
"Мәхринг қүйіб, тұксанд төр,  
Зарга қайтгайман мен" дер,

Сендан бұлсин Ҳаракат,  
Мендан бұлур Баракат.

Құлингни бер, ҳей, инсон,  
Бирға экайлик биз дон.  
Дон бұлсин хирмон-хирмон.  
Халойиққа ошу нон,  
Сендан бұлсин Ҳаракат,  
Мендан бұлур Баракат...

Зардұшт гавдаси йирик одам әрди, бүйи-басты бошқа кимсаларниң көзінде қарағанда бир ярим баравар баланд әрди. Үзидан узоқни күрмоқ, йироқдагини тезроқ билиб олмоқ учун фақат ақл-заковат, фақт-фаросаттына эмас, балки үшал Бобокалон Башаршамшоддай түгри, расо, бараваста қадди-қомати ҳам ёрдам берар әрди. Танқо Тангри ва Ҳұрмұз иродаси ила бошига келиб құнған порлоқ юлдуз қоронғу кечалари зл аро юрганида теварап-атрофига нур сочиб, йулини ёритиб борар, пана-пастқамларда инграб ётгап мажрухлар көз-күзига шуъла булиб гушар, уларни үрнидан туришга үндар, тирикчилик қишлигі дағыват этар әрди.

Үшал замонларда на бирон бир мусиқа асбоби, на най, на дутору танбур, на гижжак, на уд бор әрди. Бироқ Зардұштнинг нидоси майин ва сокин эса-стган насим ва шабаданинг, казин ва мунгли бир елнинг қанотида дилкаш, ҳұзурбахш күйга айланыб, у бирла аралашыб, омихта булиб үлемгә маҳқум одамлар құлогига бориб етар әрди. Нимжону мажрухлар мадорсизликдан юмисиб қолған құздарини оқиста очиб, бу нидочакириқни тинглар әрдилар. Шунда қалбларига яна ҳаёт-мамот, на жот умидлари келиб құнарди:

Үрнингдан тур, ҳей Башар,  
Ҳамма-әкқа бер хабар!  
Тұплан, құлтурмиз ҳашар,  
Дарәлардан сув тошар.  
Измингда әрса дарё,  
Жаннат бұлади дунё.  
Жиловсиз қолса дарё,  
Форат бұлади дунё.  
Сендан бұлсин Ҳаракат,  
Мендан бұлур Баракат.  
Үрнингдан тур, ҳей, Башар  
Сени кутади Бақар.  
Замин темирдан баттар,

Күш ҳайдашға чиқ сақар.  
Сендан бұлсин Ҳаракат,  
Мендан бұлур Баракат.  
Ерни севсанг тириксен,  
Севмай қүйсанг чириксен!  
Замин ила бирик сен!  
Ұшанда зүр, йириксен!  
Сендан бұлсин Ҳаракат,  
Мендан бұлур Баракат.  
Бошқа ишға илгашма,  
Түгри йүлдан адашма!  
Бошқа йүллар жаҳаннам,  
Үнда топурсен барҳам.

Сендан бұлсın Ҳаракат,  
Мендан бұлур Баракат.  
Тер тұқиб, қылсанг мәхнат,  
Эшитмагайсен миннат.

Мәхнат, бил, нозу иеъмат.  
Бекорни босур иллат,  
Сендан бұлсın Ҳаракат,  
Мендан бұлур Баракат

Зардұшт нидосини эшитған кимсалар дилига, ҳатто инグラб  
еттан һимжонлар қалбига ҳәётбахш нафас кириб, бирин-кетин  
уринларидан құзғалиб, тұра бошладилар, бир ерда тұпландилар.  
Ушанда күз күрмаган, қулоқ эшитмаган улкан ҳашар бұлди,  
әгасиз қолған дунё тартибға келтирилди.

Сув үтолмай, қирғоқларидан ошиб-тошиб ётган ариқлар  
лойқадан тозаланды, вайроналар, чолдеворлар йүқотилиб, янги  
имаратлар, уйлар бино қилинди, молларга бошпаналар қурил-  
ди.

Айтиб құйайинки, ҳар баҳорда Наврұз сайли күнлари ҳашар  
ұтказмоқлик ҳам үша замондан қолған қутлуғ таомилдір. Эх-хе,  
халқ ҳашари туфайли қанча төг-төғ чиқындилар, ахлатлар, ифлос  
нарсалар ила тұлиб кетған жойлар покланды, улар йигиб-  
йигиштирилиб, хандак-чуқурлар, ұралар қазилиб, күмиб таш-  
ланды.

Нега күмиб ташланды? Ҳозир-ку, биз бирор бир жойда  
ахлат-чиқынди йигилиб қолса, ёқиб юборамиз. Е бұлмаса,  
тұда-тұда булиб, уюм-уюм ётаверади, устида чивин-паща учиб,  
үйнаб юраверади, жин-ажина, алвасты уя қуради. Ҳамма касал-  
ликлар үша ифлос жойлардан чиқади, элга тарқалади.

Нега уларни Зардұшт ёқишига буюрмаган, құмдириб ташлатған?  
Олову оташ худомиз, тангримиз бұлған-ку, ахир! Қандай қилиб  
қутлуғимизни, улуғимизни ҳаром-хариш ила аралаштириб  
булади?! Мұқадdasлар үз йұлы ила, ифлосу фалокатлар. наслар,  
пастлару нокаслар үз йұлы ила. Чироқларим, буни билиб  
қүйинглар, нақл айтаверай, тинглаб, түйинглар!

Ұшанда одамлар Мехримоға, Тангри Таолога ёлвориб,  
бундан бүён, ҳеч қачон гуноҳ қымаймиз, деб үз тавба-та-  
зарруларини айтғанларида яратған әгам уларға раҳм-шафқат  
ила қаради. Осмон четидан үз жамолини күрсатди. Тангри  
Таолонинг жамолидан оққан нур еру осмонни ёритди, офтоб  
булиб боқди.

Ұшандан бүён инсон боласи оташға, унинг нурига, шу нурдан  
хосил бұлған оловға топинадиган бұлди. Одамлар оташпараст  
бұлди. Тоат-ибодат қилиш учун оташқадалар қурди. Үша оташ-  
қадаларда туну күн, қишин-ёзин олов ёниб турарди. Ҳамма  
үнга бориб, сажда қиларди, мадад сүрарди. Оташқада йүқ

жойларда эса одамлар, қадим аждодларимиз ўз бошларига бирор бир бало ёғрилса, фалокатларга йұлиқсалар, ҳовлиларида ва ёким қишлоқнинг четида улкан олов ёқиб, унга сиғинардилар. Ҳали-ҳали биз ҳам, минг-минг йиллар үтиб кетган бұлсаям, қийинчиликларга, фалокатларга учрасак, касалликка чалинсак, оловга ялинамиз, топинамиз, жину ажиналардан халос бұлиш учун бошимиз узра ловуллаган олов машъал айлантирамиз, мажрух руҳимизни тозалаймиз. Келин олиб келиш учун ҳам машъал ёқиб борамиз, у күёвнинг ҳовлисига киргандаям, отни гулхан теварагида айлантирамиз. Олов балони қувади, танимиз ва гуноҳни ювади...

Эсимда: Агар биз болалардан биронтамиз касал бұлиб қолгудек бұлсак, Нурмомо дархол латта-лутталардан машъал ясаб, мойга ботириб, ёқардилар-да, бошимиз узра ловуллатиб қайта-қайта, гир-ғир айлантирап, шеър түқиб, афсун ўқиб, жин-ажиналарни құвлардилар:

Алас, күллий балодан халас,  
Бадбахт, бу мани құлым эмас.  
Даф бұл, йұқолгин, сассиқ нафас,  
Қочақол тез, чиқармайин сас.

Оә, сен күзіміңга тушган хас,  
Оә, сен шароб сибқорған маст.  
Оә, келдинг бизга қилиб қасд,  
Даф бұл, тезроқ етказма шикаст!

Белинг синсин, сенинг қарс-қарс.  
Бүйнинг синсин, сенинг тарс-тарс.  
Бадбахт, юзинг күйдирсун алас,  
Жазо бұлсин сенга, аччиқ дарс.

Алвастими, жинмисан, йұлбарс,  
Ифлос йұлдан илашғандур хас.  
Шунча қийнатанинг етар, бас,  
Кет-кет, даф бұл, йұқолгин хуллас...

— Момо, Зардұшт қачон ўлган, неча йил яшаган?— Худдиң үйқудан үйғонгандек, ҳикоят оғушидан чиқиб, үрнимиздан құзғолиб-жонланыб сұрадык.

— Зардұшт қачон туғилған?— бир зум ўйланиб қолардилар Нурмомо.—Бу қийиндан-қийин савол. Зардұшт қачон туғилған, қачон дүнёдан үтганини ҳеч ким айттолмайди. Балким ҳалиям тириқдур. Эшитганимизча, Зардұшт осмонга, ҳомийси, ёруғлик тангриси Ҳурмуз ёнига учеб кетган. Тағин нурға айланғану, учеб кетган.

— Нега, момо?

— "Нега?" деб сүрайсизларми? Одамлар одати қурсин! Хулқи атвори қурсин! Одам зоти бу дунёю, у дунё тузалмайди. Энди бу гапларимни қулоқларингта илиб олинглар; у сизларга абадий сабоқ бўлсин!

Одам бошига мушкул иш тушганда тиз чўкиб, қасам ичади, зор-зор йиглайди, ёлворади, эшаги сувдан ўтдими, тамом-вассалом... Бунинг устига қўйргугида бир оз ёф битса, бойиса, уни ёвуғига бора кўрманг! Сизни оёғи билан кўрсатади. Оёғи билан кўрсатсаям майлигаку-я, сузанғич ҳўқиздай кўкрагингдан сузади, копогон итдай оёғингдан қопади... Э, парвардигори олам, шунақа қопогонлардан, шунақа қалби нопоклардан, лаънати олчоқлардан, на дини бор, на ини бор санғим саёқлардан ўзинг асрағайсен!

Шундоғ, чироқларим, ӯшанда, офтоб бир ерда муаллақ тұхаб қолиб, қоронгулик дунёсида одамлар қирилганда, тириклар, нимонлар танҳо Тангридан илтижо қилиб, Мехриофтобдан нур соч, ёғду соч, деб сўрадилар. Тиз чўкиб, қасам ичдилар. Зардўшт юрак-башини қон қилиб, уларга ҳақиқат ва тариқат илмидан сабоқ берди, дилларга ишонч ва эътиқод уругини сепди. Оқибатда нима бўлди?

Кўплар бойиб кетди. Кўплар меҳнат қилмай, ўғирлик юулига ўтдилар, пода-пода молларни, сурик-сурик қўйларни ҳайдаб кетдилар. Ифлослар, мурдорлар кўпайиб кетди: шайвоний, шаҳвоний ҳирсга берилганлар кўпайиб кетди. Яна гуноҳ устига гуноҳ, лаънат устига лаънат ёғилди. Бола ота-онани, ўка акани, сингил опани танимай қўйди. Сенга ким дуст, ким душман айри бўлмай қолди. Қабилаю уруғлар орасида низо устига низо чиқди. Қон тўқилди, кўлдан-кўп бандалар шаҳид ўлди. Эрон ила Турон бир-бирига қарши яна бош кўтарди.

Зардўшт дили зардоб бўлди. Ҳарчанд ҳаракат қилиб кўрди, икки элни яктил ва яқдил қилиб бириктирайин деди, бироқ бўлмади, муроду мақсадига етолмади. Бу дунёдан воз кечиб, Балхдаги муқаддас оташкадага бориб, ўзини ловуллаб турган оловга урди.

Бироқ тағин ривоятлар борким, улар бошқача ҳикоят қилурлар: Бир ерда қўним билмаган, яхши ким, ёмон ким, фарқ қилмаган, на Ватани, на уй-ини бор, на ёътиқоди-дини бор, бир дарбадар қаландар Зардўшт Балх Оташкадасида ибодат қилиб турганида орқадан келиб, уни улкан гулхангир фитиди. Мўътабар зот иғвою фитна, ҳасад ва қасос қурбони бўлди...

Оташдан учқун эрди аслида Зардўшт, тағин унга қўшилдию, ёѓуга айланиб, осмону фалакка, тағъо Тангри даргоҳига, Ҳурмузд ёнига нур бўлиб учиб кетди.

Зардўшт элни беҳад севар эрди, мудом одамлар ғамини ер, халойиқ фаровон ва баҳтиёр яшасин, дер эрди. Олов ёниб, ёғду

бұлиб тарқалар экан, оташкада төвегида түпленган халойиқа  
қараб, у бундай деди:

Азиз әрди бу даргох,  
Шүнча йил бұлдым ҳамрох.  
Энди кетурмен, эвох,  
Бироқ, элим, бұл огох:

Құрқма, дев, алвастидан,  
Душманларнинг қасидидан.  
Йұлнинг баланд-настидан,  
Құрққыл дүст оласидан.  
Юраги қаросидан,  
Үлім шунинг дастидан!

Құрқмагил сув-тошқиндан,  
Олов ила ёңгидан.  
Бүрөн ила тұфондан,  
Тұхмат ила бұхтондан.  
Құрққыл хони, сотқиндан,  
Үлім шунинг дастидан!  
Әзіз бузади нифоқ,  
Уржелар тарқоқ, қочқоқ.  
Біртөн олчоқ, қуюнчоқ,  
Біртөн құрқоқ, құмғирчоқ.  
Ев күнде ўйинчоқ,  
Үлім шунинг дастидан.

Бу дунд ғилиб қүй,  
Шириң-шілдар истак мұл.  
Мафтун түр, ҳүшер бұл,  
Яхши тингіл, қулоқ құя!  
Хою-хавас, штырос.  
Хуруж қылса, яиқиб, бос!  
Ифлослардан бұл халос,  
Тозаларга қүй ихлос!  
Қалбимни қилип злак,

Зардұштнинг құттулғ қиёфаси-суврати, юз ва құзлари нур  
ичрағира-шира қуриңур, шарпаси-ю саси, халойиқа айтаётган  
сұзлари, овозиу уни борган сайин пасайиб, тинур әрди. Бу хил  
огири жудоликдан талвасаю васвасага түшган халойиқ Оташка-  
дадан күз узмай, чидою илтижо қилур әрди:

Үті түшган құшми сен,  
Беҳолу, беҳушми сен.  
Ё бир рүё, гүшми сен,  
Мұтабар Зардұшты сен!  
Ё Зардұшты, ё Зардұшт,  
Фидойисен, ялангтүш!  
Сен-сен бизга ҳақиқат,  
Сени дермиз биз фақат!

Танлаб, айтurmан тилак:  
Ақын-идрок, тафаккур,  
Бириңчи зэгу ният,  
Тирик киши тер тұқур,  
Қонинг тозалар меңнат.

Фақиrlарни қыл тавоф,  
Бош силамоқ, бил савоб.  
Савоб олтиндан қиммат,  
Жаҳлни қүй, қыл қиммат!

Бұлай десанг саломат,  
Қидирмагил каромат.  
Үзи келмайди омад,  
Ишламасаңг букиб қад.

Юр ёмандан узоқда,  
Яхшидан олғыл ибрат.  
Нодон жони тузоқда,  
Гумрохлик гунох иллат...

Ёнса-да үтда жисмим,  
Балким қоладур исимим.  
Гоҳида ёд этурсиз,  
Рұхимни шод этурсиз.  
Шунда "Лаббай!" дегайман,  
Ённегизга келгаймен.  
Сизге омад тилаймен,  
Баланд қомат тилаймен.  
Зэгу одат тилаймен,  
Бахт-саодат тилаймен...

Элга бегона эмас,  
Ёки афсона эмас.  
Рост әрдинг, дуруст әрдинг,  
Инсонға ёр, дүст әрдинг.  
Муқаддас Зардұшт әрдинг,  
Замиңга қүеш әрдинг.  
Осында тутуаш әрдинг,  
Одамларға биш әрдинг.

Ҳам қарогу қош эрдинг,  
Фақирга йўлдош эрдинг.  
Сабр-ла бардош эрдинг,  
Юракка олов берган  
Муборак оташ эрдинг.  
Юрт учун заҳмат чеккан,  
Буюк жафокаш эрдинг.  
Бизни ташлаб кетмагил,  
Кўзни ёшилаб кетмагил!  
Сен бизга қон-жон бердинг,  
Тупроқ эрдик, обу гил.  
Ё Зардўшту, ё Зардўшт,  
Фидойисен, ялангтўш.  
Сен-сен бизга ҳақиқат,

Сени дермиз биз фақат.  
Қўёшдан уққун эрдинг,  
Тунни қувган кун эрдинг.  
Аммо инсон қўлида,  
Хизматкор, тутқун эрдинг.  
Тутқун эрдинг, ҳур бўлдинг,  
Ёниб яна нур бўлдинг.  
Порлаб турган дур бўлдинг,  
Кўкдаги биллур бўлдинг.  
Ё Зардўшт, ё Зардўшт,  
Фидойисен, ялангтўш.  
Сен-сен бизга ҳақиқат,  
Сени дермиз биз фақат!..

Зардўшт ёғдуга айланиб, осмону фалакка кўтарилиб кет-  
гандан кейин хоину сотқинлар, нифоқчилар, фитначилар,  
игвогарлар, олчогу қуюнчоқлар унинг ҳикматлар битилган  
китобини, муқаддас "Авосто"ни ҳам ўтга ташладилар.

Китоб ҳам, Зардўштнинг ўзи янглиғ ёнди-ю, ёғду бўлиб,  
кукка кўтарилиди.

Бироқ, бу қутлуғ китоб, бу ҳикматлар одамлар юрагидан  
урин олган, дилларга жо бўлиб, ёшу қарилар қалбида ёд булиб  
қолган эди.

Мана, минг-минг йиллардирки, ушал мұътабар китобдаги  
ҳикматлар, нақллар, афсона ва ривоятлар оғиздан-оғизга кўчиб  
келур, авлоддан-авлодга ўтиб келур.

Мен сизга айтиб берган ривоятлар ҳам ушал муборак китобдан  
бир шингиллар.

Шингил айтимоқ менга енгилдур, бутун ютмоқ мушкулдур.  
Айтақолай парча, парча. Парча эмас, кичик дебоча... Нақлларим  
қанчадан-қанча. Етар, айтсам, дунё тургунча...

Йиллар ўтар, асрлар кечар, шоирлару оқинлар неча, бири  
қўйиб, бириси ичар, бири тикиб, бириси бичар. Бироқ тугатолмас  
ичиб ҳам, тугатолмас бичиб-тикиб ҳам. Баъзилари узундан-узоқ,  
оёғингита, бўйнингта тузоқ, баъзилари ҳисқа ва ихчам. Шунинг  
учун гўзал ва шинам. Барисини достон қилгайсан, элу юртга  
эҳсон қилгайсан!..

Узилмасин сўзимда арқоқ,  
Узилганлар бўлади тарқоқ.  
Қолганига кейин қайтурмен,  
Ҳаммасини бир-бир айттурмен.

Ҳикмат, китоб ёзилмас дарҳол,  
Минг-минг йиллаб тўқилур мақол...  
Илмни йиг мисқол ва мисқол,  
Кум ичра зар зарраси мисол.

Мева бермас бир йилда ниҳол,  
Томчи-томчи томиб бўлур бол.  
Бир чакраси бўлмасин увол,  
Бир чакраси топмасин завол!  
Ҳикматларга, ўғлим, қулоқ сол!  
Мунчоқ каби ярқирап яқдол,

Битта қўймай, топиб, териб ол!  
Ҳикмат билган дониш, оқсоқол,  
Бил, чирогим, нақл ва эртак,  
Асрларда тўқилган ипак.  
Чўзилаверар агар йигирсанг,  
Хазинадур агарда йигсанг.....

## АЙЁМИ КАМПИРМИ, АЙЁР КАМПИР?

Ҳамал, ҳей, келгил ҳамал,  
Майсалар қилсин амал!  
Офтоб юзингни очтил,  
Булутлар қилмай ҳамал!

Дов-дараҳтлар бўлур кал,  
Ниҳоллар майиб ва шал\*.

Ҳамал, ҳей, келгил ҳамал,  
Одамлар сенга маҳтал.  
Гуллар очилган маҳал,  
Баҳор баҳорга тақал!

Ҳамал, ҳей, келгил ҳамал,  
Қиши тақдирин тез қил ҳал!  
Фаслларга сен аввал,  
Ҳаммасига бўл машъал!

Ҳамал, ҳей, келгил ҳамал,  
Бўрон турса иш ишқал.

Ҳамал, ҳей, келгил ҳамал,  
Гўзаллардан сен гўзал.  
Замин гиламу, баҳмал,  
Тогу-тош кийган зарҳал...

Бу сатрларни ўсмирлик чоғимда Нурмомо тўқиган қушиқ асосида қайта битган эдим. Қариганимда Наврузга бағишилаб ёзган ушбу рисоламга, у ер-бу ерига сал сайқал бериб, қушиб юборишини лозим кўрдим. Шунга қўшмасам, қаерга қўшаман, ҳозир элимга етказмасам, қачон етказаман?

Эсимда: Ўша пайтлар уруш бошланган йиллар эди, фашистлар Ленинградни ҳамал қилган, Москва ҳамда Сталинград остонала-рига келиб етган дамлар эди. Рўзномаларда Россиянинг изғирин, қақшатқич совуғида жавраб, башараларини латта-лутта билан ўраб олган немис солдатларининг расмларини кўриб, у ерлардан жуда-жуда узоқ юртимизнинг майнин, юз-кўзимизни меҳр билан сийпалаб, аллаловчи иқлимига минг бор тасанно ўқигимиз келарди.

Нурмомо мамлакатга фашистлар босиб кирганда, "Уларни Аямажуз юборди" деб бир неча сатрли шеър тўқиган эдилар. Мен ўшаларни тўлдириб, давом эттирган эдим. Мана шулардан бирини қофозга қўчиридим:

Аямажуз-ёлмогиз,  
Бутун бадани оғиз.  
Чиқса қародур кундуз,  
Кўкда қочадур юлдуз,  
Сувда қочадур қундуз.

\*Шал — шол (Бухоро ўзбеклари шевасида).

Бети қурсин — бадбуруш,  
Билгани фақат уруш.  
Малъун фашистга ўхшаб  
Элга қиласи хуруж...

Шу тарзда ҳоказо ва ҳоказо, казо ва казо, шунга ўхшаш ва уйқаш, сўзлар гоҳо сув, гоҳо оғаш, бир-бирига барибир тақовул-туташ, қатор-қатор тизилишурлар, ёндошу йўлдош, саф-дошу қўлдош, қўлдошу қардош...

— Одамлар бадхулқ бўлгани сари Аямажуз ҳам баттар ваҳшийлашиб кетди,— дея тушунтирадилар Нурмомо бизга зочак-қўғирчоқ ясад берар эканлар Наврӯз бошланиши олдидан— қадимги замонда Аямажуз оламни гарот қилишга ер қаъридан чиққану, бироқ одамлар Наврӯз сайли ўтказаётганини кўриб, шумлигини эсдан чиқариб, базмга тушиб кетган. Ҳа, чироқларим, шундоқ вақтлар ҳам бўлган. У замонларда Наврӯз жуда-жуда қизиқ ўтган-да, ахир. Сайил айни авжига минганида келиб қолиб, азбаройи мафтун-маҳлиё бўлганидан Аямажуз ўзини тутиб туролмаган, рақсга тушиб кетган. Ҳозиргидек иккита чўп бирла таёқчани дўмбирага тинғир-тинғир урган билан, ва-ҳаҳа, ва-ҳаҳа қилиб, карнай-сурнай чалган билан Наврӯз бўлтими?

Ў, буталарим, бўталарим, қаёқса кетди ўша дамлар?! Кўзингни чирт юмиб, "Қани, бир ўша манзарани қўрай" десанг ҳам, тушимда қўрай десанг ҳам кўролмайсан.

Нурмомо шунда тоҷикча шеърхонликка ўтиб кетардилар:

Биё, кампир кажкафлез,  
Гаҳи пур кун, гаҳи лаб рез.  
Ба ҳаққи қошуқи ҳамҳез,  
Баҳор омад, баҳор омад...

Мен бу қўшиқни ҳозир сизга айтиб турипман, менга бўлса, ўз вақти-замонида онам билан бибим ўргатганлар. Бир қўлимизда зочак-кампир, бир қўлимизда зочак-чол кўтариб, ҳовлима-ҳовли юриб, "Баҳор омад, баҳор омад" деб хабар қиласардик, хайри-эҳсон олардик, хатми-ош қиласардик. Наврӯз бошланиб кетарди шундан кейин...

Бу тоҷикча нодир қўшиқни Нурмомодан эшитганимда қўйин дафтаримга ёзиб қўйган эдим. Ўзбекчага ўғирганда бундай бўларди, дейман:

Кел, эй, буқри, эгри қўл кампир,  
Гоҳо кам-кам, гоҳ лим-лим тўлдир!  
Тинимсиз қошиқ ҳаққи билдири,  
Баҳор келди, эй, баҳор келди!..

Ха, чироқларим, дам товоқ сари, дам оғзинг сари тиним  
бىлмай құмиirlаб, қатнаб турган қошиқ кимлар елкасига қамчи  
ва оғир юқ бўлиб тушмаган!

Узун қиши бўйи тиниб-тинчимаган бу қошиқ, баҳорга яқин  
қуриб қолади-ку, ахир кўпина хонадонларда. Бечораларнинг  
янги баҳор келишини кутишдан бошқа чораси борми? Янги  
баҳор янги најот ва янги умидлар түгдиради. Қозонинг, товоғинг,  
қошигингни тўлдиради.

Қадим замонларда одамлар Наврӯз сайли чоғида шароб ҳам  
ичганлар. Шул боиски, ўша маҳалларда шакар, шарбат, шинни,  
шароб, ширсут қўйиб дастурхон ясатмоқ таомил бўлган. Да-  
стурхон бошида шам шуъла сочиб турган. Бир чеккага шона  
тароқ қўйганлар. Сочи яхши таралмаган аёллар дастурхон  
атрофида ўтиrolмаган. Улар қўлига шунда тароқ тутқазганлар.  
Ўзига ороиши бергандан сўнг даврага кирган.

— Бу нозу-неъматларнинг ҳаммаси яхшику-я,— Нурмомо таъ-  
кидлар эдилар,— дастурхонга шароб қўйилгани ёмон одат булган-  
да! Аямажузнинг айни муддаоси эрди бу. Одамларга шароб  
ичтириб, улар бошини айлантиromoқ. Шароб ичтиради-ю, шум  
кампир дастурхон тепасига тўпланган жамики кишиларни ёқама-  
ёқа қилиб, уриштириб қочарди. Наврӯзи олам бузилиб, қиёмат-  
қойим бўларди.

Яхшиямки, кейин юрт мусулмонобод бўлди. Да-стурхонга сайил  
кунлари шароб қўйилмайдиган бўлди. Наврӯз кунлари шароб  
ичишдан эл қутулди. Шариат Наврӯз сайлида қадимги оташпа-  
растлардай шароб ичганларни гуноҳкор банда деб билади, халқ  
улардан ҳазар қилади...

Шаробу-май, иблис ичимлиги, чироқларим, катта бўлган-  
ларингда, улгайгачингларда: "Ич, ич!"— дегувчилар қўп булади.  
Лаб ура кўрманг шайтоннинг ҳаром пиёласига! Аямажуз  
тўлдирган пиёла ул! Ўзи кўринмасаям, иблисларини, элчиларини  
юбориб туралур, одамларни йўлдан оздирадур...

Нурмомо нафасларини ростлаб олиб, яна шеър тўқирдилар  
ёки қачонлардир тўқилган шеърларини бизга ўқирдилар:

Офтоб кулиб боқадур,  
Ариқ тўлиб оқадур.  
Баъзи бир оғамларга  
Шароб ичиш ёқадур.  
Шароб ичса тутоқар,  
Ўз дилин, ўзи ёқар.  
Эрта ичиб, кеч ичиб,

Индин яна ютоқар.  
Гоҳ шам бўлиб қотадур,  
Гоҳ гум бўлиб ётадур.  
Бир қултум ҳаром учун  
Имонини сотадур.  
Гоҳ йиқилиб, туродур,  
Гандираклаб юродур.

Борар йўлин тополмай  
Ўнгта, сўлга буродур.  
Аридай гўлдирайдур,  
Куш каби чудидрайдур.  
Этаси ташлаб кетган,  
Битлиқ итдай увлайдур  
Оғзи, бурни кўпиклаб.

Уён-буён қарайдур.  
Маст түядай ярайдур\*,  
Кутургондай талайдур.  
Хокимларни ялайдур,  
Бундайнинлар талайдур.  
Охир оқибат бориб,  
Жаҳаннамга қулайдур...

— Шундоқ бўталоқларим. Аямажуздай айёр, Аямажуздай маккор йўқ бу оламда, ҳар хил қиёфада кўринадур, одамларни ҳар хил кўйта соладур. Дам сувга, дам ўтга ташлайдур. Шунча ҳай-хуйлашиб қувлавайдилар, ҳайдайдилар, сочидан бурайдилар, латта-луттага ўрайдилар. Недирки йўқолса, окурларга, ўраларга, эски гўрларга кўмарлар, бироқ яна қайта-қайта тирилиб ҳар йил баҳор пайти, майсалар кўкарган, гуллар очилганда уясидан чиқадур. Атроф-теваракка ҳамла қиласадур, гулларни казон, экинтекинларни пайҳон этиб, юладур. Тўзон ва тўфон вақтларида ўшал маҳлуқни кўрганлар бор, дейдилар билағонлар. Қаро қуюн бўлиб учиб юрар эрмиш, соchlари пахмоқ ва тўзгин, осилиб, белига буралиб, оёқларига ўралиб юрар эрмиш. Аёлларга ўхшар эрмиш. Шул боис уни Алвости момо, Алхотун деб ҳам атамишлар.

Бул хусусдаям қўшиқлар бордур, одамлар тилида қатор-қатордур:

Алхотун алвостиidor,  
Фалакнинг маст-аластиidor.  
Одамзоднинг қастидур  
Ер-осмон шикастидур.

Алхотун, олгир хотун,  
Ваҳима солгир хотун.  
Сув бўлиб босгир хотун,  
Ўт бўлиб ёнгир хотун.

Сув хотун, султон хотун,  
Сояси майдон хотун.

Элни авайлаб ўтса,  
Мард ила мардон хотун.

Кув хотун, қингир хотун,  
Аёзи зир-зир хотун.  
Қайси кун тингир хотун.  
Ичи-сирти сир хотун.

Ёл хотун, ёлгон хотун,  
Емиши ёвғон хотун.  
Бир умр тиним билмай,  
Саргардон-сарсон хотун...

Замон-замон оша ёшини яшаб, ошини ошаб, алмисоқдан қолиб келаётгани учун бирорлар уни Тул момо ҳам деганлар. Совуқ ва изгирин олиб келгани, қор пуркагани, сел ва дўл ёғдиргани учун Муз момо ва Сув момо ҳам деб юритганлар. Шамолдай тизгинсиз изгиб, бўрондай ўкириб-бўкириб, ялло қилиб

\* ярайдур — гап түяларнинг жинсий уйгониш даври ҳақида кетади. (Чорвадорлар тили, шевасида шундай сўз бор.)

юргани учун Ялла момо ҳам дейдилар. Алла айтсам, ялла айтсам, тинчирму деб, одамлар шунақа умид қиласурлар. "Ялла момо" құшигини айтадурлар.

Айём ожуз ҳам дерлар ул шумни. Ожуз, деб кампирни айтадурлар. Билиб қўйинглар, чироқларим. Ул қўзғолиб қолгудай бўлса, эл ора камида бир ҳафта изгиб юрадур. Шул боис "Айёми ожуз — кампир кунлари", дейдурлар.

Аямажуз вақти-вақтида Баҳри уммон остидан чиқиб, қорли тоғлар бағрида ҳам яшайдур. Қоп-қоронғу форми, ғоратми, гўрми-лаҳатми, кулба ёки ертула, шумга жой қаҳатму?

Ўша жойдан, ўша ғордан бошланади ҳар сафар дағдағаю гулғула. Одамлардан Шум момо нечоғлиқ бўлсаямки, йирогу-узоқ, не-не азаматлар, не-не полвонларни тутар, қўйиб йўл узра тузоқ...

### АЯМАЖУЗ ВА ҚОРАЁВУЗ, ҚИРҚБИР ШОТИР ВА ЧОРМИРОБ БОТИР...

...Тоғларда қор қатламлари қанчалик уюлганлигини билмоқ учун кетган мираблар, қир ошиб, дара ошиб баланд чўққига кўтарилилар. Улар тўртовлон эдилар. Бирисини Улуғ деб атардилар, тагин бирисин Тўлуғ. Арслон ва Қалқон деган исми бор эди учинчи ва тўртинчисин.

Ўҳ-ҳӯ, қандай гўзал бу гўшаю гулшан, нурда товланган қор шуъласидан ҳаммаёқ равшан.

- Бу тоғ эмас, таянчимиз, қарогимиз-кўзимиз!
- Бу қор эмас, насибамиз ризқимиз ва рўзимиз!
- Қор бўлуғdir — дарёлар тўлуғ!
- Дарёлар тўлуғдур — экинлар бўлуғ!
- Экинлар бўлуғдур — омборлар тўлуғ!
- Омборлар тўлуғдур — эл-юртимиз тўқ!

Тўртовлон ўзаро шу зайл мулоқотда эканлар, кўк юзини булат ўраб кела бошлади, чўққиларни қўққисдан туман қоплади, ҳора соя ётди. Тўрт мироб келган йўлини йўқотди. Улар пай-паслаб, пастга тушмоқ учун бирор-бир йўл излар эканлар, рўпараларида бесунақай, даҳшатли ва таҳликали кўланка қад кўтарили, тимтик қотди. Гуё уларни уйқую-гафлатдан уйғотди. Тоғлар оралиғидан қўпол ва дағал шарпа эшишилди, гуё тошлар тешилди:

Ҳали қиши чиқмасдан, бунча бемаҳал,  
Қадам қўйдинг тоққа ва ёким ажал  
Ҳайдаб келмиш сени, беидрок инсон,  
Мана, керак бўлса, ол, сенга эҳсон!

Тўрт миробнинг оёғи остида музлаб ётган қор қатламлари тарс-тарс ёрилиб, парча-парча бўлиб бузилиб, бир-бирларидан узилиб, пастга нураб, қулай бошлашди.

Қуюқ туман орасидан яна ўша дўрриқ ва йўғон — бесўнақай заҳарханда овози-саси чиқди:

Ўзим борардим-ку, бунча шошурсен,  
Тоғдан девор қилдим, ундан ошурсен.  
Қул бўл менга, инсон, ошингни ерсен,  
Итоат қиласанг босингни ерсен!

Мираблар қўлларига қилич ва қалқон олдилар, кўланка сари ўқтолдилар. Бироқ қилич ҳеч кимга тегмасди ва ҳатто туман бўлиб бурқсанган ҳавониям кесмасди. Аммо ҳамон ўша дағал ва дўрриқ, ҳўрқинчли, ваҳимали овоз эшитиларди:

Дерсиз мени шум кампир — ожиз,  
Лек эмасмен ҳеч қачон ёлтиз.  
Атрофимда қирқ бир югурдак,  
Қирқ бир шотур, қирқ битта айғоқ.  
Бари ботур, бари довюрак,  
Кундуз уйғоқ, тунлари уйғоқ...

Мираблар юзларига совуқ сув сепилгандай сесканиб, рўпараларида ким турганини англаб олдилар:

Билдик, билдик, Аямажуз сен,  
Ёвузсену, бироқ ожузсен.  
Энди сени бундан излармиз,  
Топиб олиб, сўнг бўғизлармиз...

Аямажуз яна пўписа, яна заҳарханда қилди:

Онамнинг тўнгичимен.  
Қозоннинг қиргичимен.  
Қиличнинг тир-учимен.  
Чопгучи, қирғучимен.  
Дўл бўлиб ётгучимен,  
Чақиндай ёнгучимен.  
Гулдуракдан кучлимен,  
Ваҳима солгучимен,  
Оlamни олгучимен.

На уйим бор ва на элатим,  
Шамол отим, довул қанотим.  
Ҳеч ким менга кела олмас бас,  
Бирор ёқдан эшитилса сас.  
Ўша соат ва ўша нафас,  
Келгиндини излаб топурмен.  
Олов пуркаб уни ёкурмен,  
Яхоб пуркаб муз қотурмен...

Гоҳо құнаб, қақ-қақ уурмен,  
Баъзіда сув, ё ўт бұлурмен.  
Гоҳо газабға лиқ тұлурмен,  
На сұлурмену, на ўлурмен...

Аямажуз бу қоядан у қояга сакраб-сакраб, бутун вужуди  
иля титраб ва титраб, тиш ва жағлари қалтираб-қалтираб,  
миробларга дүк-пўписа қиласы ҳамон қақшаб:

Истасам ер осмон ила қопишур,  
Аҳли инсон, ҳайвон қоврилиб, пишур,  
Оlam буткул күйиб бұлур тап-тақири,  
На тог қолур, на бөг қолур ва на қир.  
Вайрон бұлыб фалак аслига қайтур,  
На сув қолур, на ер қолур ва на нур.  
Танҳо тухум қўйсанги бир бурчагига,  
У бурчакдан қараб турсанг, кўринур.

Шу топ мироблар ҳолсизланиб, бушашган қўлларидан қилич  
иля қалқонлари тушди Чийиллаб, изгирин турди, қор тўзгиб,  
кўзларни тўлғизди, шамол хуштак чалди, тўртовлон қоядай  
қақайиб, яна тимтик қотиб қолди.

Нурмомо ҳамишаги одатларига кўра, ҳикояни шеъру ашъорга,  
шеъру ашъорни қўшиққа айлантириб юбордилар:

...Ҳали-ҳали ўша чўққилар бордир. Эгилмайин, тимтик ҳолда  
қотиб қолгандур. Ҳамон букилмай, қад кутариб турадур. Атроф  
теваракни сергак булиб кузатадур, курадур. "Посбон чўққи" ва  
"Чорчўққи" деб ҳамма айтадур. "Чормироб" ҳам дерлар. Гоҳи-  
гоҳида "Чорминор" ҳам дерлар. "Чорминор" эмас, "Чормироб"  
аслида. Қадим-қадимда элу-юрг учун оби ҳаёт қидириб борган,  
қурбон бўлган тўрт мироб ўшал чўққи, ўшал қоядур.

Улардан кейин ҳам неча-неча мироблар сув излаб, қор  
қалинми ёки саёз ётганини билмоқ истаб, ўша тоғларга  
кўтарилганлар. Булардек тўртовлон эмас, юзлаб ва минглаб  
бўлганлар. Бироқ, улар қани? Улар ҳам Аямажузнинг совуқ  
нафасига учраб, музлаб, тош ва қоя булиб қотиб қолганму?

Тоғларда қизил ранг қоялар бор, қизил ранг тупроқлар бор.  
Дарёлар сувиям гоҳи-гоҳида қизил қои қўшилгандаи булиб,  
оқадур. Бу ўша қутлуғ мироблар қонидур. Шул боис "Улуғ  
ато" дерлар, "Қутлуғ ато" дерлар, "Қалқон ато" дерлар, "Арслон  
ато" дерлар. Бу номлар мангу ўчмас, эл дилидан асло кўчмас...

Эшитдингизларми, чироғларим, Аямажуз шундайин шум, шун-  
дайин баттол, эри ундан ҳам баттар, одамхўр, қаттол. Бечора-  
ларга озор беришдур қиласиши, уй ва туй талашу эл-юрг  
бузишдур юмиши. Наврўзимиз, ризқу-рўзимиз, молу-ҳолимиз ҳар

йил, ҳар баҳор, улар дастидан бұлур пайқону-поймол. Шул боисдан азал-азалдан Аямағуз әрига Қароёвуз ном бердилар. Ойдин күнлар, ёрқин түнлар үғриси деб билдилар. Қароюрак, ёвуздият кишилар бул қароқчига дастёр, тайёрга айёр эрдилар. Чигирткадай ёпирилиб әлга, текин томоқ ердилар. Барбод бұлур әрди гул сайдимиз улар дастидан. Ҳеч ким келолмасди шум шотирлар бастидан, кечаю кундуз юрсаям орқасиу қастидан, юз карра, минг карра ҳийлагар әрди улар, ҳаттоқи ажинаю алвастидан...

Қаерда яшар бой ила савдогар, қаерда юпуну-камбағал, ким латтаю жаңда кияр, ким кимхобу заржал. Қайси үйда бор жонону гүзәл, ҳовли босмоқ керак қай маҳал. Қайси жойда бұлғуси түй, қайси яйловда семиздур йилқи-қүй. Қайси әлда бор низо, қайси әл иноқ. Қайси әл тарқогу, қайси әл иттифоқ...

Теварап-атрофда яшаган ҳар одам қиёфаси, афти-ангөр ан-дозаси, әл аро овозаси, очиқми, ёпиқми дарвозаси, үйларда неча әшиқ бор, неча түйнүк, неча тирқиши-тешик бор. Нече бола туғилмиш әлда, тебраниб турадиган неча бешик бор...

Ҳидлар әрди, тинглар әрди қирқ бир бурун ва қирқ бир қулоқ, ютмоқ истар барчани бир шум кампир ялмогиз ила қирқ бир галамус томоқ. Қароёвуз қароқчию, қирқ шотур-айғоқ...

Әлга от қүюрлар, бошланур қиёмат-қойим, бир-икки әмас, ҳамиша, доим. Бири йиртқич бургуту, бири қоп-қора булат, урқо-уру, сурқо-сур, унисин үиқиту, бунисин тут, бирин ямлаб, бирин ют...

### МИНГ БИР ЛОЛА — ҚИЛАДИ НОЛА

Лола одам билан бирга әгизак түғилған, чироғларим. Табаррук гул ул, бу баҳордан у баҳорға қадар соғинар уни күнгүл. Қадим ота-боболардан қолмиш таомил, күклам фасли Лола сайли үтади ҳар йил. Боринг, бұталарим, тоғлар бағрида, булоқлар бошида үтмоқда тағин сайил...

Йұлда бирдан тұзон-тұполон күтарилди, аммо қандай тез келған бұлса, шунчалик тез тинди. Момақалдироқ гулдираб, чақмоқ ялтираб-ялтираб, үтиб кетди. Сүнгра сел қүйди. Биз, болалар, дараҳт осталарига, пана-пастқам жойларға үзимизни урдик. Лекин катта ёшли, соқол-мұйловли одамлар баш кийимларини ва күйлакларини ечиб ташлаб, әлғиз иштонда үзларини қүйилаёттан сел остига олдилар... "Оби-раҳмат, оби-рақмат!" қиңқиради улар гұдаклар сингари, севиниб, "Келинглар, болалар оби-раҳматта чүмилинглар. Сизга баҳт ва омад әр булади,

бошингизга барака ёғилади, чопинглар, баракаю-бахтдан қуруқ қолманглар!"

Оби-раҳматта чумилганлар орасыда Султонбобо ҳам бор эди. Үзіда йүқ ҳұрраму шод эди. Оппоқ соч-соқолидан оби-раҳмат томчилари ҳамон томиб турар экан, йүл-йүлакай, дұмбира чертиб, құшиқ түқири:

Төр бағридан үйнаб чиқар шалола,  
Қип-қызыл қаманзор иккала қирғоқ.  
Қояларни тешиб чиққандур лола,  
Адирларда мавж уради қызғалдоқ.

Баланд өмірларда яшнап қызғалдоқ,  
Томлар тепасыда ёнар қызғалдоқ.  
Алвон либос киймиш атроф, ҳаммаәк,  
Кел, э, наврұз өзінде, келақол ўртоқ!

Султонбобо түқайзорга, Зарафшон буйига қайрилди, күм-күк майсалар аро, илдам қадам ташлаб борар экан, құшиқ охангиниң үзгартариб, үз юришига мослаштириб яна дұмбира черта кетди:

"Сен кимсану, мен кимман?"  
Үтиб кетди Ахриман.  
Ёрадур оби-раҳмат,  
Тиілле, биллурдан құммат.  
Күрбонлика қүйинг сүй,  
Бошлансын тантана, түй!  
Қозонларда пишар бүй,  
Дүстлар бұлинг рүбәрүй!

Ялтираб үтди қақмоқ,  
Ёмғир ёғ, үймоқ-үймоқ.  
Намда йүргилиб тупроқ,  
Майсага тұлсина құмлоқ.

Қайсиси үт, қайси гул,  
Бинафша ёки сүмбул.  
Зарпекамы, бойчечак,  
Сомса қылсакмы, бичак.

Бойчечакни изи бор,  
Яшнаб турған күзи бор.  
Ер қаттықми ё юмшоқ,  
Тош кесар илдизи бор.

Кундуздай ойдин кеча,  
Сана, үйнаган, неча?  
Гуллар гули бойчечак,  
Чакканға тоқ келинчак!  
Үйнокладай құзичоқ,  
Кишинар келади тойчоқ.  
Мен ҳам чиқарыб қарчоқ,  
Гул терай құчоқ-құчоқ.

Үнг ёққа қайрилиб боқ,  
Сүл ёққа қайрилиб боқ.  
Яшнаб кетипти үтлоқ,  
Яйраб юрайлик ўртоқ!

Эх, нақадар тотли ва сұлым дамлар бу! Еру осмон, түрт томон дағаю қир, түқаю тақир нурға юғрилиб, күйга тұлиб кетгандай. Майин эсаётған еллар қанотида яна қандайдыр сеҳрли күйлар учыб келиб, бахши дұмбираасининг жаранғты ила құшилиб, үнга ҳамоғанг, оміхта булып әшитилаётгандай. Ҳа, ростдан ҳам бу күй, бу құшиқ қаёқдан, замин қаъриданми ёки фалак

бағриданми? Балким мозийдан садодур, аждодлар рұхи берәтган сазодур. Балким дарё ёқасидаги ҳу, анови мажнунтоллар тағидан күтариластган нидодур, икки ёш юрак бир-бирига шайдодур:

Қани, қулоқ беринг:

Ҳай ёр-ёру, ҳай ёр-ёр,  
Құтлуқ айёмға алёр.  
Құвнаб айтайлик гулёр,  
Баҳор бизга мангы ёр.

Ҳай ёр-ёру, ҳай ёр-ёр,  
Ғанимат күрмөқ дийдор.  
Учрашғанлар баҳтиёр,  
Учрашмаган бесқарор...

Ҳай-ҳай ёру, ҳай-ҳай ёр,  
Сенға булибмен хұштор.  
Әрілмасин, құнглим тор,  
Дардимни қиласай изҳор.

Ҳай-ҳай ёру, ҳай ёр-ёр,  
Құлма ишқимни инкор.  
Чертма, узилмасин тор,  
Созлаб чалолсанг—дутор.

Ҳай-ҳай ёру, ҳай ёр-ёр,  
Гулға тулипти диёр.  
Узма бекордан-бекор,  
Узилған гул бұлур хор.

Ҳай-ҳай ёру, ҳай ёр-ёр,  
Кетмай тур, зинхор, баҳор!  
Ҳар субҳидам, ҳар наҳор,  
Құлогингітта гапим бор!..

Султонбобога әргашиб, унинг сеҳрли дүмбираси күйлари ва құшиқларини тинглаб борардик. Осмондан құшлар овози қуюлди. Беихтиёр құкка тикилдик. Құклам дарапчилари турналар узоқ-узоқлардан, жануб ёқлардан қатор-қатор бұлиб, секин-аста, шошилмай учиб келишар, шодон құшиқлар айтишар, бир-бirlарига жүр, ҳамоҳанғ күйлашар эди.

Султонбобо турналарга бир қараб олди-да, яна күйлашға түшди:

Турналар қурей-қурей,  
Тұрғай чұлдир-чұлдерей.  
Қайда сұқмоқ, йұлдурей,  
Оәқ ости гулдурей.

Турна қатор тузурей,  
Үрдак каби сузурей.  
Құшиғи "қурей-қурей"  
Тингласанг күп ҳузурей.

Турналар қурей-қурей,  
Ётма, ўрнингдан турей.  
Енгіл ел эсодурей,  
Қув, кетидан югурей.

Турналар гурри-гурей,  
Қайта бориб құнурей.  
Құзлар ұтдай әнурей,  
Қанотлари құнгурей.

Турналар қурей-қурей,  
Күчган эди бултурей,  
Хаво гулдур-гулдурей,  
Донга даланг тұлурей.

Турналар арқон-арқон,  
Құқракларидур қалқон.  
Ёў учраганда чаққон,  
Җүқиб қылурлар талқон.  
Турналар қурей-қурей,  
Қув кетидан югурей...

Дарё бүйидаги Наврұз тепа (ҳозир Абумуслим тепаси) тағига етиб борганимизни билмай қолибмиз. Бу ерда ҳам қозонларда ҳалимаю-ҳалиса ва шұрво қайнар, сомса-бұғирсоқ пишарди. Турли-туман шириналар ва құғирчоқлар сотиларди. Бизга үхшаган ёш-яланг болалар хилма-хил ранғта бўялган тухум уриштиради. Мовий осмонда варраклар шоҳ ташлаб үйнарди.

Эсімда: Султонбобо уларга узоқ-узоқ термулиб, сұнгра құшиқ тұқиб, бизга ұргатған эди:

Бодваррагим, бодваррак,  
Осмондан бергіл дарак.  
Булулардан ўтармен,  
Бўлиб ўссам довюрак...

Бодваррагим, бодваррак,  
Қанотинг қоғоз-мурғак.  
Шамолларни кесиб ўт,  
Суякларинг темирдак.

Бодваррагим, бодваррак,  
Эмассен менға әрмак.  
Парвоз қил, билиб келіп,  
Қайдан чиқар гулдирак.

Бодваррагим, бодваррак,  
Тилаймен сендан тиляк.  
Осмон сириң билиб қайт,  
Хушәр бўлиб ва сергак.

Султонбобо бизни Қайнар булоқ бошига олиб үтди. "Юринг, болалар, Сизларга париларни күрсатаман" деди. Дарқақиқат, у ерда бир тұда қызы болалар қий-чув солиб үйнашар, құлларидағи күзани сув ила тұлдириб, булоққа термулиб, құшиқ айтишарди:

...Ҳам онамсан, ҳам отам,  
Роз айтгани келдім мен.  
Үтган йиллар айтудым,  
Боз айтгани келдім мен.  
Сенға ҳамоҳанг бўлиб,  
Соз чөртгани келдім мен.  
Сув бошида Сулаймон,  
Сендан мадад тилайман.  
Қайдан келди шум юлмон,  
Қайга қочди минг гүлмон?..

Бегона кишилар қадами овозини әшитиб, қызлар ҳүрккан құшлар сингари гуриллаб, үринларидан турдилар, кийик каби безовта бўлиб, сергакланиб, қочишига ҳозирланиб, дам бу ёқقا, дам у ёққа юрдилар.

Эсиз, эсиз ва минг афсуским, шундай қызғын йигин бузилди. Афсусланганимизни Султонбобо сезиб: "Сизларга бу париларнинг құшиғидан ҳам яхшироғини айтаб бераман",— деди-да, қызларга халақит бермаслик учун бизни тепаликнинг башқа томонига бошлаб үтди.

Бу ерда дарё бўйида катта-катта харсангтошлар бир-бирига

қалашиб ётарди. Ҳар биримиз битта тошни эгаллаб, унга миндик-да, оёқларимизни оқаётган сувга узатиб, яхшилаб ўринашиб олдик.

Биз ўз жой-жойимизни топганга қадар, Султонбобо дўмбира торларини чертиб-чертеб созлади, бир оз сукунатдан сўнг ривоят айтишга киришиб кетди:

...Вақти замонида бу ерлар жуда обод бўлган. Сал нарида, ҳув авави Шаҳри вайрон аталмиш харобалар ўринида Барбар деган қалъаи азим бўлган дейди ота-боболар.

Юртимизда энг катта Лола сайли қадим-қадимдан ҳамиша уша ерда ўтган. Қалъанинг теварак-атрофи қип-қизил қизғалдоғу-лола билан қопланган. Дейдиларки, бу кўхна қалъани Аямажуз ва унинг эри Қораёвуз Қароқчи ва Қирқ яроқчи — шотурлар бузган.

Ўша топда, улар ёпирилган чоғда Лола сайли ўтиб туради. Дарё бўйида қирқ қиз ҳозиргидек сувдан баҳт сўрабди. Шунаقا одату удум бўлган аждотларимизда. Баҳорда булоқда қайнаган ва ё ким дарёдан оқсан сувдан баҳту иқбол сўраб, фол очганлар. Мавж урган тўлқинларга, ойнадек сувга термулиб, мұъжиза қидиғранлар, келажак кунлари ойдинми ёки қоронгулигини билмоқ истаб сувга сир айтганлар, сувдан мадад сўраганлар.

Ўша қизлар қўшиғини авлодлар ҳозирга қадар айтиб кела-дилар, мана, болаларим, эшитинг:

Булоқ бошида қирқ қиз,  
Лаблари худди қирмиз.  
Фариштами ё юлдуз,  
Билиб бўлмайди ҳаргиз.

Булоқ ойнадай тиниқ,  
Такрор-такрор қарайман.  
Наҳотки, баҳтим синиқ,  
Ёрим кутарми интиқ?

Киприкларинг тийра-тиғ,  
Худди ўқланган милтиғ.  
Насиб қилар чимилдиғ,  
Кўрпа-тӯшагинигни йиғ!

Сувда сузади ўрдак,  
Кўкда учади ўрдак.  
Ерга йўлиқмөқ учун,  
Йигитга керак юрак.

Дўлпли кияйми, телпак,  
Қўшиқ айтайми, эртак?  
Вафосиз ёр ишқида,  
Бўлмасанг бунча тентак?

Осмонни юлдузиман,  
Булоқни шўх қўзиман.  
Фариштани ўзиман,  
Элимни ҳур қизиман...

Лола сайлига тоғлар оша қалдирғочлар ҳам учиб келар экан. Шунда қизлар осмонга термулиб, қалдирғочларга қараб қўшиқ айтишар экан:

Қалдирғоч бизга қардош,  
Қаноти қызларға қош.  
Аёзға беріб бардош,  
Олиб келади қүеш.  
Яхши күнингда йўлдош,  
Ёмон күнингда йўлдош.

Сойдан учған қалдирғоч,  
Тоғдан ўтган қалдирғоч.  
Қанот қоқсан қалдирғоч,  
Менга боқсан қалдирғоч.  
Элчимисан ё тилмоч?

Қуёш нурингни тез соч!  
Булут ўйингта тез қоч!  
Баҳор күчогингни оч!  
Ўйнайлик ёзиб қулоч,  
Кувнайлик керіб қулоч.  
Ўзинг асли чиройли,

Қалам қошли, сунбул соч.  
Кокилингми, ёки тож.  
Ёринг бўлиб киройи,  
Бирга учайин дойим,  
Бормикан шунга илож?..

Лола сайли авжга мингандай пайт эди. Қизлар ўйин-кулгу, улан айтиш ила банд эди. Осмондан тушдиму, ердан чиқдими, булоқ бошида қаро ёвуз қароқчию, қирқ яроқчи пайдо бўлди. Солиб, шовқин-сурон, пастга, булоқ томон, тоғдан қояларни қулатиб, харсантошларни юмалата бошлади. Сўнгра ўзлари сакраб-сакраб учиб, қиз бечораларни қучиб, уларнинг буйин ва гарданларига сиртмоқ отдилар, ҳаммасини банди қилиб, отларига ортдилар.

Булоқдан ўзига толе тилаган бояқишиларни горга олиб бориб, Аямажуз оёги остига отдилар.

Аямажузнинг бундай гўзалларни куришга кўзи, улар ила сўзлашга сўзи йўқ эди. Дилица: "Қароқчилару яроқчиларга ҳам насиб қилмасин булар",— деди: Сўнгра буюрди: "Яланғочлаб, ҳаммасини қояларга боғлаб, осинглар!.. Сўнгра қайтиб яна элатга, қолганларни босинглар!"..

Ботур-ботурлигини қилур, шотур шотурлигини. Худди ўша замоноқ, қайдада бошу, қайдада оёқ, қизлар кўрди тоғда ўзини, йўқотибон эси бирла ҳушини, ёпиб шаҳло кўзини... Тоғда ўсган минглаб туп лола, ғам-андуҳдан эзилиб, тоҳ үнгта, тоҳ сўлга эгилиб, бошлади нола...

Олис-олислардан, қайси томондан, қочиб аждаҳодан, илондан, золимлардан, ёмондан, мингандай отларини қистаб ва қичаб, нур сочар қанотларига баҳор опичлаб, ҳорғин учиб келар эрди гала-тала қалдирғоч, балким чанқагандур, балким қорин оч...

Қўрдиларки, қояларда қизлар-яланғоч, керіб шиддат ила қанот ва қулоч, отилдилар тошдек шотирлар сари, қўрқишиб қуён сингари қочдилар улар бари. Қалдирғочлар дам занжир бўлиб тизилишарди, дам улкан бир муштдай тўп бўлиб йигилишарди, сўнгра яна қайтиб, сафларин узишарди. Бигиз қилиб тумшуқларин ҳар бири, қароқчи-яроқчилар кўзига тиқишарди. Аямажуз қараб турарди гор ёқасидан, кўзлари чиқай, деб ўз косасидан...

Билдики, ноchorдур шотурлар ҳоли, тариқча қолмади ма-  
дор-мажоли, тиши йүқ оғзини қилиб дарвоза, бутун кучин  
йигиб, кучаниб тоза, изгирип пуркай кетди, муз пуркай кетди.  
Бир эмас, икки эмас, юз пуркай кетди. Қора аёз тизиллаб,  
изгирип ҳам ғизиллаб тезда нишонга етди. Қалдирғочлар  
қочдилар тұзғиб ҳар томон, қызлар қалтирашди, жавраб, қочиб  
тандан қон.

Сүнгра улар музлаб қолди, қалдирғочлар ҳам. Лолалар қадди  
букилди, ғамдан бұлди ҳам. Қайроқдек қотди шунда барчаси,  
хатто тошга илдиз отган тоғнинг арчаси...

"Қирққиз қоя" дерлар, "Қалдирғоч қоя", "Минг бир лола"  
дерлар ул чүкүларни. Йиғлаб-нолиши қиласар, эслар неларни.  
Ҳар қояда бир қызы топди мангү-құнимни, бироқ ҳеч ким  
равшан-аниқ күролмас уни, на кундузи бор бу тоғнинг, на  
кечаси, туни. Қояларга тоx оқ булут либос, қора булут үар  
уларни нокос. Шарму ҳаё азал одамга мерос, яланғоч бўлгандан  
қолади ихлос. Ўша-ӯша қадим замондан буён, "Минг бир лола"  
бирла, "Қалдирғоч қоя" ва "Қирққиз қоя" қўшни-ҳамсоя; биро-  
бировга таянч, ҳимоя.

Йүқ, бўталоқларим, улар тош ва муз бўлиб қотган бўлсалар-  
да, тирикдурлар, халқ ғами ила нафас оладурлар, тоғларга  
тезроқ кўклам келишини, бу жойларга юртдошлари қадам  
ранжида қилишини қиши бўйи орзиқиб, соғиниб, қўмсаб кута-  
дилар, гоҳи-гоҳида жонланиб, ўринларидан қўзғолиб қоладурлар  
ва яна тез кўздан ғойиб бўладурлар. Кўрган кўрадур, кўролмаган  
кўз иириб, бармоқ сўрадур. Ҳаммагаям насиб қилавермас бул  
асилзода зотлар ёруғ сиймоси, қутлуқ назари. Нолойиқлардан  
ҳазар қиладурлар улар. Кимгаким кўриш насиб этса, ӯшал одам  
назаркарда бўладур, иши ўнгидан келадур, йўлида ҳамиша омад  
ёр бўлиб, бахт йўлайдур.

Улар ӯшал мўътабар мираблар ва қутлуғ қызлар ҳаракатга  
келиб, одамлар кўзи олдига фақатгина намоён бўлиб қолмай,  
аҳён-аҳён овоз чиқариб сўйлайдурлар, секингина хиргойи қилиб,  
севган қўшиқларини куйлайдурлар. Айтмабидим, ул қўшиқларни  
сизларга?

Ҳа, чироқларим, ҳар баҳор кириши олдидан ӯшал мўътабар  
мираблар ва қутлуғ қызлар тоғ ёнбағрига бориб, қўшиқ айтганлар,  
баҳорни соғинган кўнгул дардини изҳор қилиб қайтганлар. Ана  
ӯша қўшиқ гарчи мираблар қояга айланиб қолган бўлсалар-да,  
ҳар кўклам арафасида тошлардан чиққан садодай, тирилган одам  
бошидан чиққан сазодай эшитилур ва енгилгина эсган еллар,  
ҳур-ҳур шамоллар қанотида элларга етиб борур, дилларга етиб  
борур. Мана ӯшал қўшиқ, эшиting, бўталоқларим:

Тоглар усти муз ва қор,  
Ер мудрайди бемадор.  
Эл кутади оч-наҳор,  
Ҳамма сенга интизор.  
Қачон бўлурсен бедор,  
Қачон келурсен, баҳор?

Қўклам кўнгли сахий, кенг,  
Ер ила осмонга тенг.  
Қучоқ очиб, ёйиб енг,  
“Қани, тезроқ келтил!” — денг.  
Қишининг қўйни, уйи тор,  
Қачон келурсен, баҳор?

Ухлаб ётган жононсен,  
Томирда оққан қонсен!  
Чарчаб ётган дәҳқонсен,  
Ҳам бөғбонсен, чўпонсен.  
Үйғонмасанг эл ночор,  
Қачон келурсен, баҳор.

Қайнар булоқлар қайда?  
Яшинар ўтлоқлар қайда?  
Қўзи, улоқлар қайда?  
Қишинар тойчоқлар қайда?

Тўлиб-тошиб, сервиқор,  
Тезроқ келгайсен, баҳор!  
Сенга асирудур дилим,  
Сўзламакка лол тилим.  
Юрагим тилим-тилим,  
Азизгинам, севгилим,  
Қўришайлик тез дийдор,  
Қачон келурсен, баҳор?

Севгимга бўлиб иқрор,  
Билдирай тақрор-тақрор.  
Фақат қилмагил инкор,  
Кел, жонгинам, кел, дилдор,  
Кутар дилим бекарор.  
Қачон бўлурсен бедор?  
Қачон келурсен, баҳор?

Гулдай гўзал юртим бор,  
Азалдан сенга хуштор,  
Мудом жамолинита зор,  
Келавер тақрор-тақрор.  
Бирга чертайлик дутор,  
Бирга айтайлик ёр-ёр.  
Қачон келурсен баҳор,  
Қачон бўлурсен бедор?

Э, нимасини сўрайсиз, чироқларим, бу барака байтларга,  
қўш-қўш сатрларга, қутлуғ қўшиқларга қулоқ берган, мўътабар  
мироблар чертаётган дўмбираларнинг сеҳрли оҳангларини эшит-  
ган, тоғда уюм-уюм бўлиб ётган қор қатламлари, муз қатламлари  
эрибгина қолмай, қоя тошлар ҳам симбодай эриб, сувга айланар  
экан.

Шундан сўнг тоғ ёнбагирларидан, чуққи тошлар остидан  
отилиб, қайнаб чиқаётган булоқлар ёнига тепа қоялар орасидан  
ирмоқлар келиб, қўшилиб оқар экан. Қўшилганлар дарё бўлиб,  
тағин булинниб, тармоқ бўлиб, далалар, боғу бустонлар сари  
чопар экан, белоён водийлар ва ҳатто чулу биёбонлар ҳам  
чеккасига гул тақар экан.

Бундан хабар топган, бундай гулшани кўрган шум Аяма-  
жузнинг юрак-бағри тоғ муздек қотар, тоғ ўтда қоврилиб,  
ёнар, тутоқар экан...

### СУСАМБИЛ САЙЛИ

Султон бахши "Минг бир лола" бирла "Қирққизқоя" ва  
"Галақалдирғоч" ривоятини тугатар экан, "Дўмбира торларига

шикаст етмадимикин" деб уларни синчиклаб күрди, сұнгра авайлаб, юмшоқ майсалар устига қүйди.

Биз болалар тоқатимиз тоқ бұлиб, нақл давомига муштоқ бұлиб, Султон бободан сұрадик: "Қирқта қизу гала қалдирғоч ва минг бир лола тошга айланди-ю, яна Аямажуз омон қолди. Қорәевуз қароқчи-ю, унинг қирқ яроқчиси ва айғоқчиси омон қолди. Нега бундоғ бұлди? Наҳот бу шумоёқ, қора тайёқларга бирор кимса бас келолмаса?

Султон бахши дарёга энгашиб, қайта-қайта муздек сув ҳовучлаб, юз-күзларини ювди, кейин уңдан бир хұплам ичди-да, деди:

Бу ҳақда бор ривоят, қылтур әрдім ҳикоят,  
Аммо-лекин Нурмомо, яхши билади ғоят.

Мен ҳам бир оз билурмен, гоҳ ҳикоя қылурмен,  
Бироқ, Нурмомо шоир, әртак айтишга мохир...

...Оқшом Нурмомони ўраб-қуршаб олдик. Тун бүйи нақл тинглаб, шириң-шакар шарбат ичдик, мисоли болдек, кеча тонгта уланиб, роса чарчадик, толдик:

...Шаҳри Барбар әрди пойтахт Туронга,  
Шаҳри Ҳайбар эса — құшни Эронга.  
Икки юрт ўхшарди қайнар вулқонга,  
Бири-бировини чайқарди қонға.  
Икки шоҳ талашиб, мудом тахту-тоҗ,  
Талаб қилишарди бож ила хирож  
Халойиқ яшарди қашшогу-муҳтоҗ,  
Юрти нотинч бұлса, шундоқ, на илож.  
Барбаршохнинг ганжо қизи бор эди,  
Яшиаб турган бир гулу-гулзор эди.  
Гүзаллігин таърифи минг қулоққа,  
Етиб борди узоқлардан узоққа.  
Ҳайбаршоҳдан элчи келди ногиҳон  
Кетларида сарпо-сеп қарвон-қарвон.  
Элчимиидур, синчимиидур, совчилар?  
Балким улар айғоқчилар, овчилар?  
Совчи иши илтимос, илтижодур,  
Бироқ булас күзи жуда бежодур.  
Карвонбоши сұзға кирди дүғ ила  
Кафтда турган алантага-ю чүғ ила.  
Қайда қолди қалбға оста құл солиб,  
Рози қылмоқ ётиқ йүл-йўруғ ила.  
Зимдан назар ташлар вазмиң Барбаршоҳ,  
Сесканди-ю, сұнг сұзға кирди ногоҳ.  
"Нега күзлар ало, навкарлар нечун?  
Оә ният бошқа, әмбада ўшурун.  
Құлтиқ аро тутиб нечун қурол-тош,

Нечун қилич таққанлар сизга йүлдош,  
Бу не қибиқ, не сұз, не иддаодур.  
Наҳот мол менга мақсад-муддаодур.  
Бойлик десанғ, ҳеч кимдан қолишмасмен.  
Танқо қызим олтинга олишмасмен.  
Узоқ тортишувдан не наф қылтурмен,  
Жосусларни бундан тез даф қылтурмен...

Барбаршоқ қовоғини уйүқ, күзини юмуқ, алқисса, авзо-ово-  
зини бузук күриб, Шаҳри Ҳайбар элчилари ұша захотиәқ  
изларига қайтдилар ва зудлик ила Эронга етиб, Туранда бұлган  
ҳангомаларни ұз шаҳаншоҳларига айтдилар.

Шоқ дарғазаб бұлди, дили қаҳр ила тұлди, майды-чүйда  
юмушни қүйиб, катта құшин түплад, Туран мамлакатига ҳужум  
қилиш тараддудини күрди. Үргада уруш бұлажагини билиб,  
шоҳнинг үғли Шопур ташвиш тортди. Туран маликаси Мәхрбону  
ҳақида үйлай-үйлай, ғам-ғүссаси янада ортди. Отаси ёнига бориб,  
сұз қотди.

Якши сұз-ла йилон чиқур инидан,  
Ёмон сұз-ла пичоқ чиқур қинидан.  
Жаҳл қылған ажрар оға-инидан,  
Виждонию, имони ва динидан.  
Газабноклар юртта олов ёғдурур,  
Ёр-дүст эмас, минг-минглаб ёв ортдурур.  
Ақл билған синдирур шайтон белин,  
Бириктирур жумлақо жаҳон элин.  
· Күшин тортмоқ, айтинг падар, не ҳожат?!

Якши дүстни душман қылтурмиз фақат...

Бироқ Ҳайбаршоқ үғлиға қулоқ солмади, илтимосу илтихосини  
инобатта олмади.

Шунда Шопур құшинлардан олдин үзи Туран сари йүл олмоқ  
тараддудига түшди.

Бироқ бормоқ учун йүл йироқ-узоқ,  
Ота ҳұмми оёққа занжир-тузоқ.  
Туш құрарди Шопур тақрор ва тақрор,  
Мәхрбону ишқига ул гирифтор.

...Тоғ ён бағрида қайнарбулоқнинг зилол сувига термулиб  
үтирар экан, Шопур күзи олдида вахимали манзара намоён  
бұлди:

Шоқ пур — қадимий форси тилида Шоқ үғли демакдир.

Сув остида бир Оқ тулпор құш қанотларини кенг ёйиб, тұлқинлар ила уларни ювиб ва чайиб, олд оёқлари ила оқимни узиб, орт оёқлари ила юзиб ва сузиб, савлату салобат түкиб келарди. Олтин әгар узра оппоқ баданида ёпқа оқ ҳарир күйлаги титраб-титраб, бошида елвагай шойи рұмолчаси ҳилпираб, билур нақши тоғи шұлья сочиб-ялтираб, қирқ кокили елкасида тұлғониб, секин-аста йұртиб келаётган оқ тулпорнинг дам у ёғига, дам бу ёғига оғиб, бир паризод йұртиб борарди.

Шопур учун бу нурағшон сиймо күпдан бери таниш, юрагига яқын, гүё азалдан-азал азиз зди. Сусамбил маликаси Мәхрону сув остида сайр қилиб юрап эрди.

Авшаллари ҳам Шопур шу хил тушлар күрар, у өзгіларда үзи ҳам оқ тулпор миниб, малика ила ёнма-ён ёндошиб, жилов ушлашиб шириң-шириң мулоқотлашиб, сайр қилишарди. Бу уннинг қалбига завқ-шавқ, ҳузур-жаловат бағишилар, юраги Турун сари талпинарди. Энди-чи? Машъум туш бу! Ечилмас жұмбоқ, мушкүл юмуш бу.

Шопур туш күриб уйғонар экан, ҳұпикаиб, әнтикиб қолди: қаёқдандир пайдо бўлиб қолган, тулаб, жуни ва ёли түқилиб кетган қора қирчанғи от Оқ тулпорга қараб югурди, унга ҳамла қилди, орқасига тушиб, думиниға жажиди. Хунук кишинади. Афтидан, айниди, алжиди. Оқ тулпор олдига ўтиб, күндаланг турди-да, уннинг йўлини тўсди. Кейин узайиб-узайиб бўйига ўси, даҳшатли қора девга айланди-ю, маликани от устидан чанглалаб, кутариб олди. Қўлтиғи остига қистириб, ғойиб бўлди. Оқ тулпор эса ё ўлди, ё сув остига қочиб, қаёнларга бориб тұхтади, қўнди...

Ўша кече Турун маликаси Мәхрону ҳам худди шундай туш күрди. Сайр қилиб юрганида Оқ тулпорга айнан ўша қора, тулос, қирчанғи ҳамла қилди. Маликанинг ўзини эса ўша Шопур қўрган даҳшатли дев, чанглалаб, әгар устидан тортиб олди-да, қўлтиғи остига уриб, қочди.

Бу мудҳиш манзарани қайта-қайта эслар экан, Мәхрону таҳликаға тушди. Шаҳри Ҳайбарга, Шопур номига хат ёзиб, хабарчи кабутар жұнатди.

...Ҳайбаршоҳ баджаҳл ва қонхўр саркардаларидан бири Шаддодни чақириб, Турунга юбориладиган лашкарға бош булишини буюрди:

Қарам қилиб, ўжар Турун элинини,  
Келтиргайсен Эронга тез келишни.  
Минбад билиб қўйисин менинг кучимни,  
Синдиргайсен ганимларнинг белини.

Шаддод таъзим қилиб, саройдан чиқди ва дарҳол ишга кириши:

Құшин йиғди бир йил улкан ва буюқ,  
Қурол-аслақалар минг туята юк.  
Шаддод қовоқлари юмрілган, уюқ,  
Яроғлар зарбидан титрап еру-күк.

Отаси рухсат этмаса-да, Шопур ҳам қүшинга яширинча әргашди.

Фотиха сұраб күкдаги юлдузидан  
Ниқоб тутди күзи бирла қозига.  
Ахир, күниб, отасининг сүзига  
Магрур ва зүр, озод Турон элини  
Қарам қылмоқ бұлди енгіб, үзига.

Турон эли Наврұз сайли бошлаш тарааддууда эди. Эрондан қатта қүшин чиқиб, Турон чегарасида түпланғани түғрисида Шаҳри Барбарга әлчи кабутар қанотида хабар етиб келди.

Барбаршоқ вазир-вузароларини, сарой доноларини йиғиб, маш-варат тутди, улардан муносиб жавоб күтди:

"Евни сарқадда тұхтатинглар, йүқса әл бадбаҳт булур", — деди бир вазир.

"Фалокатни қайтармоқ йули жанжалу мунозара әмас, музо-караю мурсадур", — деб әзтиroz билдири иккінчи вазир.

Охирги сұз Барбаршохнинг үнг құл ва сұл құл вазирларига қолди. Уларнинг бири шоғнинг үнг құл ёғида, иккінчиси сұл құл ёғида үтирап ва шу боис навбатма-навбат, кези келгандა, бөш вазир вазифасини бажаришарди.

Бириңчисини Жоҳил вазир, иккінчисини Оқил вазир дердилар. Жоҳил вазир титраб-титраб, газаб ила сұзга кирди:

Ғанимнинг адаби қилич ва қалқон,  
Муддаомиз: қонға-қону, жонға-жон.  
Қон тұқиб улгайған, билинглар, инсон,  
Буни англамаган нодондан нодон.  
Душман чигирткадай ёприлса бизга,  
Қараб үтирасак биз чўккалаб, тизза.  
Ё фол очайликми қараб юлдузга,  
Үндан үлмоқ афзал, тупуриб юзга...

Орага узоқ сукунат чўкди. Сунгра вазминлик ила, шошмай, тутоқмай-куймай, Оқил вазир сұзга кирди:

Күркәнга чўп қўш кўринур.  
Бир бўлса-да беш кўринур.  
Ботирга зўр бўш кўринур,  
Полвон тениту тўш кўринур.  
Номардлар олдин мунт урур,  
Кўркмаслар сокин иш кўрур,  
Бузоқ сомонга ютурур,  
Кўрқоқ қаёнга ютурур?  
Яхши келса, дийдан нур.  
Ёмон келса, қаншарга ур!

Яхши бўлса, қилур ҳузур,  
Ёмон бўлса, ур-гўрга сур!  
Яхши келса, эл-эш бўлур,  
Қардош бўлур ва хеш бўлур.  
Ёмон бўлса, наvrўз бузар,  
Наврўз бузган ўзи тўвар.  
Ул кимсадан олам безар,  
Химки буни билар, сезар.  
Дала кезар ва қир кезар,  
Гуллар экар, юртин безар.

Барбаршоҳ жуда хафақон, аммо сокин ва бардам эрди.  
Рангти-рўйида, ҳаракатларида қўрқинч, ваҳимага тушиш аломатлари кўринмасди. Диққат ила қараган кишида унинг кўзларида қатъият ва шижаот барқ уриб турганини сезарди. Салобат ила у саркардаларга мурожаат қилди:

Сарҳаддан ўтказманг ёприлган ёвни,  
Ботирлар минингиз тулпор бедовни!  
Қилич-ла қаршиланг шикорми, овми,  
Олиб қўлингизга алвоң ёловни!  
Душман кўриб қочсин сиз беаённи,  
Алпу-азамату, қалқону говни?  
Кўрқоқ кимсаларни ер азал бўри  
Ёки қазилмишдур ёнида гўри.  
Уйда ётганларнинг курииди шўри,  
Элга баҳт келтирур ботир гурури,  
Мардларга тожу тахт, қалбларнинг тўри!

Оқил вазир яна маслаҳат берди:

—Ҳазрат, гапларингиз бариси гўғри,  
Бошин олмоқ керак келганда ўғри.  
Бироқ бизга мерос азал муроса,  
Эллар мункиганда бўлмоқлик осо...  
Бир-бирин тингламиша Исо ва Мусо...  
Қаро баҳт боиси урушу, низо,  
Толенинг қалити иноқлик, ризо,  
Азал ҳақиқат бу, эмас илтижо.  
Тангри ўзи чекмиш бу ҳақда имзо,  
Унга қулоқ солур шоҳми ё гадо...

Барбаршоҳ адолатпарвар, аслида кунгли тинчликка мойил киши эрди. Оқил вазир маслаҳати унга маъқул тушди, халойиққа қараб буйруқ берди:

Ёмонга жоиздур ҳамиша жазо,  
Жафо қилгон кимса топадур жафо.

Вафо қылғон эса толадур вафо.  
Шашың қонин тұммоқ жинают, гұмоқ,  
Тажаввуз қылғоннинг оқиридур воҳ.  
Иzzату муруват, бил, раддибали,  
Жанжал құзғонлар майіб, мұбтало...  
Қани, биродарлар, сайыл бошлангиз,  
Агар душман келса, күзин ёшлангиз!..

..Күшин етди тез шаҳри Барбар сари,  
Бироқ үтолмади дарёдан нари.  
Хамма сайыл қылмоқ ила байд зди,  
Ёшу қари баҳтиәр, хурсанд зди.  
Тепа ёнбагрида ёнарди гулхан,  
Зарафшон қыргоги лоладан гулшан.  
Гулхан атрофида тұқызы дошқозон,  
Полазор ораси — тұқызы дастурхон.  
Авжига минибидур рақс ва қарсак,  
Үйнінга тушибидур ҳатто тош-кесак.  
Шопур буни күриб тек қотиб қолди,  
Қалбіда қайнаган шубқа йұқолди.  
Сайлоғ әрди улкан Шаҳри Барбар,  
Хайрат ичра қолди аҳли Ҳайбар.

Шаҳзоданинг күнглида раҳм-шафқат ўйнаб турганини күриб  
ва сезиб, бундай ҳолатдан жеркиниб-безиб, Шаддод саркарда  
унга насиҳат қилишга ўтди:

Қутлуг билмоқ зарур оталар ақлин,  
Ё эшиитабсен қадимийлар нақлин:  
Тамошо күрники, замона зўрники,  
Ким бош күтарса, ўшал очиқ гўрники!

Туронликлар ўзларини отлиқ навкарлар ўраб олганини кўриб,  
уларни эгардан тушишга, туз-намак тотишга таклиф қилдилар.

Ёзиб, нозу-несьмат тұла дастурхон,  
Қанду новот, қандолату, сомса, нон  
Дедиларки, қани, дўстлар, марҳамат,  
Қалқон ва қиличин қўйинглар фақат!  
Кутар сизни, қаранг, ранго-ранг овқаг,  
Келинг, кўнгул очинг, нечун сиз диққат?

Бу зайл ҳурмат ва мулозиматга Шопур қойил, бунчалик  
иззат-ҳурмат учун халойиққа шафқат қилишга мойил эрди.  
Бироқ бундан Шаддод норози эрди, ўзи хону, ўзи бек, ўзи  
қози эрди.

Яна берди у Шопурга маслаҳат, маслаҳат эмасдур, панду  
насиҳат:

Нечун құйдик бу злға биз от,  
Асрларким, бу юрт бизгадур ёт.  
Ишкамбадан ҳеч бир гүшт бўлмас,  
Туронлидан ҳеч бир дўст бўлмас.  
Қарам эркан, бўйни этик, ҳам,  
Итоаткор, мазлум ва ҳарам.  
Таслим қилмай орқага қайтсак,  
Тирнамасми юракни алам.

### Шопур Шаддодга жавоб қилди:

Ёйилганда сизга дастурхон,  
Нечук керак қилич ва қалқон.  
Бир уруғдан таралган инсон,  
Нечук урай ўзимга тикон!  
Нонкўр бўлсак, гуноҳ ва ўёт,  
Истардимки, бизга бўлса ёт,  
Ўчу қасос, аразу гараз.  
Кошки эди яқдил ва бир тан,  
Ташкил топса ягона ватан.  
Тақсир, шуни қилинг бир фараз!  
Битта ионни кўрадик баҳам.  
Баҳт топарди Эрон, Турон ҳам,  
Бир-бирига қилса лутф-қарам.  
Истардимки, келиб шундай он,  
Бириксайди элат ва уруг,  
Ирқу миллат, кичикми, улуг.  
Яхлит бўлиб, жумлаю жаҳон,  
Қайта туғиларди бу олам.

Бу сўзларни эштиб, навкарларнинг кўнгли ёғдай эриди. Улар саркардага бўйсунмай сафдан узилдилар, отдан тушиб, улкан дастурхон теварагида тизилдилар. Нозу неъматлардан тотиб, бир зум ёнбошлаб ётиб, сўнгра халойиқقا, ўйин-кулгуга қўшилдилар, жангтоҳдан кўра сайилгоҳни афзал билдилар.

Ана шу хил, ана шу зайли, кечаю-кундузи қайнади, қувнади Гули сурх сайли...

...Лашкарсиз саркарда нимага қодир,  
Бўлса ҳамки ул Рустаму, Баҳодир.  
Шаддод орзу қилмиш жангтоҳлар қайда,  
Гўша бўлди унга кичкина қодир.

Ҳамма хурсанд, ҳамма шод эриди. Фақат Шаддод бедору бедод эриди. Яшириниб, якка бир қодир ичра, тиниб-тинчимасди у сира. Беко пирпиратиб киприкларин, сузид кўзларин, сир тутиб

ниятларин, сўзларин, нималарни дур пичирлаб ва шивирлаб ўқирди, балким, макру ҳийла тузогини тўқирди...

Бирдан ногора, карнай, сурнай овозлари янграб, Шаддоднинг хаёлини бузди, тез орада бу оҳангни жарчининг ҳайқириғи-чақириғи узди, Шаддод унга қулоқ солиб, кўзларини дам юмиб, дам сузди:

Одамлар-у, одамлар,  
Богда битган бодомлар.  
"Эшитмадим", деманглар,  
Эшитганлар жилманглар.  
Кеча-кундуз баробар,  
Бири-биридан сарвар.  
Баҳордан келди хабар,  
Тайёр бўл Шаҳри Барбар!  
Малик чўл деган қирда;  
Тошдай қотган тақирида,  
Бўлар эрта кўпкари,  
Кимнинг бўлса тулпори,  
Фирқўкми ё Бойчибар,  
Ягринига ур эгар!  
Ёки жийрон, саман от,  
Қорабайир-қирқ қанот.  
Чопқири ёки йўрга,

Ўйнашур ким ўзурга.  
Эй, оломон қулоқ ос,  
Қилма ҳаргиз боса-бос!  
Бўлиб кел гуррос-гуррос,  
Туда-туда, гулдирос.  
Бўлсанг агар сен одам,  
Босиб кел дадил қадам.  
Мардона бўл ва бардам,  
Биринг-бирингта ҳамдам!  
Қисқаси бўлур улоқ,  
Тер оқур булоқ-булоқ...  
"Мен азамат" деганлар,  
Фақат полов еганлар,  
Кўқдан юлдуз узганлар.  
Девлар уйин бузганлар.  
Йўлга чиқсиналар тезроқ,  
Яқин эмас, чўл узоқ...

Шаддод юраги жизз этиб кетди, бир қора ният дилига келиб етди. Навкар кийимини кийиб, эрталаб йўлга чиқди. Юзида ниқоб, кўзида ниқоб, азбаройи куюнчоғликдан дили бирла асаби хуноб. Ва лекин бир ерга йигиб ақлу ҳушини, овламоқчи бўлди давлат қушини. Шиддат ила отини кўпкари сари бурди, улоқ олмоқ булиб, ўзини тўдага урди. Чавандозлар сакрар эрди қий-чуввлаб, уловни тақимга босиб ҳуй ҳуйлаб. Бири солим отар, бириси тортар, бириси боради қочганини қувлаб...

Адир устинда турар Барбаршоҳ. Ниқоб кийган Шопур унга меҳмон ва ҳамроҳ. Икковлон баҳтиёр, курсанду шодон, қомат эгик, бир ёққа қиё қайтмиш буйину гардон, томоша қиласардилар улоқни мириқиб обдан.

Бирорлар йиқилди, кимлар боши ёрилди. Ва яна бирорлар тупроқ ила қорилди. Ҳамма ёқни қоплади тўзон-чанг, одамлар кўради бир-бирин аранг.

Шаддод ўйлади: "Энди вақт етди. Барбаршоҳ чодирини тўзон бекитди. Ишга киришайн, фурсат ўтказмай, бу ердан кетол-масмен ишим битказмай!"

Шаддод тиқилинч одам тұдалари ичра оралаб, дам бүёғига, дам уёғига мұралаб-пойлаб, өдір ёнига бориб етди-ю, үшанда тимтиқ қотди, Шопурни күзлаб, ёйдан үқ отди.

Бироқ, паҳлавон бир Туран навкари Шопурни үз дөв қомати ила тұсади. Бояқиши полвон шу он йиқилди-ю, қон қусди. Өдір ёнида соқчи бұлиб турған эрон навкари эса хиәл үтказмай, үша маҳал Шаддодни қулатди.

Ҳамма ташвишга түшди, ҳамма саросима: "Бу үзи нима? Сайл өғіда, үқ узган ёвуз ким-а?"

Барбаршоқ ҳайрон әрди, Шопур ҳам ҳайрон әрди.

"Бу не бебаҳтлик бұлди. Бир зум орасинда иккөвлөн үлди? Не қасофатдур, не фалокат?"

"Касофат әрмас бу, балким шарофат!"— сүзлаб келарди өдір сари қашқул таққан қаландар.

— Бир баттол ва қаттол қони тұқылди, бироқ бу жирканч қон тоза қон ила ювиди",— тушунтирап әрди жанда кийган қаландар юзига фотиҳа тортиб.

"Бири ҳаром унинг, бири ҳалолдур. Бири балчиқ каби сассиқ ва қаро, бири лола янглиғ алвону олдур. Биридан қизил гул битар, анбар ҳиди халққа ҳұзур-наф, биридан униб чиқар құланса шумғиё-алаф"— хулоса қиласы үзүн кулоқ кийган, тасбәхларин силаб турған қаландар...

Барбаршоқнинг күнгли бирмунча тинчиб вазир-вузароларини атрофига түплаб, Наврұз маъракасининг навбатдаги ақидалари — расм-русумларини бажо келтиришга киришли. Бу ақидаларға күра Оташкада майдонида сайил үтказилиши олдидан Сусам- билнинг чекка ёғида, ертұла ҳужрада истиқомат қилувчи юрт донишманды, обдан қарыб қолғанлығы сабаблы ибодатхонани тарк этиб, мозористонда макон құрган мубоди-мубод ҳұзурига бориб, уни зиёрат қилиш жоиз әди. Иди наврұзни бошлаш учун қуттуғ зотдан фотиҳа олиш зарур әди. Барбаршоқ үшаёққа, донишманд кулбаси сари йўл олди.

Суворилар қадим урф-одатларига күра, үз отларини муқаддас қадамжодан анча нарида қолдириб, мозорбошига пиёда келдилар.

Азбаройи қартайиб қолғанидан гавдаси нозиклашиб, кичрайиб кетгән, ўскин соч-соқоллари қордай оқарған, худди шундай оппоқ бүздан күйлак ва енглари кенг ва үзүн жома кийган чол мутолаага гарқ әди. У ҳатто бошини сал күтариб, үз атрофига назар ҳам солмасди.

Барбаршоқ ақидага, ота-беболар удумига риоя қилиб, юрт улуғи ёнига худди болалар сыйнари югуриб бориб, таъзим қилиб, тиз чүкди. Ергача бөш әгіб үтирап экан, ёши улугнинг не дейишини күтди.

Донишманд ўз қаршисида махсус таxтага ўрнатилган китобдан күзини олди-да ўнг қўлини кўтариб, Барбаршоҳнинг бошини силади, пичирлаб, нималарнидир ўқиди. Таxтача устида турган чарм муқовали улкан ёстиқдай китобни озод кўтарди, бир неча марта қайта-қайта ўпиб, шаҳаншоҳга узатди ва овозига қандайдир бир сирли оҳанг бериб, оҳиста-оҳиста, жумлаларни бўлиб-бўлиб, ҳар бир сўзга алоҳида ургу бериб, оқиндан куйлади:

Ҳикматлар китоби қутлуқ "Авасто"  
Еру осмон аро ягона, танҳо.  
Булоқ суви янглиғ тиниқ, мусаффо,  
Тангрининг қалбидан чиқсан сўз нидо.  
Одам Ато тинглаб ва Момо Ҳаво,  
Барча умматлардан қилмиш илтижо,  
"Авасто" ҳикматин эттил дилга жо!  
Тангри амри ила айланмиш ато.  
Оlam сир-асорори акс эттан даҳо  
На ибтидо бор унда, на интиҳо.  
Бешоён уммондир, куримас дарё.  
Туну кун ўқурсен, бўлмайди адo.  
Варақ-варақ очиб, гоҳо ва гоҳо,  
Нигоҳ ташлаб турсанг, разм солсанг ҳатто.  
Тангри ҳаққи айттум, қилмассан ҳато.  
Танинг шифо топур, дардларинг даво.  
Ҳар бир каломида сеҳрли наво.  
Улуғми, кичикми, баробар раво.  
Бирор кимса йўқдур бўлса бепарво.  
Кимки ишонмаса, авора, расво.  
Оlam хикматларин қилмушдир иншо,  
Тангри танҳо ўзи чекмушдир имзо...  
Ўчиш не, сўниш не билмасдан асло.  
Дилларда нур бўлиб порлар "Авасто"

Барбаршоҳ юрт доноси икки қўллаб ушлаб турган муқаддас "Авасто"ни такрор-такрор ўпди. Сўнгра юз ўгирмай, тескари қайрилмай икки қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилгани ҳолда орқага тисарилар экан, хужрадан чиқди. Мозористондан қайтишиб яна отларга миниш олдидан мулоzимат ила Барбаршоҳ меҳмонларни ва сарой аҳлини Сусамбил қалъасига, зиёфатга, базми жамшидга чорлади.

Каъбаи Зардўшт деб аталмиш Сусамбил оташкадаси атрофида, сайилгоҳ майдонда гулханлар ёқилди. Қалъанинг етти дарвозаси олдида соқчилар сафи кучайтирилди. Оташкада остоналарида ҳам дубулға кийган, қўлларида қалқон ва найза ушлаган яғриндор азamatлар пайдо бўлди.

Оташкададан унча узоқ бўлмаган тоғ тепалигидан карнай, сурнай, ногора овозлари янграб эшитила бошлади. Халойиқ

Сусамбил майдонига дарёдай оқиб келарди. Улар орасида ясанған-тусанған оёнлар, зодагонлар ажралиб туришарди.

Оқ лиbos кийган мубодлар ва коҳинлар майдондаги чарсиллаб ёниб турган улкан гулханга ва чор атрофдаги тош үчоқларда ловуллаётган оловга бирин-кетин қўй қўйруги булакларини ташлаб чиқдилар. Сўнгра хушбўй зайдун мойи сепдилар, кейин кафтларини кенг очиб, афсун ва дуо ўқишига киришдилар.

Оташга тикилиб, пичирлаб, нималар тўқиётган ва нималар ўқиётган эркан улар? Балким одамларга эзгу тилаклар, дастурхонга барака, ноз-неъматлар, бепоён далаларга мўл-кўл ҳосил, ўтлоқ ва яйловларга тўкин-сочинлик, қурғоқчилик келса, қийинчиликлар туғилиб қолгудек бўлса, улусга сабр-тоқат, сulton ва оёнларга инсоғу адолат сўраётгандурлар Тангри Таолодан.

Яна бир неча коҳинлар майдон сари бетұхтов ёпирилиб келаётган кишиларни қарши олиб, уларнинг юз ва кўзларига аввал сув ва ун сепардилар. Кейин улкан гулхан атрофидан айланиб ўтишни уларга имо-ишора ила буюардилар.

Шу зайлда гуноҳлардан тозаланиб, покиза бўлган кимсалар сайилда қатнашмоқ, бир-бирлари ила суҳбатлашмоқ, муомала қилмоқ ҳуқуқига эга бўлишарди.

Тез орада майдон одамлар билан лиқ тўлди, савдо-сотиқ авж олди. Тождор хўролар, чамбар шохли қўтос ва қўчқорлар ва икки оғизли илон, аждаҳолар... Булар сайилга биринчи бор келаётган болаларни ҳайратта солар, мафтуну маҳлиё қилиб қўярдик, улар ҳатто хилма-хил шириналларга, қанду қурс, нишолда-ҳолваларга ҳам унчалик назар ташламас эдилар.

Майдон чеккасидаги жангоҳда хўroz ва қўчқорлар уруши қизиб кетган. эди. Шу ердаги яssi тепалик устида, маҳсус майдонда болалар ишти отиб уриштиар, катталар мароқ билан томоша қилар эди\*.

## ОЛТИ ОҚИН МУШОИРАСИ

Оташкада яқинида неча-неча асрларни кўрган улкан тут даражатлари тагида, кум-кўк майсалар устига тушалган рангдор гиламлар устида олти оқин чордана қуриб ўтиришар ва қўлларидаги дўмбира торларини созлашар эди. Улар бугун учраётгандари йўқ. Ҳар йил Наврўз сайлида ушбу тутлар остида мушоира-мусобақа ўтади. Ва Шошқин оқин, Босқин оқин,

\* — Мерганик ўйинининг турларидан бири — ишти ўйини ҳозир йўқолиб кетди. Эски "сарқитларни" ўзида кўпроқ сақъаб қолган бизнинг кишилодка бу ўйин яқин-яқинга қадар бор эди. Болалик кезларимизда мусобақа қилиб, терлаб-пишиб ўйнардик, чиниқардик. (Муаллиф)

Тошқин оқин, Сокин оқин, Ѓлқин оқин, Ерқин оқин ўтиришиб  
ёвуқ-яқин, неларнидир қилиб талқин ёнадурлар, чақмоқ-чақин,  
ҳар биттаси оташ, учқун:

Олти оқин олишар,  
Айтишувда толишар.  
Бириси ўзиб кетса,  
Бешовлони қолишар...

Бири ҳижжалаб сўзлар,  
Бириси йиглаб, бўзлар.  
Бири маст-аласт куйлар,  
Айримлари нолишар.

Бири дарёдай тошар,  
Қирғоқларидан ошар,  
Бири тойчоқдай шошар.  
Боз қозигин топишар.  
  
Бир зум тўхташини билмай,  
Басма-басга чопишар.  
Дўмбиранинг торларин.  
Қайси куйга солишар:

### ШОШҚИН ОҚИН:

Кўклам ёйилган гилам,  
Ҳамма дамдан сўлим дам.  
Ҳавоси тантаг мажхам.  
Дилдан қочар ғам-алам.

Ариқ шарақлаб оқур.  
Оҳанги дилга ёқур.  
Тогу тош, саҳрою чўл,  
Чеккасига гул тоқур.  
  
Кушлар чугурлашади,  
Бир-бирин қувлашади.  
Майсалар шивирлашиб,  
Оҳиста сўйлашади.

Шабнам баргда, кўкатда,  
Дириллар қайта-қайта.

Тинмай эсади насим,  
Ер юзи ҳаракатда.

Учаётган дуд эмас,  
Ер терлаб олур нафас.  
Парчаланиб эрийди —  
Нур остида муз қафас.  
  
Үйингда ўйнар кўклам.  
Тўйингда ўйнар кўклам.  
Ҳаммаёт гўзал, кўркам.  
Қувнар, яшиайди ўлкам.  
  
Келди Наврўзи олам,  
Тасвирга ожиз қалам.  
Минг бир қўшиқ тўқисам,  
Барибир ҳаммаси кам...

### БОСҚИИ ОҚИН:

Дилларда эзгу тилак,  
Экинг ўссин минг куртак.  
Қўшилур қаторингта,  
Бир кун кўтариб кўкрак.

Бирга, беришиб кўмак,  
Экинг тол билан терак.  
Меваси йўқ демангиз,  
Бино қурганда керак.

Эксанг агар қайроғоч,  
Ўрмонингта бўлур тоҷ.  
Мажнунтол юртингта соч,  
Тез ўсар ёйиб қулоч.

Кўркам дарахтдир гужум,  
Шоҳлари гужум-гужум.  
Барглариидир лак-лак,  
Чатишганда чакалак.

Тут эксанг риөқи-рўзинг,  
Онанг, отанг ва ўзинг.  
Қозонда ошинг, тузинг,  
Тунда ёруғ юлдузинг.

Дилларда эзгу тилак,  
Илдиз отсин минг куртак.  
Куртак мисли ёш юрак,  
Кўттарсин қомат, кўкрак!

## ТОШҚИН ОҚИН:

Инсон оламга меҳмон,  
Умр унга бир эхсон.  
Ҳозир азиз бўлмаса,  
Иzzат топади қачон?

Етим-есир, ногирон,  
Асра, бўлмасин қирон.  
Одам уруги қутлуг,  
Қадрла, топиб имкон.

Йиқилганда узат қўл,  
Бир майизни қирққа бўл!  
Оч қолганга бергил нон,  
Керак бўлса бергил жон!

Дема одамни одам,  
Бўлмаса ҳамроҳ, ҳамдам.  
Етим турган гўшага,  
Назар солмас дам-бадам.

Есир тангри бандаси,  
Азиз кулгу, хандаси.  
Юракларни эзмасин,  
Йиглаб чиқарган саси.

Ногироилар интизор,  
Ёрдам қўлин чўзиб бор.  
Ноласми кутмагил,  
Чақирмасдан ўзинг бор!

## ЕЛҚИН ОҚИН:

Ҳар замонининг зайди бор,  
Ҳар одамнинг майли бор.  
Оlam битта бўлса ҳам,  
Ҳар элнинг ўз сайли бор.

Чавандоз отин қичар,  
Этик ила сув кечар.  
Диллар дилдан сув ичар,  
Бир-бирига бахт бичар.

Қош ораси айридуру,  
Йўли йўқлар дайдидур,  
Адашганга йўл кўрсат.  
Қутлуг иш хайрлидур.

Дуо гунони ейду,  
Садага балони ейду,  
Икки дунёси қора,  
Кимки иғвони дейду.

Ҳей, қайдасиз ўғлонлар,  
Эл-юрга қўриқбонлар!  
Саркардалар, сарбонлар,  
Сизни кутгар карвоилар!

Ҳар замоннинг зайди бор,  
Ҳар кўнгилнинг майли бор.  
Ҳар сафар кўрсанг дийдор,  
Кетар дилингдан губор.

## ЁРҚИН ОҚИН:

Ким шоҳ, ким ўтқунчидур,  
Кимга ким қўрқинчидур.  
Асрлар зина янглиғ,  
Бу дунё ўтқунчидур.

Уммон қолур, тог қолур,  
Яхши эккан боғ қолур.  
Ёмон юрган йўлларда,  
Қон аралаш доғ қолур.

Бирлашмаган тоқ бўлур,  
Танҳо-ю тарқоқ бўлур.  
Қўл беришган кимсалар,  
Йўлдошу ўртоқ бўлур.

Бекорлик чуқур жардур,  
Ҳаракат кони зардур.  
Ўлим ҳақ-муқаррардур,  
Бироқ қўрқиш зараптур.

Нур эмисб ўсар ниҳол,  
Тер тўккан топар камол.  
Айниб қолар ҳатто бол,  
Эсиб турмаса шамол.

Ўсма кетар, қош қолур,  
Дарё оқур, тош қолур.  
Чидам ва бардош қолур,  
Ҳикмат билған бош қолур...

муздек совуқ күнгилларни эритдию элитди, тундек қоронғу дилларга сув эмас, нур сепди.

Тахти равонда савлат тұқиб ўтирган, зарбоф либосли, ёқут нақшдор тоғи нур сочиб турған Султон, күзларини ярим юмиб, ярим очиб, бош чайқар, унинг ёнидаги оппоқ соқолли әронли меҳмон (ниқоб кийған Шопур) Султонға ҳамоҳанғ ҳаракат қилиб, мусиқа оҳангидан эриб, гавдасини секин-аста тебратар, олов чүғидек ёниб турған бежо күзларини дам у ёққа, дам бу ёққа югуртириб ниманидир, кимнидир қидирар, ошуфта ҳол ва безовта әрди.

Тахтнинг икки томонида саф тортиб ўтирган вазир-вузаролар, марзубонлар, қокимлар ва ноиблар, оёну зодагонлар ҳам султонга әргашиб, бетиним бош чайқашарди. Ҳатто саждагохга топиниб турған мубоду коҳинлар тоат-ибодатни тұхтатиб, тан бирла жонга ором берғувчи мусиқага қулоқ осган әрдилар.

Оташкаданинг құтлуг остонасида шоҳона дастурхон ёзилған әди. Кундуз куни булишига қарамай, ўртада улкан шамчироқ ёниб туар, турли туман ноз-неъматлар, урф-одатта құра ҳамиша құйиладиган "шин" товуши бирла бошланувчи ҳафтишин — етти хил құтлуг таом, шир-сүт, шарбат, шинни, шароб ва хушбүй күкатлар дастурхоннан безаган әрди.

Муқаддас асога таянған, белілге зүннор-белбог боғлаган мубоди-мубод\* салдамли қадам ташлаб, салобат ва вазминлик билан аста-секин дастурхон ёйилған жойға келиб тұхтади. Унинг орқасыдан әргашиб келәттеган мурид құлида олтин шамшир, үңгілаб құйилған ёй, шароб ила тұла олтин жом бор әрди. Мубоди-мубод бу аслақа ва анжомларни үз құлиға олди, бошини шаҳаншоқ қаршиисида сал әгиб, буюмларни унга әхтиром бирла тақдим қилди. Сұнgra қаддини ростлаб оҳангдор, сеҳрли овозда, қироат ила шоҳға табрик ва шукронда айтишга киришди:

Сенға таъзим ила салом айтurmиз,  
улуг туроншоҳ.  
Жазму-азм, шарм ила қалом айтurmиз,  
улуг туроншоҳ.  
Юртга поспонсан, фақирларға паноҳ,  
улуг туроншоҳ.  
Құлларда қалқонсан, ҳаммага ҳамроҳ,  
улуг туроншоҳ.  
Элу юрт не кечур, не ер, не ичур,  
баридан огоҳ.  
Тахт-рахтинг, пойтахтинг, мұстағар даргоҳ,  
улуг туроншоҳ.

---

Мубоди-мубод — Зардұштийлар динида бош коғин.

Бизга шаҳаншоҳсан, душманга оҳ-вөҳ,  
улуг туроншоҳ,  
Алпу-арслонсену, имон-виждансан,  
улуг туроншоҳ.  
Белларга дармонсен, дилларга армон,  
улуг туроншоҳ.  
Менга қулоқ солғил, Жамшид жомин ол,  
сибқорғил, нӯш эт.  
Дўсту ёронларинг димогин чоғ эт,  
хушнуду хуш эт!  
Ҳикмату муруват байрогинг бўлсин,  
ҳилпиллааб турсин!  
Қаҳрингдан душманлар қақшасин, улсин,  
хазондай сўлсин!  
Кимки хуруж қилса, қадди букилсин,  
тутдай тўқилсин!  
Юрма эгри йўлдан, ҳақгўй бўл, одил,  
мудом, муттасилу  
Ҳақни қўллаганлар қутлуғ ва қобил,  
мўътабар, асил.  
Элинг содиқ сенга, буни яхши бил,  
шукр қилгил, эгил!  
Халойиқ баҳтига сог-омон бўлғил,  
яшагин минг йил!  
Тангремиз мададкор, дилингда виқор,  
элинг баҳтиёр!

Мубоди-мубод сўнгра дастурхон атрофида ўтирганларга қайрилиб қараб хитоб қилди:

Жомлар тўлдирилсин, қисқа бўлсин сўз,  
қилингиз кўз-кўз,  
Ёронлар келингиз, ҳамдам бўлингиз,  
бошлансин Наврўз!

Шаҳаншоҳ ўрнидан туриб, мубоди-мубод рўпарасида эгилиб, унга таъзим қилди. Шукрона-ю ташаккур айтиб, иззат-ҳурматини бажо келтирди. Тангри ҳақи, Наврўз ҳақи хайру назр қилди, коҳин бўйнига осиглиқ кашкулга бир ҳовуч жавоҳир тўқди.

Мубоди-мубод шаҳаншоҳни ва йигилган халойиқни муборакбод қилиб бўлгандан сўнг, майдонга бир тўда маҳбусларни олиб кирдилар. Улар шаҳаншоҳ тахт қурган ер — тепалик олдидан саф тортиб ўта бошлидилар. Улар бош кўтариб атроф-теваракка қараёлмас, елкаларига оғир юқ ортгандай икки букилиб, астасекин, ҳорғин қадам ташлардилар.

Мубоди-мубод маҳбусларни тўхтатишга буюрди. Улар қарши-сига бориб, бир зум тик турди-да, ҳар бирига алоҳида-алоҳида диққат-эътибор бериб, ҳол-аҳвол сўрашга киришиди. Қаторда биринчи булиб турган девқоматли, аммо анчайин эгилиб, эзилиб қолган маҳбус ёнида тўхтаб, унга мурожаат қилди:

Нечун бундоғ азият тортдинг,  
Елканг узра гуноҳлар ортдинг?!  
Не сабабдин эркинг йўқотдинг,  
Манглайнингта шум тамга тоқдинг?

— Тунда карвон йўлини тўсдим,  
Заҳар бирла заққумлар қусдим.  
Тангри ҳақи ичурмен қасам,  
Кингир ишга қўймасмен қадам!

Мубоди-мубод шаҳаншоҳ томонга маъноли қаради. Шоҳ бош қимирилатиб, имо-ишора ила бул маҳбусга товба-тазаррусини инобатга олиб, эрк беришга, унинг гуноҳидан кечишига ризолик билдириди.

Мубоди-мубод маҳбуснинг бошини силаб, шаҳаншоҳ томонга кўз ташлаб, ишора қилар экан, деди:

"Қасаминига инонурлар, ўғирликка тағин қўл урсанг, эл аро саёқ юрсанг, сўзларидан тонурлар, боз ҳибсга олурлар. Ҳозир озод бўлгайсан, ёмонга ёт, яхшига зот бўлгайсен!"

Мубоди-мубод сафдаги иккинчи осий ёнига ўтди ва уни суроқقا тутди:

— Нечун бундоқ сен бўлиб гумроҳ,  
Қилиб қўйдинг хунук айб, гуноҳ?  
— Шум шизитонга бўлиб мен ҳамроҳ,  
Ўзга ёрга қўл урдим ногоҳ.  
Тангри ҳақи ичурмен қасам:  
Кўз кўр бўлгай бошқага боқсам...

Мубоди-мубод бу гуноҳкорга ҳам насиҳат қилди: "Ўзгалар ҳалолига боқмоқ не даркор, ҳар кимнинг ўз жуфти-ҳалоли бор. Ҳаромни ўзинига кўрмагил раво, тозалик тан бирла дилингта даво...

Мубоди-мубод яна бир маҳбус рупарасида туриб, сўради:

— Сен-чи, нега тортурсан жазо,  
Элдан ажраб, узлатда танҳо?  
— Дилга қўнди фитна-ю иғво,  
Бошим узра тушди бу савдо...  
Тангри ҳақи ичурмен қасам,  
Ният булким, шул донги ювсам...

Мубоди-мубод гуноҳкорнинг кўзларига синчиклаб, синовчан боқар экан, деди:

— Баракалло, қочгил иғводан,—  
Халос уйнинг бало, гавғодан.

Бироргаким фітна құлурсен,  
Тузогига сен илинурсен.....

Мубоди-мубод нағбатда турған бошқа бир маҳбус ёнига яқынлашиб бориб турди.. Қадди әгилган бұлса-да, ул кимса бөшини хам тұтmas, қоғамны яширмас эрди. Унинг гунохкор әмаслиги шундоқ ҳам күзларидан сезилиб турарди. Олий мақом коқин бу ҳолни күрди ва сұрди:

— Сенға етмуш қандай шум қисмат,  
Қаддинг әгіб, чекурсен захмат?  
— Хизмат құлдым, тұхматта қолдым,  
Оғимни ботқоққа солдым.  
Тангри ҳақи ичурмен қасам:  
Инсон бұлмай номардла юрсам...

Мубоди-мубод туҳмат құрбони бұлған бу кишининг бөшини алоқида раҳм-шафқат билан силаб-сийпалади, унинг күзларига мәхрибончилік ила термулиб, сұзлади:

— Минбад үйлаб босурсен қадам,  
Ва билурсен ким сенға ҳамдам.  
Ким гул тұтди, ким тошу таёқ,  
Фарқ қила бил, ўртоқми, айғоқ...

Шундан сұңг, шаҳаншоқ буйруғи ила маҳбусларнинг күлларидан киshan, оёқларидан занжирлар узиб, бузиб ташланди. Йигилганилар күзи ёшланди. Озод бұлғанлар қавм-қариндошлари, яқын-йироқлари бағрига отилдилар. Наврұзни бирға сайил қилмоқ учун ҳаммалари улар орасида қолдилар. Үзіда йўқ мамнун, аммо босиқ ва вазмин мубоди-мубод халойиққа қараб хитоб қылды:

Жиноятдан юз ўғир, инсон,  
Иноятта құл бергайсен!  
Хиёнатдан юз ўғир, инсон,  
Диёнатта құл бергайсен!

Касофатдан юз ўғир, инсон,  
Шарофатта құл бергайсен!  
Зулм-зулматдан юз ўғир, инсон,  
— Адолатта құл бергайсен!

Шундан сұңг шаҳаншоқ үз вазирлари, вилоят ҳокимлари ва әронли мәҳмөн ила мусиқа садолари остида дастурхон бोшига

үтди. Майдон ўртасида ловуллаб турган улкан гулханга яна қуйруқ ёғи ва зайдун мойи сепишиди. Олов алангаланиб, авжига миниб гүё кўкка туташиб бораётгандай кўринарди.

Майдоннинг бир ёғидан ёлдор шер-арслонлар (Арслон терисини ёпинган йигитлар), иккинчи томонидан шохдор ҳўқиз-бақарлар (ҳўқиз терисини ёпинган йигитлар) чиқишиди.

Улар гулхан атрофида гир айланиб, салдамлик-вазминлик ила қадам ташлашиб, аста-секин рақсга тушиб кетишиди. Сўнгра ўйнай туриб, куйлай бошлашди. Бақарлар ўйнашиб, куйлашса, арслонлар тинглар, арслонлар ўйнаб-куйлашса бақарлар тинглар ва ёким бир-бирларига ҳамоҳанг булишарди, гулхан теварагида биргалашиб ҳамжиҳат, ҳамдам югуришарди.

**Арслонлар** — Қудратли навқиронмиз,  
Душманларга қиронмиз.  
Сафимизда йўқ қўрқок,  
Довкоракмиз, арслонмиз.

**Бақарлар** — Башар-бақар биродар,  
Оlam турганга қадар.  
Еру сув бизга Модар  
Оғобобу оташ Падар.

**Арслонлар** — Ўйнаймиз ва яраймиз,  
Ёлимизни тараимиз.  
Манзилимиз кўп узоқ,  
Мўлжал қилиб қараймиз.

**Бақарлар** — Ёрқин хотир-ёдимиз,  
Хурмузнинг зурёдимиз.  
Ахриманинг додимиз,  
Инсоннинг авлодимиз.

**Арслонлар** — Арслон дейсизми, ё шер.  
Богир дейсизми, далер.  
Бизлар қадам босгандা,  
Гумбуrlайди осмон-ер.

**Бақарлар** — Башар-бақар, қадрдон,  
Икковлон бободеҳқон.  
Бири-бирига қўшвон,  
Биргалашиб экар дон.

**Арслонлар** — Йигит сўзидан қайтмас,  
Арслон изидан қайтмас.  
Олисга боқсан кимса,  
Номардларга сир айтмас.

**Бақарлар** — Ҳей, арслонлар, арслонлар!  
Жангда ўтар замонлар.  
Омон қолиб ёмонлар,  
Ғолиб чиқмас томонлар.

**Арслонлар** — Ҳей, бақарлар, бақарлар,  
Бўйни йўғон қайсарлар.  
Қачон тугаб кураш, жанг,  
Бўлумиз дўст, ҳамоҳанг.

## Бирга

— Арслон-бақар баробар,  
Дунё турганга қадар.  
Хаёт қурур муқаррар,  
Бирисиң еңса агар.  
Зотимиз оташ нафас  
Хеч ким бизга келмас бас.  
Түзөқ құйған қолмас соғ,  
Қасд қылғанлар бұлур паст...

Томоша тугар-тугамас оташкада ёнидан сағ тортиб келаётган құшин күринди. Қатор олдида иккى сарбоз бетиним ногора чалар, улар ортидан бошларига темир дубулға кийган, кенг ягринларига ёй-камон ташлаб олган навкарлар құлларида қилич ва қалқон күтарған ҳолда күкрак керіб, шахдам қадам ташлардилар. Ерга кетма-кет урилаётган бу қадамлар зарбидан ва ногоралар оқанғидан замину осмон ларзага келиб, гумбурлайт-гандай эди. Бұ жангөвар оқанғта ҳамма учун мұътабар ва азиз она Ватан — Туронни улуғловчи, унинг шағыни-шавкати, шарағығы ҳамиша, ана шундай шодиёна күнларда айтладиган мадхия құшилиб янграр, күкларға күтарилар эрди:

Тонг кетидан тонг отар, нурағышон күн муборак,  
Йиллар үтар, онғ ошар, әзгу замондан дарап.  
Шахдам қадамлар ташланғ, бўлингиз оташюрак,  
Минг томири уруғмиз, Туron эли муштарак.

Табаррук аждодлардан қонинг, зоту зурёдинг,  
Оламга донг таратди, қуттуғ қадам авлодинг.  
Фалокатлар ёғрилса, балогардон саботинг,  
Довюрак фарзандларинг сенинг учқур қанотинг.

Тонг кетидан тонг отар, нурағышон күн муборак,  
Йиллар үтар, онғ ошар, әзгу замондан дарап.  
Шахдам қадамлар ташланғ, бўлингиз оташюрак,  
Минг томири уруғмиз, Туron эли муштарак.

Тенгти йўқ сахий элсан, юрагинг кенг дастурхон,  
Минг бурдага булурсен, топсанг агар битта нон.  
Дилингдан аримасин ишончу, имон, виждон,  
Илоҳим четлаб утсин сени бурону тұғон!

Тонг кетидан тонг отар, нурағышон күн муборак,  
Йиллар үтар, онғ ошар, әзгу замондан дарап.  
Шахдам қадамлар ташланғ, бўлингиз оташюрак,  
Минг томири уруғмиз, Туron эли муштарак.

Давру давронлар оша толмай келади карвон,  
Маизилимиз күп йироқ, кутар оғир имтиҳон.  
Ишонгил она юртим, биз сенга содиқ посбон,  
Зарур бўлиб қолган он, жонимиз сенга қурбон.

Тонг кетидан тонг отар, нурафшон кун муборак,  
Йиллар ўтар, онг ошар, эзгу замондан дарак.  
Шахдам қадамлар ташланг, бўлингиз оташюрак,  
Минг томирли ургумиз, Турун эли муштарак!

...Барбаршоҳ Наврӯз сайли кунига яна бир тадбир-маърракани олдиндан мўлжаллаб қўйган Эрди. Яккаю ягона қизи Меҳрабонуни ўз юрти Турондан бегона қилгуси, Эрон шоҳи ўғлига бергуси келмас эрди.

Султон Меҳрабонуни чақириб деди:

— Яккаю ёлғизим, осмонда юлдузим, буталоғим ва қўзим,  
қароғиму икки кўзим! Ширин-шакарим — сўзим! Яхши уқсанг  
ва билсанг, менинг узим сен. Ўғлим йўқдурки, Султон бўлса,  
менга жигару жон бўлса, имон бирла виждан бўлса...

Кўрай дея невара, уйқум келмайди сира, кўзларим олди хира. Бу ҳолимни сен англасанг, йигитлар кўпдур бунда, биронтасин танласанг!..

Барбаршоҳ ўз вазири вузаролари, мулоғиму ноиблари, вилоят ҳокимларининг, оёну зодагонларининг ақли расолиги билан ва куч-қудрати, покизалиги ила танилган ўғлонларини ҳам оталари қатори базми жамшидга таклиф қилган эрди.

Яна юртнинг азаматлари, паҳлавонлари, ўтда ёнмас, сувда тўнгмас шоввозларини Наврӯз сайли кунлари Сусамбил қальъаси майдонида тўплаган эрди. "Уларнинг бари полвонлар курашида, оловдан сакрашда, ўлан айтишувда ва ўзга ўйинларда қатнаш-синлар!" деб, султон фармойиш берди. Кун бўйи, эрта тонгдан кеч-шомгача қиёмат-қойим ўйинлар ўтди.

Кечқурун голиб чиққанлар шарафига катта базм бошланди. Шунда шароб ичиб, сархуш бўлган Барбаршоҳ Меҳрабонуни чақириб, унинг қўлига май тўлдирилган олтин жомни тутқазди-да, деди:

Қизим, шаробга тилинг теккис,  
Сўнг кўнглинг истагонга еткиз!  
Бизго дилинг кўнгонни билгиз,  
Етар энди юргоннинг ёлғиз!..

Меҳрабону довдираб қолди, дилидан ороми йўқолди. Сўнгра дадиллашиб узини тутиб олди. Не қилсин у, ота тангри бирла тенгdir, хоҳиш иродаси шамширдай ўткир, оламдай кенгdir...

Меҳрбону даврада айланур эрди, бунга ниқоб кийган Шопур не дерди? Артиб қуритолмас манглайида оқаётган терди? Қыйруқ остида қирқ ўткир игна санчилур, сиқулур эрди. Уни фақат ибо бирла ҳаё ушлаб турур эрди. Меҳрбону ҳамон давра айланур эрди. Бироқ кўкрак кериб, шайланиб турғанлар ичра кўнглига күш ҳеч кимни тополмас эрди. Уларга қайрилиб қарамоқ қайдা, қиё ҳам боқмас эрди.

Меҳрбону майдондан қочиб чиқмоқчи эрди, бироқ буни ўзига номуносиб, эриш билди. Фикру хаёлида фақат Шопур ва яна Шопур эрди. Үшал чавандозу ботур эрди...

Шу он Оташкада узра бир кўк кабутар учиб келди. Одамлар бошида чарх урди, елди, югурди, бир зум тепада муаллақ турди, сўнг Барбаршоҳ ёнида ўтирган эроний меҳмон тепасига бориб, жавлон урди...

Меҳрбону беихтиёр тұхтаб, шундоқ бир разм солди ва тонг қотди. Бу кабутар ўзи учирган элчи эрди. Шопурни Эронда тополмай Туронға қайтиб, хатни энди берди.

Меҳрбону хаёл ўтказмай, жом тұла майнин үшал Меҳмонга тутқазди, ўзини давра ичра хижолат тортиб юрмакдан қутқазди.

Майдон узра кулгу, шовқин, сурон құзғолди. Бирор у ёқса, бирор бу ёқса ўқтолди. Кимлар "Уят бўлди бул", деб қаҳ-қаҳ уради.

Сўнгра улар этак қоқдилару, бул майдондан ўзларини чекка ёқса тортилар, қаёнларга бурдилар, қаёнларда туртилар...

— Бу не шармандалик, не қилмишдур! Бу фақат нодоннинг ишидур. Қаранг, меҳмон қизнинг отаси янглиғ кишидур!..

Дутор торларидек тараптап тортилиб турған шу онда, шу фурсатда фалакдан фалокат ёғди. Бирдан тұфыну бүрон құзғолди. Чангу тузон кўз бирла юзни тутди. Осмонда порлаб турған ойни ҳам ямлаб ютди. Фақат осмон эмас, замин ҳам титраб, зилзила уйларни қақшатиб ўтди. Одамлар ҳатто күзин очолмасди, бирон-бир ёқса қочолмасди. Гоҳо момақалдироқ булиб гулдираб, гоҳо чақмоқ булиб, ўт чақиб Аямажуз келди үшанда. Қораёвуз қўлтиғи бўлди Меҳрбонуга гўшанга. Қора булат бўлиб уни олиб кетдилар, кетиб қаёнларга етдилар, қайси горлар ичра, қайси тоғлар аро бекитдилар?

Шопур ўз юзидағи ниқобни олиб ташлади, асли ҳолатига қайтди, ошуфтаю ғамгин ва ҳорғин қўзларини ёшлади. Бироқ кўз ёшию, йифи-сиги, фарёду дод эл дардига даво бўлмаслигини у яхши билар, буни назарга илар эрди.

"Қаро кучлар, зулмату оғатни, дөв бирла аждаҳолар, жину ажинларни забун қилурмен, қаён кетди улар, яхши билурмен, тоғдами, гордами, чўлдами юрак-бағирларин янчиб тилурмен,

юриш бирла юмушимни шундай қилиб, ғолиб якун құлурмен!  
Сусамбил маликасин озод этиб, қайтариб, олиб келурмен..."

Шопур шундай аҳд қилди. Ҳалойиқ олдида қасаму онт ичди.  
Эрон лашкарларига Турон сарбозларини құшиб төг сари, Аямажуз  
ва Қораёвуз истиқомат қилувчи гор сари йўл олди.

## РИЗО — ЖАВОҲИР, НИЗО — ҲАВОТИР

Катта құшин горга яқинлашаётганини күриб Қораёвуз уз  
дүсті Қорадевни ёрдамга чақирди.

Девмидуру, ёлмогизмидур? Ё ёввойи ҳўкузмидур, тўқайда  
тунғизмидур? Олти кўз, олти оғизмидур, оғизлари ҳовузмидур,  
нафаслари ях-музмидур, қараб турса, ачитадур, қорачиги ё  
тузмидур, ё тигмидур?

Гавдаси зўр гужумдай, калласи катта ҳумдай, қорни тўлган  
қоп каби, мўйловлари шоп каби, қулоқлари шалпанг-шалпанг,  
бироқ гарангдур, қаранг! Бурнидир мисоли шумак, лабларин  
очиб урганда чумак, оғзи гордай, яқин борсанг ютиб юборгай.  
Тишларин бири узун, бири калта, қийшиқ ва ачки-бачки,  
шундай маҳлук эрди Қораёвуз қароқчи...

Қораёвуз ва Қорадев Шопур лашкарларига пешвоз чиқиб,  
наъра тортишди. Наъра шамолида навкарлар чивину-пашшадай  
учдилар, сўнгра ер тишлаб, тош қучдилар. Бироқ Шопур қаддин  
эгмай, хам қилмай, одамёввойи сари тик борди, шошмай  
қиличини қинидан чиқарди, уни кенг кўкрагига боғлаб, Қорадев  
оғзини чоғлаб, олдинга ўқталди. Бир зарб ила уриб, уни йиқитди,  
буёғидан кириб, у ёғидан чиқди. Қораёвуз қам бошига тушган  
қилич зарбидан иккига бўлинди-ю, икки ёнга шалпайб-шилқайиб  
тушди.

Бўлди уруш ўшанда, бўлди уруш. Буни буёқча буришу, уни  
у ёқча суриш. Дарёлар суви қон бўлиб оқди, тоғу тош нолаю  
нолиш қилиб, тутоқди...

Тўлди юртнинг сабру тоқат косаси, ҳар кулфату касофатнинг  
бор, ахир инҳояси. Зулму зулмат, билинг, нафрат ва ғазаб  
дояси. Йиғлади, ингради инсон боласи. Фалак аҳлига етди  
ноласи. Тўлди қароқчилар қисмати ва паймонаси. Келди қон  
ютиб, қирилиш хонаси...

Офтоб ғазабга минди, Моҳтоб ғазабга минди, сайёраю юл-  
дузлар қалби қаҳр ила силкинди. Қаро булуллар тоққа қараб  
югурди. Қаттиқ бурон туриб, отини шу ёқча бурди. Қароқчилар  
макон қурган тоғу тош муз бўлиб тўнгди, уларга таҳликали  
кўланкалар қўнди.

Элатларни талаб қайтган яроқчию айгоқчиларнинг қутилиб

қолғанлари ва улар ўғирлаб келган турлы-туман тилла буюмлар, кумуш анжому, биллур безаклар, ҳалқа ва узуклар тош бўлиб қотди. Айёр Аямажуз эса яна ўзи чиқдан жойга — Баҳри Уммон қаърига қочди.

Етти куну, етти тун денигизлар қалқиб, дарёлар балқиди. Баҳри Уммонни қоплади тўлқину тўфон, Ер юзини бўрону тўзон. Аммо лекин фирибаглардан фирибгар, жодугардан жодугар Айём ожуз жаҳаннам тубида, қоронғу дунёда яна яшириниб қололди омон...

Офтоб чиқиб, булут тарқади, тўхтади бўрон. Жаҳаннам қаърида ётур Аямажуз заиф ва нотавон, ҳамон ва ҳамон...

Бироқ қайди Мехрбону, заминдами, осмонда, ёким сузиб юрур, тулпор миниб, Баҳри Уммонда. Шопур турар эрди ўшанда булоқча ва коя тошларга боқиб, Мехрбону ишқи ила уларни оловга ёқиб. Ёнимай, эримай қолурми тош борму, муз борму, ё қорми? Мұхаббат ўтидек зўр нарса борми?

Шопур турган ўрнидан бир сакраб тушди, гўёки бошидан эс-ҳуши учди: Оқ тулпор устида олтин эгарда, оппоқ ҳарир кийган, биллур сочли Мехрбону ўтди. Оқ тулпор кетидан ҳамон ва ҳамон қувар эди, хуруж қиласи эрди, ўшал-ўшал қаро қирчанғи от, хунук ва нимжон. Эй-воҳ, Оқ тулпор қолармикин бу ҳамладан эсону-омон?

Мехрбону нечундур юзини беркитиб ўтди, бироқ ҳайриятки оқ рўмолини силкитиб ўтди.

Сайр қиласи экан тўлқинлар узра, яна ўша йули бўйлаб, орқага қайтди. Бу гал Шопурга нозик назария ташлаб, унга нималарни дур айтди. Бироқ, шалола шов-шувидан, битган қулоқнинг гов-гувидан бирор овоз эшитмоқ кўп маҳол эрди. Шопур хўп гангиган, беҳол, bemажол эрди.

Такрор-такрор қараса-да шунчалар, равшан кўролмасди Мехрбону жамолини. Танғиб олмиш эрди ул боши бирлан юзига оқ ҳарир рўмолини. Сув шамоли рўмолни сал очғон эрди, ҳаммаёқ тўлди нур билан. Шопур кўзи қамашиб, тўқнашганда бу ёғду билан, малика тожидаги нақшин дур билан...

Шопур эс-ҳушидан кетди, йиқилди ерга, манглай пешонаси ботганди терга...

Тағин ҳуши қайтиб, кўзин очганда, ҳазин бир куй келарди қаён-қаёндан, узилиб-узилиб, аҳён-аҳёнда...

Эронда ўрлон бўлган Сиёвушсен,  
Туронга тўғон бўлган Сиёвушсен  
Элинита қалқон бўлган Сиёвушсен,  
Юртга султон бўлган Сиёвушсен.

Юрак-багри қон бүлган Сиёвушсен,  
Бемаңт қурбон бүлган Сиёвушсен!

Шалолалар овозинг жарангидан,  
Бу қизил лолалар қонинг рангидан.  
Ниш урулар тақрор-тақрор, янгидан.  
Олур эл баҳра гул бирла баргидан.  
Турон сұлтон әрдинг улуг Сиёвуш,  
Эй воҳ, қурбон бүлдинг қутлуг Сиёвуш.

Босған қадамларинг, азоб-изтироб,  
Тан-жонинг ғанчилиб, бўлди ҳок-туроб.  
Оқдан қонинг сенинг дарёи-хуноб,  
Тўккан кўз ёшларинг муборак гулоб.  
Унга чўмилганлар топгайлар савоб.  
Унга сигинганлар топгайлар тавоб,  
Баҳру-наҳримизга сен мангумироб,  
Ўлмас руҳинг бизга нурафшон офтоб,  
Турон сұлтон әрдинг улуг Сиёвуш,  
Эй воҳ, қурбон бүлдинг қутлуг Сиёвуш!  
Дараҳтлар йиглайди этилиб хомуш,  
Мажнунтол букилмиш ғамгин, фаромуш,  
Тогу-тош йиглайди бесас, бетовуш,  
Осмонда муаллақ тўхтаб, йиглар қуш,  
Турон сұлтон әрдинг улуг Сиёвуш,  
Эй воҳ, қурбон бүлдинг қутлуг Сиёвуш.

Додким, фарёдким, тұхмату-бұхтондин,  
Жудо этди элни богу бүстондин.  
Туронға посбон ҳисору-құргондин,  
Фуқаро ғамин еган меҳрибондин.  
Юртта сұлтон әрдинг улуг Сиёвуш,  
Эй воҳ, қурбон бүлдинг қутлуг Сиёвуш!

"Сиёвуш" сүзи қулогига қайта-қайта эшитилганида, Шопур ўз атрофида не ҳанғомалар бұлаётганини тушунди. Үрнидан туриб овоз чиқаётган томонга юруди.

Наврӯз сайли бураңдан сұнг давом этар, яшил лиbos кийган аёллар ҳамон марсия ўқири.

Шопур Сиёвушнинг фожиали тарихини яхши билар эрди, үзи ҳам ўшал қутлуг кимсадек икки халқ фарзанди эрди. Падари бузруквори эроний, муҳтарама волидаси туроний эрди. Худди Сиёвуш янглиғ бу икки элни яктану яқдил, иноқу аҳил қылмоқ унинг эзгу орзуси эрди. Эй воҳ, минг марта эй воҳким, дайди-ю шум шамоллар бу эзгу орзуларни қаёнларга сурдию супурди.

Шопур ўзининг бу шириң орзу-умидлари хусусида ўйлар экан, қалбида тоҳо чучук, тоҳо аччиқ туйғулар түғён қилиб, дилига шеъру ашъор оқар эрди:

Ният шул эрдиким, Эрон ва Турун бүлсайди ҳамдам,  
Эзгу, шириң сұзлар ила бир-бирун эсласа ҳардам.  
Низони иргитиб четта, берсалар күмагу-ёрдам,  
Ұшанде бүлгуси эрди қадамлар илдаму-шаҳдам,  
Иғвою-фитналар топғуси эрди мангуга барҳам.  
Ва лекин бу тилак шиша янглиғ чил-чил синди,  
Дилда ишкім қайнади, лойқа сувдек тұхтади-тинди.  
Қаёнларга қочди толе мәндан, бекинди — ёширинди.  
Олиб бошимни бундан қайси әлға кетгаймен энди?  
Келгон әлға қайтиб энді қайси юз ила боргаймен,  
Бу күтлуг тупроқни тарк этмаймен, бир умра қолгаймен!  
Башарты кеттүдек бүлсам, гард каби йүқолгаймен,  
Муборак волидам рұхин қайси күйларға соглаймен,  
На ўлыб гүрда ёттаймен, на йұлымда юролгаймен.

Шопур бир қадар ўзига келиб, ўйлади: "Нечун бунда тимтик турурмен. Бу ёқларда нелар қилиб юрурмен?"

Музи эриб оқаёттан тоғларга қаради. Қүёшда ярақлаб пастға чопаёттан шұх шалолаларға, шовуллаб-шарақлаб оқаёттан булоқларға қандайдыр бир ички дард ва ҳавас ила қаради:

Ұзини тизма тоғлар дарасида, тұқайлар орасида күрди. Бу эл "нұрағшон Нурота" деб аталур эрди. Мехр ила Шопур унинг гулларини терди. "Бу ер әрмас менға ўзгаю бегона, муқаддас момом әрүр ва қутлуғ она!" — эркин нағас олиб Шопур, сұзлади, деди. Сұнгра гоҳ утлар узра ёстаниб ётди, гоҳ турди-ю, кенғ қулоч керди. Лаблари шивирлаб, оқиста-оқиста күйлар экан, ҳар бир сұзга айрича ургу берди:

Одамлар, златлар минг чодир экан билсам,  
Ва лекин азал-азал бир томир экан, билсам.  
Бириси олий зоттур, бириси паст демек хато,  
Чин инсон насағ-насли асл-нодир экан, билсам.  
Ушбу эл зұр, қобилу, ўзға ноқобил деманг,  
Барчаси марди-майдону ва қодир экан, билсам.  
Не ўғлонларни күрдім жанты жантогоҳлар аро,  
Бариси баҳодири, алп-ботир экан, билсам.  
Буни оқыл санабон, уни жоқил атаманг,  
Ҳар қайсиси ўзликча хұп моҳир экан, билсам.  
Во ажаб, эллар, дилге дил қовушмоги,  
Мудом мушкил-муаммо, күп оғир экан, билсам.  
Инсон гоҳо сайёра, парвонадек авора,  
Гоҳо муҳожир, гоҳо мусоғир экан, билсам.  
Қаён мен қадам құймай, неча кимса учрарким,  
Ботинида кир-чирик, зоҳир-сир экан, билсам.  
Э, марду мардум, тингла, сенға тақрор айтгаймен,  
Ризо — жавоҳир, низо — хавотир экан, билсам.

Шундан сүнг Шопур Туори ва Эрон лашкарларини бирлаштириди, қайта йигди. Четта қўйиб қилич бирла тигни, қўлларига метин, кетмон ва белкурак берди. Улар билан биргаликда бу шалола ва булоқларни Зарафшон дарёси томон бурди. Яна қанча-қанча чашмаларни бирлаштириб, унга қўшди, қўшилган булоқлар қайнади, жўшди. Улар икки дарё бўлиб оқди, чўлу биёбонларга боқди. Ўйнаб оқаётган сув кетидан Шопур бола каби югорди, чопди.

Чанқаганлар сувдан қониб-қониб тўйдилар, дарёлар номин "Комимеҳр"<sup>\*</sup> ва "Шопурком"<sup>\*\*</sup> деб қўйдилар...

У дарёлар ҳозир ҳам бордур, қишин-ёзин пурвиқордур.

Неча-неча йиллар ўтар, ўтар асрлар, улар ҳамон ёнма-ён оқурлар, дийдор кўриб, яна тўймай боқурлар, сув ичганлар қалбин мангумуҳаббатда ёқурлар, гоҳо-гоҳо суви камроқ келганди, чанқоқ бўлиб тутоқурлар, саҳро аро адашиб, қаён-қаёнларга улоқурлар...

— Дарёларни қазиб бўлиб Шопур қаёққа кетди? — сўрадик биз Нурмомодан, — Эронга қайтгандур? Буни қадимги оқинлар, балким, айтгандур?

— Йўқ, чироғларим,— жавоб берардилар Нурмомо,— Шопур Эронга қайтмади, ўз юрак сирларин ҳеч кимга ҳам айтмади. Дарёларни қазиб, чўлу-биёбонларга сув ўтказиб, она юртининг бузилган ерларини қайтадан тузаб, ясантириб-безаб бўлгандан кейин яна тоғлар ён бағрию, ёнбошига, яна булоқлар бошига борди.

Ҳамон Мехрбону ишқида маст-аласт Шопур ўшал маҳваш юрган булоққа ташлади ўзини, хуллас. Сув ости салтанатида бир-бирлари ила топишиб, опичлашиб-қучоқлашиб, ёвуқлашидилар, мангумангуга қовушдилар.

Ҳамон-ҳамон ўша оқ тулпорга бирга мингашиб, сайл кунлари ёру дўстлар, ҳамюртлар келишармикан, деб ҳар йил кутарлар, ўшал булоқлар сари сайд қилиб ўтарлар. Зеҳн солиб, қараган кимсалар уларни элас-элас кўрарлар...

Шул боисдан тоққа чиқмоқ, жонлиқ сўйиб, қон чиқармоқ, булоқ бошига бормоқ ва садага бирла қурбон бермоқ ўшал замонлардан тимсолу-таомиллур, бу эзгу урф-одат тўкин-сочинликка гаров-омиллур.

Яхши ният қилиб борганиларга раҳмат ёғилур, толе ёр бўлур, топур улар хайру-барака, нарзи-ниёз қўлсанг, шодон ўтур сайду-маърака.

\* Комимеҳр — Меҳр дарёси (Ҳозирги Конимеҳруд)

\*\* Шопурком — Шопур дарёси (ҳозирги Шофурконруд)

Айтурларким, Мекрбону ўшал улкан тогда — Алвон Лола бўлубтур, Шопур иши фигон бирла нола бўлубтур. Лола ранги шул сабабдан қип-қизил қондур, булоқ суви қайнар вулқондур.

Лола бағри шул сабабдан куйган қаро дод бўлмиш, унинг бирла ҳатто харобалар усти кўмилмиш...

Ҳар йил ҳамал ойи яна уйғонур Мекри — Лола, ачиқ тақдиридан йигълаб, Шопур қиладур нола. "Минг бир лола" ҳам уйғонур шунда, "Қирққиз қоя" ҳам жонланур шунда, "Қалдирғоч қоя" ҳам ҳаяжонланур шунда...

Ўша-ўша қадим замондан буён,  
Кўклам келганида дилларда тугён.  
Дарё боши бормоқ элатта одат,  
Муз-у қор эришин кўрмоқ саодат.

Ўша-ўша қадим замондан буён,  
Қўзголиб оҳиста, буён ва ўён.  
Сесканиб, тебраниб, субҳи саҳарда,  
Тўйиб нафас олиб, эрта наҳорда.  
Жонланиб, уйғонур Қирққиз баҳорда.  
Олис-олислардан шунинг туфайли,  
Қари борми, ёшми, барибир, майли,  
Чорлар, Наврўз сайли, Гули сурх сайли...

...Йиллар, асрлар кетма-кет ўтиб борур, ҳамон ва ҳамон ўша "Қирққиз қоя" ёнбағирларида баҳор кезлари минг бир лола тақрор ва такрор униб чиқур. Қизил-алвон рангта бўялур, ҳамон ҳамон ўша булоқлар, шалолалар бўйида ўтириб, кўзачаларга зилол сув тўлдириб, авлодлар кетидан авлодлар роз айтурлар, сайил қилиб, лолалар ила сўйлашурлар:

Наврўз келди, наврўзей, ҳей лола,  
Сомса тўла тогора, ҳей лола.  
Карнай, сурнай ногора, ҳей лола,  
Авжга минсин тобора, ҳей лола.

Қўлимдаги пиёла ҳей лола,  
Безаклари гул лола, ҳей лола.  
Шароб қўйиб бермасанг, ҳей лола.  
Йигълаб қиласди нола, ҳей лола.

Тоғдан оққан шалола, ҳей лола  
Қирғоқлар тўла лола, ҳей лола  
Даста-даста гул тердим, ҳей лола,  
Кимга қиласай ҳавола, ҳей лола.

Бизнинг қишлоқ қизлари, ҳей лола,  
Соңлари тола-тола, ҳей лола.  
Ширмон-ширмон юзлари, ҳей лола,  
Ололмайди нимкола\*, ҳей лола.

Нары боринг бұз бола, ҳей лола,  
Ұялади қыз бола, ҳей лола.  
Висолига етолмай, ҳей лола,  
Юрак-багринг садпора, ҳей лола.

### МОМО ҲАВО БИЛАН БОБО ГУЛДИР

— Шундоғ, чироқларим,— бир лаҳза нафас ростлаб ҳикояларини давом эттирилар Нурмомо,— үт-оловда қоврилсаям, шамолу бүронда соврилсаям, тутоқсаям, ютоқсаям, ожуз үз қоронғу ётогида, үшал жағаннам горда жимгина ётмайди, шөвқин-сурон солиб, муз ва қор-қиров уфуриб, чүл chanғитиб, йүл chanғитиб изгирип бўлиб елади, эл-юргита ҳамлаю ҳужум қилиб келади. Баҳор насимини йўлини тұсади, муз ялаб, муз қусади. Кўклам ойининг кўкрагига ханжар уради. Бу кунларни ҳут-ют дерлар. Унинг севган құшиғи дүқ-пўписадир, чиқиб бораётган қишига қараб үшқирадир:

Уч ой сенму, тұқсонсен,  
Бир кунимчалик йўқсен.  
Бандаларни ютмассен.  
Оё шунчалик тұқсен?

Сўнгра Айём ожуз далага ишга чиққан одамлар ёнига келиб, дўғ. уради:

Аҳриману, Аҳриман,  
Етги иқлим яхиман.  
Билсанг танты, сахиман,  
Йўқса нафрат, жаҳлман.  
Бўйин қўйсанг аҳилман.  
Тўхтамасдан тегирмон,  
Ун ғамлагил юз ботмон,  
Ўтин йиғ хирмон-хирмон.  
Кулча ёп ширмон-ширмон  
Билсанг, Аямажузмен,

\* Нимкола — майиб, заиф (*шева*).

Билмасанг, ёлмогизмен,  
Қирқ оёқ, қирқ оризмен...

Аямажуз ила ҳут-ют хархасидан қўрқиб, илиқ кунларга эндиғина офтобга тобланишга чиқаётган барча жонзод, паррандаю даррандалар яна уя-уяларига қайтиб кириб яширинадилар. Тупроқдан бош кўтараётган нозиккина гиёҳлар жовраб, қотиб-қовжираф қоладилар.

О, чироғларим, сўраманг буёгини. Одамлар ҳам шум ҳутютнинг ҳамласидан қочадилар.

Ота-боболар демишлар:

Ҳут агар ҳутти кунад,  
Кампирро дар қутти кунад.

Шу топнинг ўзидаёқ Нурмомо ўzlари ўзбекчага ўгирадилар:

Ҳут, агар ҳутлиқ қилар,  
Кампир қочиб, қутти кирап...

Ушбу айтимга Нурмомо ўzlари тўқиган Ҳут қўшиғини қўшиб, юборардилар:

Яхши келсам ҳур ҳутман,  
Ер бағрида ўт-дудман.  
Ёмон келсам ют-ютман,  
Дўл ёғдирур булутман.

Одамлар бор кўп овсар,  
Иш қилишар сарбасар.  
Ем-хашак ғамлашмайди,  
Ҳут кирмай моли қантар\*.

Қантарда мол қалт этар,  
Қўзлари ялт-ялт этар.  
Ем қидириб эгаси,  
Юрт кезади дарбадар.

Қайларга бориб этар,  
Топа олмаса нетар.  
Бармогин тишлиб қайтар,  
Мол маграса гунг ва кар.  
  
Мол тўқ бўлса, мўл-кўл сут,  
Четлаб ўтади ҳут-ют.

Уйинг, усти-бошинг бут,  
Юртингда барака, қут.

Киши ойларини, аниқроғи кўклам остонасидағи ҳафталарни қадим замонларда ота-боболармиз "Қантар" деб атаганлар. "Қантар" сўзи яна "оч" маъносини ҳам англатган. "Молни боғлаб, қантариб қўйипти" деган ибора шундандир.

Хут кирганды қор пога,  
Ёмғир билан бол өзар.  
Хотин-қизлар басма-бас,  
Хурма-хурма сут согар...

Күшикни айтиб бўлиб, Нурмомо ҳикояни яна давом этти-  
рардилар:

Аямажуз гоҳо дев булади, гоҳо аждарҳосиман, чор атрофга  
келтирар қирон. Жуда қадим-қадим замонлардан буён, бу шум  
ёсуман одамлардан олар интиқом. Баъзан дўл бўлиб ёғрилур,  
баъзан дайдиган шамол, баъзан бўкиради, ўкиради бўлиб бўрону-  
тӯфон...

Баъзан изгирин, баъзида чақмоқ, гоҳо момақалдироқ, гоҳо  
Момо Ҳаво бўлиб, қоқади пўстак, бетиним, устига-устак...

Ҳикоя Нурмомо оғзида ана шу зайл назимга айланиб  
кетаверарди:

Сел қуяр Момо Ҳаво,  
Гоҳо заҳар, гоҳ даво.  
Шариллар тарнов, наво,  
Кел қиласайлик, томоша!

— Момо Ҳаво ким, бувижон,— сўрардик энтикиб, чанқаб сув  
ичаётганды ҳалқумига бирор нарса тиқилган кишидек нафас  
ростлаб ололмай, — ўша Аямажузми, ё бошқа момоми?

— Ҳа, чироқларим, бошқа Момо, қутлуғ Момо. Аямажуз  
тоғларда, горларда яшайди. Момо Ҳаво осмоннинг тўрида,  
айвонида, ўз тахтиравонида яшайди... Айтиб бермабидим, ҳали  
сизларга Момо Ҳаво бирла Бобо Гулдир нақлини. Кейин  
айтарман, ё ҳозирми?

— Бирозгинасини айтинг, ҳозир, буви, бирозгинасини,— бе-  
тоқатлик билан қистардик,— Аямажуз кимлигини энди биламиз.  
Момо Ҳаво кимлигини ҳам билайлик-да, алмаштириб юбормай-  
лик. Ҳозир, мана, тушунолмай қолдик, Момо Ҳаво Қутлуғ  
бўлсалар, нега юборган селу-ёмғирлари "гоҳ заҳар, гоҳ даво"  
дейсиз?

— Ҳа, дарвоқе, ҳақ гапни сўраб турибисизлар, Момо Ҳаво  
бизга атаган ёмғиру қорга шум Аямажуз йўлда, булут орасида  
пойлаб юриб, заҳар аралаштириб юборади...

Момо Ҳаво қутлуғ момо, яхши билиб қўйинглар! Бизга нону  
суг беради. Шул сабаб, қадим-қадимда қурғоқчилик вақтларида  
одамлар қўлларига хурма ушлаб, товоқ ва коса ушлаб, осмонга  
тиқилганлар, Момо Ҳаводан илтижо қилганлар. "Нон биёр, шир  
биёр — нон бер, сут бер!" — деб сўраганлар.

Үшанда булатлар сийнасидан сут чиқан, оппоқ ёмгир оби-раҳмат булиб ғылган. Үшанда нон бирла дон, сут бирла қатиқ-қаймоқ, сариғ мүл-күл, юрт обод бұлган. Дастанхон нозу неъматлар ила тұлған. Ҳа, чироқларим, оқ булатлар, Момо Ҳавонинг гавмуш сигирлари бұлади.

Нурмомо шеър түқиб, бизга айтиб, ёд олдирадилар:

О, Момо Ҳаво, Момо Ҳаво,  
Нафасиңг бизга даво.  
Ерга етиб келурму,  
Бұлурми бизга раво?

О, Момо Ҳаво, Момо Ҳаво,  
Күйлагинг мотам саро.  
Қаёнларға чонурлар,  
Булатларинг қоп-қора...

О, Момо Ҳаво, Момо Ҳаво,  
Сенсен осмонга оро.  
Ёнингда Зұхал, Зұхро,  
Барисидан сен айло.

О, Момо Ҳаво, Момо Ҳаво,  
Сен бизга Құтлуг момо.  
Бұлғин бизга мудом ёр  
Нон биёру, шир биёр!

Сигирларни Бобо Гулдир боқади, Момо Ҳаво соғади. Бобо Гулдирдаям пұстак бор. Уям Момо Ҳаво яңглиғ пұстак-ногора қоқади. Ёйилиб юрган моллари, ғовмиш сигирлари бұлмаш оққу булатларни бир ерга йифмоқчи, түпламоқчи булиб, шундай қилишади. Ана үшанда Момо қалдироқ гулдираиди, осмондан ногора овози акс-садо бериб, бизнинг қулогимизга етади...

Нега чақмоқ чақади?

Бобо Гулдирнинг молларига, құқдаги яйловларда яйраб юрган оқұларға оч йиртқичлар ҳамла қиласы. Шунда Бобо Гулдир уларни ҳимоя қилиб, камон отади. Ана шунда осмонда чақын чақнайди. Камалак ёйлади. Үфқ етти хил рангта бұялади.

Қор қаёғдан ёғади? Бобо Гулдир ов қилиб, улкан музлик устида, булатлар орасида у ёқдан — бу ёққа от чоптирганида туғғи остидан учқунлар чиқади. Ана шу учқунлар қор булиб ёғади. Борди-ю, катта-катта учқунлар учса, дұл булиб ёғади. Шул сабабким, одамлар қор бирла ёмгир ёғмай қолгудек бұлса, ҳадеб, кетма-кет дұл ёғаверса, вайронкор сел ёғаверса, Бобо Гулдирға ёлиниб-ёлворадилар:

Эй, Бобо Гулдир, эй, Бобо Гулдир,  
Булатларинги раҳм-шафқат қилдир!  
Кечаю күндүз гулдир-гулдир,  
Бергани дұлу бузғунчи селдир.  
Эй, Бобо Гулдир, эй, Бобо Гулдир,  
Қаердасен бизга тезроқ билдир!  
Ә булиқ қор бергил, әки ёмгир,  
Минг-минг ариқ оқсии, шилдир-шилдир!

Эй, Бобо Гулдир, эй, Бобо Гулдир,  
Булут остида яшириңган кимдир?  
Оппоқ бошини қашыған кимдир,  
Аямажудир, тұтмагыл, сен сир!

Эй, Бобо Гулдир, эй, Бобо Гулдир,  
Чангу-тұзоқдан бұлдық күп дилгир.  
Бошимиз узра құш қанотинг кер,  
Даф қыл балони, оби-рахмат бер!

Эй, Бобо Гулдир, эй Бобо Гулдир,  
Булутлар сийнасидан сут ёғдир!  
Гавмуш сиғир недир, ёмғир недир,  
Фалақдан бізга баҳту-құт ёғдир!

Шундоғ, чироқларим, Момо Ҳаво билан, Бобо Гулдир құт-  
лугу-улуг, азизу-мұтабар, асл зотлар, Аямажуз бошқа. Ул шум  
бош әзгулиқка душман. Яхшилик қилишни билмайди. Бирор  
яхшилик қылса, құролмайди. Момо Ҳаво бирла Бобо Гулдир  
берган нону сутни, хайру әхсон, қуту-баракани одамлар құлидан  
тортиб олмоқчи бұлади. Дұл ёғдиради, аёзу бүрон, тұғон  
құзғайди, яхшини ёмон ила чулғайди, тиниқ сувни булғайди,  
ұчек тек турмайди. Ҳар сафар Наврұз сайли, гул фасли келгандан  
яна ва яна ҳамлаю хуруж қиласы. Унинг совуқ нағасидан  
ҳаммаёқ, ҳамма нарса музлайди. Шул боис ота-боболар айт-  
мишлар:

"Пеш аз наврұз ҳафт рұз чил кунда сүз!" Тушундингизларми,  
чироқларим, бу нима дегани? "Наврұз келмасидан етти кун  
олдин қиркта тұнка ёққин, яни үтін-күмир йиғ!" — дегани.  
Қаттық совуқ бұлса уйнингдан ташқарига чиқолмай қоласан-да,  
ахир! Үтінни қаёқдан оласан, Наврұзни қандай үтказасан! Иди  
Наврұз оби-оташ байрами-ку, ахир!

Бүсінін әшитинглар, әнди, чироқларим. Бир тоғики каломга  
минг салом беріб, ұшал Бобокалонлар нақлиға бир-иета қатор  
құшдым. Бироқ иккі қаторини тоғикча, иккі қаторини үзбекча  
қилиб құшдым. Ширу шакар бұлсын, дедим, қадимийлар ақли-  
нақлини дилимдан жон деб қабул қылдиму, сұнгра унга тақовул  
қилиб, қулогиға исирғадан қуроқ қүйдим:

Пеш аз наврұз ҳафт рұз чил кунда сүз,  
Бад аз зар дұз, шойи дұз, бұз дұз!  
Нақлу-эртак айтгил, кечә-кундуз,  
Шакар сухан бұлғилу, шириң сүз!

Бу нима деганимиз әнди?

"Етти кунлик наврұз олдидан қирқ тұнка — кунда ёққин,  
үтін ва күмир йиғ, сұнгра уйнингда үтириб, зар тұқи, шойи

түқи, бұз түқи! Кече-кундуз нақл ва әртак айт, шакар сухан бұл, шириң сүз бұл!"

Шундоқ, бұталоқларим, Аямажузни, хавфу-хатарни яхши томонлариям бор; одамларни ҳүшёрликка ўргатади, ишларини саранжому-саришта қилиб юришга ўргатади. Шул боис, Аямажуз яхши, қутлуқ қадам босармикин, деб унинг бирла сұкишмаймиз, уришмаймиз, тұқнашмаймиз, ўқлашмаймиз, аврамаймиз, алдамаймиз, қилич-пичноқ қайрамаймиз. Бешикдаги боламиздай аллалаймиз, әркалатиб, құшиқ айтиб, ялли айтиб, ялловаймиз.

Экин экмоқ тарадуди ила далага чиққан ҳар бир деңқон, боддаги боғбон, чүлдаги чүпон үндан илтимосу-илтижо қиласы, ёлиниб-ёлворади:

Төш ила тарозим бор,  
Эл олдидә қарзим бор.  
Ва яна күп фарзим бор,  
Ушалмаган орзум бор.

Бұрон бунча бўкирма,  
Ҳўқиз каби ўкирма!  
Айкирма ва ҳайкирма,  
Бола-чақамни қирма.

Ё тўфонсен, ё тўзон,  
Қирчиллама қаҳратон.  
Солма шовқину сурон,  
Кептира элга қирон.

Чўлда Гулистан эдим,  
Яшнаган бустон эдим.  
Чаккасига гул таққан,  
Бир азиз инсон эдим.

Богимни қилма яксон,  
Гулимни қилма ҳазон.  
Ўзимни қилма сарсон,  
Хой тўзону, ҳой тузон!

Болам ҳали ногирон,  
Пана тополмай ҳайрон,  
Қаҳрингни қўйғил бўрон,  
Юртимни қилин вайрон!

Аммо Аямажуз ҳеч тинмас, бирор кимсани тингламас-бильмас, писанду эътибор қилмас ва назарига илмас. Чақмоқ чақиб, олам ёқишин, кетма-кет пўстак қоқишин қўймас. Шул сабабдан деңқон, бағри бўлиб қон, осмону фалакка қараб, тағин қилар илтижо-талаб:

Фалак бизни асрагил,  
Яхламасин обу-гил.  
Ёмон кўз-ла боқмагил,  
Пўстагингни қоқмагил!  
Чақмогингни қоқмагил,  
Багримиззи ёқмагил!

Буронни шашти синсин,  
Шамолинг тезроқ тинсин!  
Тоғларда қор эрисин,  
Дарё бўлиб сув келсин,  
Ариқ тўлиб сув келсин,  
Одамлар ризқин терсин,  
Қорни тўйиб нон есин!

Аммо-лекин, тўғри айтмиш донолар, тушунмайди буни дайди-бегоналар, телбаю девоналар: "Ер қаттигу осмон узоқ". Эшитмайди фалак, яна чақади чақмоқ. Яна гулдирайди момоқалдироқ...

Одамлар қаҳру ғазабга миниб, шум кампирни ушлаб олиб,

күмишга, шу тариқа бузмакор буронни тұхтатишига киришадилар. Аямажузға ялиниб-ёлворищдан, илтимосу-илтижо қилишдан қайтиб, тенг курашиб-олишишига, қаттиқ ва аччиқ сүз айтишига үтадилар:

Аямажуз, эй, Аямажуз,  
Бунча бұлмасанг ёвуз.  
Йилинг, әхтимол, тұңғиз,  
Ёки сасиган құнғиз.  
Тинмай кечаю-кундуз,  
Қилмишингдур тажовуз,  
Нафасинг мангупик муз,  
Яхлаб қолади юлдуз,  
Касбинг фақат бұзо-буз.  
Мерган бұлыб, нишонлаб,  
Оәқ-құлинг кишаңлаб,  
Бұғызлармиз, суюрмиз.  
Очиқ гүрга құйормиз...

Шундан сұнгра одамлар Аямажузни яна ушлаб оладилар, бүйніга сиртмоқ соладилар, тушовлаб йиқитадилар, тобут ичра тиқадилар, охурға бекитадилар.

Бироқ Аямажуз ёлғондан күз юмған зди. Охурчадан чиқади маккор. Ҳар йил ушлаб, күмарлар уни, қочади такрор.

Асрлар оша асрлар, авлод кетидан авлодлар үтиб борадур, Аямажуз ҳамон ва ҳамон бедоду-бедор, одамларга берадур озор. Улар тағин ушлаб, бошига муштлаб, тиқурлар гүрга, қийналиб, зұрға. Яна ва яна қочади такрор. Шул сабабки, бүрон бордур, тұзон бор. Үтар йиллар минг-минг ва лак-лак, үқирап бүрон, бүкирап бүрон. Такрор ва такрор.

Аммо инсон боши узра ұша офтоб, ұша юлдузлар ва мангудағы фалак, гүёки бир чамбарак, секин-аста айланур бұлыб қархпалак. Ұша ва ұша, құхнадан-құхна йүллардан ҳамон ва ҳамон, узоқ-узоқ манзиллар күзлаб, гоҳо шодон, гоҳо түядай бұзлаб, қайта-қайта үтиб боради карвон. Бир күн эмас, бир күн манзилу мақсадига, муродига етади Инсон. Бугун бұлмаса эртага, эрта бұлмаса, индинга эсону омон! Фақат касофату-оффатдан, фалокату ҳалокатдан асрагай замон!

Фаразгүюғанымлар, зулмат келтирүвчи золимларнинг йүқдур сони-саноғи, ғурбат ва күлфатнинг, туҳмату хусуматнинг оәқ-одоғи. Юздур Аямажуз, мингдур Аямажуз. Ва лекин ҳаммаси, ҳаммаси инсондан ожиз!..

...Нурмомо ҳикоятларини энтикиб-энтикиб, нафас олмай бұғилиб-хұпикағиб тинглардик. Ҳатто овқатланиб олиш ҳам эсдан чиқиб кетарди. Бу бузмакор, бу маккорнинг қынғир ишларидан, ёвуз юмушларидан, даҳшат тұла хуруждаридан дил ҳарос оларди,

таҳликаю ташвишга тушарди. Нурмомодан талваса ила хулоса сүрардик:

— Бувижон, үзингиз айтасизки, дунёдаги ҳамма нарсаларни, одамларният, ҳайвонларният, буткул жонзотлар, тоғу тошлар ва ўсимлик-гиёхларният Тангри яратган.

Нега унда ёмонларни яратди? Нега шайтонни, илонни, девлар, аждарқолар, алвости, жину ажиналарни яратди? Нега ёвуз Аямажузни яратди?

Нурмомо одатдагидек киприкларини алланечук пирпиратиб, ўйлаб турадилар-да, жавоб қайтаришга тушардилар, шеър тұқиб, тушунтирадилар:

Тангри, унұтманғиз, одил Тангридур,  
Бари қылған иши дуруст, онглидур.  
Дүнәнинг тагига құймиш тарози,  
Бирорлар розидур, бирор ңорози.

Бирор фақир эрса, бирорлар қози,  
Бир ёк оғир ва күп, бир томон ози.  
Нечун Тангри унда одил Тангридур,  
Балқим бу ҳол шайтоннинг найрангидур?

Ташвиши йүк одам үтмас ва бұлмас,  
Курашиб турмасанг, толеинг күлмас.  
Кім үттей дүнәдан курашсиз яшаб,  
Фақат ошин ошаб, ёшини яшаб.  
Кім ётар жойида тұшатин тұшаб,  
Оёқ остиндеги кесакка үхшаб.

Хеч кім айтмайдыки, "Қани, ейман, бер!"  
Жами бор жонзотлар, ризқин териб ер.  
Фақат ношудлар бор, "Бергін, бергін!" дер.  
Ризқу рұз қаёқда, сен тұкмасанг тер?

Бироқ билиб құйнинг, одамлар ҳар хил,  
Бири нәқобилу, биридур қобил.  
Бири жоқилу, бириси одил,  
Бири қаро юрак, бириси соғдил.

Одам борки, одамлар жарангидур,  
Дилрабо күй, шұх құшиқ оқанғитидур.  
Эллининг донғи, чаман гуллар рангидур,  
Мангу тонгдур, бироқ ҳар күн янгидур.

Одам борки, қінгір йүллар чангидур,  
Сонға кирмас, майбұ-беланғидур.  
Оё банди, оё саёқ-санғидур,  
От бұлолмас, бир умр қирчанғидур...

Шундоқ буталоқларим, тангри таоло дунёни била-кұра, шунақа қилиб яратган. Яхши ёмонни, күп томон ёнида оз томонни, соз томон қаршиисида носоз томонни яратган, диққат-эътиборингни

шунга қаратган. "Тайёрга айёр бўлиб, фақат еб-ичиб ётавермасин инсон" — деган. Шул боиски, ким яхшидур, ким ёмон, ўз ризқин шунча замонлар қурашиб-талашиб еган, баҳт гулин азалдан елиб-югурниб терган...

## О, НАВРЎЗ САЙЛИ, САЙЛИ!...

Узоқ йиллар давомида турли-туман юмушлар ила кўмилиб, туғилиб ўсан қишлоғимга камдан-кам бордим. Соғинардим, тушларимда кўрадим. Уйғонардиму, болалик кунларимни эслаб, ўйлаб-ўйлаб, кўзим тинарди. Юрак "Юртингта қараб юр!" дерди. Онанг алла айтиб тебратган бешик сари, илк қадаминг қўйилган бусага-эшик сари талпинарди.

Кейинги кезларда қишлоғимга тез-тез бориб қайтишга ҳаракат қиласман. Бораману, баъзан танимай қоламан. Биз униб-ўсан аввалиги қишлоққа ҳеч ўхшамайди. Уни иккига бўлиб ўртада ҳайқириб, пишқириб оқадиган Қумработ ариқ қуриб, жилдираб қолган. Ёнлигимда мени мафтуну маҳлиё қилган, барглари сеҳрли титраб турувчи, кўкўпар тераклар, мажнун толлар, тутзорлар, ўрикзорлар, bog-rogлар энди йўқ...

Бизга ширин-шакар эртаклар ва нақллар, ҳикматлар айтиб берувчи Нурмомо йўқ. Кўча-кўйда чопқиллаб юриб, туртиниб, ийқилиб, у ер-бу еримиздан яраланиб, касалу-усал булиб келганимизда бошимизни силайдиган ота-онамиз йўқ. Ота йўғида бизга меҳрибон бўлган акамиз ҳам йўқ. Гўдаклигимизда елкасида опичлаб, катта қилган ғамхўр опамиз ҳам йўқ. Кечқурунлари ва сайил кунлари дўмбира чертиб, ўлан ва қўшиқ айтuvчи Султон бахши дунёдан ўтганига узоқ йиллар бўлди. Қишлоқ кўчалари илгаригидек гавжум эмас, қий-чув солиб ўйнаб юрган болалар камдан-кам кўринади.

Ўша кезларни ўйлаб ва қўмсаб, юрагим тагига тортиб кетади. Ғамгин ва ҳазин қалб ҳоврини босиш учун, ариқ бўйидаги чангби-тўзиб ётган йулдан юраман. Бир вақтлар Аямажуз тобутини кўтариб, "Ялли момо" айтиб ўтадиган йўлимиздан юраман.

Бироқ ҳеч ким ҳозир бу йўлда юриб, "Ялли момо" айтмайди. Ҳеч ким Айём кампир тобутини кўтариб ўтмайди. Булар у ёқда турсин, "Ялли момо" нима, Айём кампир кимлигини сўраб кўринг-чи?

Ҳозир қишлоқда яшовчиларнинг аксарияти халқимизнинг қадимий афсоналари ҳаҳрамонларини билмайди. Уларни биттга-яримта чол-кампиргина эслайди, холос. Бу маърака-маросимлар кейинги

вақтларда ўтмай қолгани учун бұлса керак, ҳатто улар ҳам "Ялли момо" марсиясини элас-элас, зұрга, қийналиб, хотирга туширадилар.

Нима ҳам дер әдінгиз. Юртдошларимиз, халқимиз елкасида бошқа юклар күп ва оғир. Афсонавий Аямажузни күмиб, "Ялли момо" айтишдан, шу йүсінде номаврид турган бүрөнни тұхтатишдан ҳам зарурроқ ташвишлари тұлиб-тошиб ётиди. Бунинг устига күчамиза, юртимизда бүрон ҳар куни изғиб юриди, уни тұхтатиб бұлмаса-да, бироз пасайтириш, тинчтиш мумкінміканды.

Мен ҳам бошимга тушган ташвишларға шұнғиб, болалигимда әшитганим үшал құшиқ ва ұланларни сал бұлмаса әсдан чиқараेңганды әканман. Бундан бир неча йил бурун хотирдан күтарилған жойларини хайриятки опамдан сұраб, яна юрагимга жо қилиб олишга улгурғанимға хурсандман. Тұғри айтмишлар: юракка жо нарса, хотирда ёд бұлиб қолур.

Мана, тағин қадрдан қышлоғимдаман. Ұша-ұша йүл бүйлаб танқо юрибман. Құз юмиб, болалик кезларимни әслайман.

Наврұз сайлини құмсайман. Ҳис-ҳаяжон тұла қалбимга беихтиёр шеър оқиб кела бошлайды:

О, Наврұз сайли, сайли,  
Сенсан құнғиллар майли.  
Қаёнга кетиб қолдинг,  
Бу юртдан бұлиб дайди.

О, Наврұз сайли, сайли,  
Қувончим, юрагим зарби.  
Айрилиқда шунча йил,  
Ошар дилимнинг дарди.

Сени әлдан ким қувди,  
Эзгу изингни ювди.

Қайси номард буюрди,  
Қани әнди әл марди?

Мұштоқ сенға ҳар баҳор,  
Қайтгил, құрайлик дийдор!  
Яна злға бұлғыл әр,  
Дилдан кетсін ғам гарди.

О, Наврұз сайли, сайли,  
Эл құвнап сен түфайли.  
Сен киртан хонадоннинг  
Бордур барака-хайри...

Хаёл суриб, шеър тұқиб, йүлда юришда давом этарканман, назаримда бир тұда болалар Аямажуз тобутини күтариб, "Ялли момо" марсиясині айтиб, аста-секін қадам ташлаб, үлік жасадни күмиб келиш учун қышлоқдан чиқиб кетаётгандай қүринади. Танга жон, томирга қон бұлиб кирган ұша құшиқ-ұлан марсия хотирамда яна жонланади. Лабларим беихтиёр бир-бирлари ила оқыстагина, билинап-билинмас шивирлашади, қалбинг ұзур қилиб әшитади:

Айём ожуз ўлдиё,  
Ялли момо, яллиё.  
Булоқ суви тополмай,  
Сирка билан ювдиго.  
Бұздан кафан тополмай,  
Бүйра билан күмдиго.  
Ялли момо, яллиё,  
Шаштинг синсин, яллиё!  
Шамол тинсин, яллиё!  
Ялли момо, яллиё,  
Айём ожуз ўлдиё.  
Кетмон-курак тополмай,  
Теша билан күмдиго.  
Гүру қабр тополмай,  
Охурчага құйдиго...  
Ялло момо, яллиё,  
Күмгәнларга баллиё.  
Тинчиб қоларми дунё?  
Қайтиб чиқармикан ё?  
Шүмнинг изи синсин, деб,  
Жүроб\* билан супурдик.  
Издан гуллар унсин, деб  
Гармоб билан сув қўйдик.  
Ялли момо, яллиё,  
Күмгәнларга баллиё.  
Тинчиб қоларми дунё,  
Мангут порлаб, нур-зиё?!

---

\* Жүроб — супурғи.

## ХОТИМА

Мұхтарам муштари! Бу сүнгі сүзни "Хотима" деб атаб хато қилиб қўймадимми? Зеро, қўлингиздаги ушбу рисола "Минг маржон" китоби сирасидан бир мунчоқ, Сусамбил ривоятлари силсиласига кирган бир тизмадир. Яна аниқроқ айтганда, хамир учидан патир, дебочадир. Қоғоз қаҳатчилиги сабабидан қўлёзмалар, терилган маржонлар сандигда чанг босиб ётмоқда.

Аммо "Эрга навбат — шерга навбат" дейди халқимиз. Вақти соати келиб, шу марваридлар яна топилаётган янги-янги маржонлар ила ягона ипга терилиб, яхлит шодага тизилиб, ўз эгасига етказилур, уларни ҳам элимизга тақдим этиш баҳтига мұяссар бўлурмиз.

Иншоолло! Айтганимиз келсин!

Илоҳим, Сиз ҳам, биз ҳам эзгу ниятларимизга, муроду-мақсадимизга етайлик! Омин!

## МУНДАРИЖА

Мұқаддима . . . . .	3
Наврұз ва Аямажуз . . . . .	4
Иди Наврұз — Оламга күз-күз . . . . .	11
Ялли момо, яллиё . . . . .	17
Башар дарахти . . . . .	20
Наврұз қачон түгілған . . . . .	26
Зардұшт — халойиққа дүст... . . . . .	32
Айёми кампирми, айёр кампир? . . . . .	46
Аямажуз ва Қорағызы, қирқбір шотир ва Чормирөб ботир . . . . .	50
Минг бир лола — қилади нола . . . . .	53
Сусамбил сайли . . . . .	60
Олти оқин мушоираси . . . . .	71
Ризо — жавохир, Низо — ҳавотир . . . . .	84
Момо Ҳаво билан Бобо Гулдир . . . . .	90
О, Наврұз сайли, сайли! . . . . .	98
Хотима . . . . .	101

Массово-популярное издание

Юлдаш Муким огли Оташ

### СКАЗАНИЕ О НАВРУЗЕ

700129, Ташкент, Навои, 30. Издательство "Узбекистан" — 1992

На узбекском языке

Мусаввир В. Жеребцов

Расмлар мұхаррири А. Соипназаров

Техник мұхаррір А. Горшкова

Мусаҳих Ү. Абдуқодирова

ИБ№ 5780

Төриғига берилди 17.02.92. Босиғта рухсат этилди 20.03.92. Формати  
60Х84 /16 босма қоғозға Таймс гарнитурада оғсст босма усулида босилди.  
Шартлы босма листи 6,04. Шартлы кр.-отт. 6,27. Нашр.л. 6,72.

Тиражи 40 000. Буюртма № 2486

"Ўзбекистон" нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий, 30. Нашр № 25—92

Оригинал-макет масъулияти чекланған "Ношир" жамияти техникавий ва про-  
граммавий воситалар базасыда тайёрланиб,

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат комитети Тошкент "Китоб"  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида босилди.  
700194, Тошкент, Юнусобод массиви, Муродов күчаси, 1.

Йўлдош Муқим ўғли Оташ.  
М 85 Наврӯз нақли.—Т.: Ўзбекистон, 1992.—103 б.

ISBN 5-640-01257-9

Ушбу китоб қайта тиқланган халқ байрами — Наврӯз ҳақида ҳикоя  
қилади. У жойларда қандай байрам қилинади, Наврӯз қачон ва қандай  
пайдо бўлган, у илк бор қасерда байрам қилинган, аждодларимиз бу  
байрамни қай тарзда ўтказганилару, бизнинг куннларимизга қадәр у қай  
ҳолда етиб келди? Бу саволларга мазкур китобдан жавоб топиш мумкин.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Юлдаш Муқим оғлы Оташ. Сказание о Наврузе

ББК 63.5

№ 162—92

Навоий номли Ўзб.  
Давлат кутубхонаси.

М 0505000000—31 92  
М 351 (04) 92